



## **РЕДКОЛЛЕГИЯ:**

Барот БОЙҚОБИЛОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Туроб ТУЛА  
Худойберди ТУХТАБОЕВ  
Носир ФОЗИЛОВ  
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Абдубоқи ҒУЛОМОВ (рассом)  
Ойдин ҲОЖИЕВА  
Ўткир ҲОШИМОВ



К 70500—156  
356 (04)—79 без объявл.—79 4702570000

©Издательство «Еш гвардия», 1979 г.



# ЁШЛИК

ШЕЪРЛАР, ҲИҚОЯЛАР, БОЛАЛАР  
АДАБИЕТИ, ОЧЕРК, АДАБИЙ  
УИЛАР, МУШОИРА, «ЁШЛИК»  
КАЛЕНДАРИ, «ЁШЛИК»  
ТАБАССУМИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент—1979

## МУНДАРИЖА

### Наср ва Назм

- 7 Муҳсина Бобоева
- 9 Муножот Имомова
- 11 Гулчеҳра Йўлдошева
- 13 Саодат Маҳмудова
- 14 Маъфура Муҳамедова
- 16 Моҳтоб Носирова
- 17 Шафоат Раҳматуллаев
- 20 Маматқиём Саломов
- 22 Назира Саломова
- 24 Исмат Саноев
- 26 Хайриддин Султонов
- 33 Кавсар Турдиева
- 35 Шавкат Туроб
- 36 Севара Тўлаганова
- 37 Ёқубжон Хўҷамбердиев
- 39 Йўлдош Эшбеков
- 41 Нортўхта Қиличев
- 51 Марат Қорабоев
- 53 Файзи Ҳайдаров
- 55 Муҳаббат Ҳамидова
- 56 Дўстмурад Ҳақназаров

### БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

- 59 Абусаид Кўчимов
- 61 Ҳамза Имонбердиев

### ФАНТАСТИКА

- 65 Қудрат Дўстмуҳамедов

## ОЧЕРК

### 71 Тўхтамурад Тошев

### БИР ПАРДАЛИ ПЬЕСА

### 77 Қўрқмас Мажидов

### «ЁШЛИК» МУШОИРАСИ

И. Азимбоев, Н. Аминжонов,  
Р. Асилбоева, Т. Баҳромов,  
Ф. Бўтаева, А. Далиев, О. Да-  
минов, Ҳ. Исмаатов, К. Маллаев,  
Ж. Нажимов, А. Пардабоева,  
Б. Ражабов, Қ. Саидмуродов,  
Н. Солиев, Ш. Турғунов, О. Ху-  
дойбердиев, Ф. Шербоев, У. Шу-  
куров, Р. Ҳабибов, Д. Ҳайда-  
рова.

### УСТОЗЛАР — ШОГИРДЛАРГА


### 97 Талант тарбияси

### «ЁШЛИК» КАЛЕНДАРИ


- 106 М. Аминова. Ҳамза ёшларнинг  
ғамхўр устози [Ҳ. Ҳ. Ниёзий ту-  
ғилган куннинг 90 йиллигига].

### «ЁШЛИК» ТАБАССУМИ

- 111 Маъруф Мударрис
- 114 Музаффар Турсунов
- 115 Собиржон Юсуфалиев



## НАСР ВА НАЗМ



«Солдат ҳақида қисса» сериясидан.  
Рассом М. Кагаров.

---

# Муҳсина БОБОЕВА

---



1950 йили Бухоро областининг Ромитан районида ту-  
гилган. 1977 йили Тошкент Давлат Маданият институти-  
ни тамомлаб, ҳозир Ўзбекистон Театр жамияти кутуб-  
хонасида мудира бўлиб ишлапти.

\* \* \*

Уйимда сен чизган битта сурат бор,  
Баҳор манзарасин чизган эдинг сен.  
Ҳа, боғда кезгандик иккимиз бедор,  
Менга деб гуллар ҳам узган эдинг сен.  
Яхшиям чизгансан баҳор фаслини,  
Уйимни яшнатиб турибди ҳануз.  
Агар чизганингда қишнинг расмини  
Эҳтимол кучарди вужудимни муз.  
Яхшиям тоғ эмас чизган суратинг,  
Қулаб тушармиди бошимга бир кун.  
Яхшиям дарёмас чизган суратинг,  
Тошиб кетармиди йўлимга бир тун.  
Сен олов суратин чизганда балким,  
Ёниб кетармидим тафтида буткул.  
Йўлнинг суратини чизганда ёким,  
Кетиб қолармидим йироққа беун.  
Суратинг ям-яшил турибди узоқ,  
Баҳорлар эскирди, эскирмайди у.  
Менга ҳам завқ берар, ҳам берар қайғу,  
Унга қараб қалбим ҳамиша уйғоқ...

## КОШКИЙДИ...

Дугоналар сочин ўрардим бир пайт,  
Қирқта кокил қилиб, гулларга қўшиб.  
Дугоналар сочин ўрардим бир пайт,  
Хушбўй атир сепиб ва куйлаб қўшиқ.

Дугоналар бу кун мендан йироқда,  
Ҳар бири толенинг суруридан маст.

Мен эса ёнаман ҳануз фироқда,  
Жойлаб юрагимга умид ва ҳавас.

Ва шеърлар битаман тун бўйи бедор,  
Сочдай «қирқта қилиб» сатрларимни.  
Кошкийди уларни ўқиса деб ёр,  
Сепарман садоқат атирларини.

### **ҚУШЧАЛАР**

Бир туп ўригим бор... Баҳор субҳидам,  
Шохларига қўнар оппоқ қушчалар.  
Узоқдан кўринар ярим тунда ҳам,  
Шохларида тунар оппоқ қушчалар.

Кейин, улар учиб кетар-да-кетмас,  
Дув келиб, қўнади яшил қушчалар.  
Худди билмагандай қалбим сабр этмас,  
Қандай қушлар келар булар учсалар.

Куз келиши билан беш-олти кунга,  
Яна ёпирилар сарғиш қушчалар.  
Юрагим орзиқиб қарайман унга,  
Қушлар яккам-дуккам ерга тушсалар.

Бир куни изғирин турса оламда,  
Елдек учиб кетар ёниқ қушчалар.  
Кейин қиш келганда, бир субҳидамда  
Ўригимга қўнар момиқ қушчалар...





# Муножот ИМОМОВА



1952 йили Наманган область, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозида туғилган.

Намангандаги маданий-оқартув техникумини тугатиб, ҳозирги кунда Наманган область, Поп район, «Поп» пахтачилик совхозида комсомол ташкилотининг секретари вазифасида ишлаб келяпти.

Район, область, республика матбуотларида ўз шеърлари билан қатнашиб келади.

## ТОНГ ТАРОНАСИ

Баҳордаги лозазор янглиғ,  
Қирмизи ранг — таралди шафақ,  
Япроқлари зумрад мисоли,  
Шабнам ўпган ғунчалар мудроқ.  
Ҳаёли қиз, келин сингари,  
Оқ булутга буркаб юзини,  
Осмон кийиб ял-ял кўйлагин,  
Кўз-кўзлади нозли ҳуснини.

Муаттар бўй пуркаб димоққа,  
Райҳон шохин титратди сабо.  
Кимдир найда чалмоқда бир куй,  
Бирам завқли, бирам дилрабо.  
Най навосин тингламоқ бўлиб,  
Бош кўтарди баркашдек кўёш.  
Сабзалардан тўкилди шудринг,  
Кун нурига беролмай бардош.

## ШАББОДА

Оққушдай тизилган оппоқ булутлар  
Бағрига шарпасиз, унсиз уриб тўш,  
Райҳонлар кўнглида уйғотиб ҳавас,  
Ғунчалар ёдида бўлиб ширин туш,—

Елар шаббода.

Аста-аста келиб кўзим беркитган,  
Ўша менга таниш қайноқ кафтлардай,  
Илк баҳор сабзалар бошин силаган  
Қуёшдан ёғилган илиқ тафтлардай,

Елар шаббода.

Ҳисларим тўзғитди, йўқолди ором,  
Фикримда жонланди азиз бир сурат.  
Мени оғир кўйга солиб кўйди-ю,  
Ҳеч нарса бўлмаган каби тинч, лоқайд,—

Елар шаббода.

## БАҲОНА

Вижир-вижир қайнайди қумғон.  
Часур-чусур ёнар тараша.  
Топиб бер деб қалб сени мудом,  
Тинчим олиб қилар хархаша.

Баҳонадир бир пиёла чой —  
Узатаман, олиб қўясан.  
Баҳонамни сезиб, ҳойнаҳой,  
Мийиғингда кулиб қўясан.

Сирим ошкор бўлиб ёноғим  
Ял-ял ёнар қизиллик ёйиб.  
Ўлтираман қаршингда лол, жим,  
Қаноатсиз қалбимни койиб.

### **КУЗАТИШ**

Йўлга отланаман, ёнимда онам  
Алланималарни тугар тугунга:  
«Сафарда толиқиб қолмайсан, болам,  
Олакет барисин, ярар кунингга».

Олма, анор, майиз, асал, ёғли нон —  
Барисин олакет дея келтирар.  
Атрофимдан кетмас бўлиб киргиттон  
Гоҳо шодон, гоҳ сукутда ўлтирар.

Ўйчан кўзларининг дардин беркитиб,  
Чиқади ҳовлига қадам-бақадам.  
Мен йўлга тушаман, рўмол силкитиб,—  
Йўлимнинг бошида қолади онам.



# Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА



1949 йили Фарғона областининг Олтиариқ районида туғилган. 1971 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатди. 1970 йилдан буён республика матбуотида ўз шеърлари билан қатнашиб келади. Ҳозир «Ўзбекистон маданияти» газетасида ишламоқда.

## АСО

Қишлоқнинг тупроқли тор йўлкасида  
Асога суяниб кетиб борар чол.  
Оддийгина таёқ ўз елкасига  
Олибди бир тақдир юкин бемалол.

Шунга қиёсламан, шеърим, сени ҳам,  
Покиза дилларнинг заҳматини ол.  
Манзур қилолмайман барчага, эркам,  
Аммо кимларгадир асо бўлиб қол!

## МЕҲР

Бергил заррача меҳр, уммон этиб қайтарай,  
Йўлларингда термулиб, мажнунтолдай соч тарай.

Сенга бўлсин шеърларим битгани-битмагани,  
Оппоқ-оппоқ тунларда ғазал ўқиб эркалай.

Бўлгил шоҳи султоним — қалбинг паноҳ этайин,  
Ишқ тўла юрагингни қадаҳ мисол сипқарай.

Қуёшнинг заррин нурин сенга айлаб пойандоз,  
Ошифта юрагингга «адоқатдан ўт қалай.

Оламнинг ҳар бурчини тўлдирай ишқинг билан,  
Мурғак орзуларимни номинг билан аллалай...

## НОЗИМАНИНГ ШЕЪРИ

Сен ўзимга ўхшар эмишсан, —  
Қошларингнинг қоралиғи ҳам,  
Узоқ эмиш оралиғи ҳам...  
Сен ўзимга ўхшар эмишсан.

Ҳаётимнинг кўрки, қувончи,  
Орзулардай дилга эгизсан.

Юрагимдан яралган томчи,  
Худди менинг ўзим эмишсан.

Рост, ўзимга ўхшайсан, қизим,  
Чечагисан боғим, даламнинг.  
Тўлдиргандай бағримни, кўзим,  
Тўлдириб юр, ёруғ оламни!

*Келмайдими раҳмингиз мен зорингизга.*

*П. Мўмин*

Бугун сиз келмадингиз дийдоримни кўрмоққа,  
Киприк тўсган ёшларим тўкилмоққа шайланди.  
Шунда ўргандим илк бор йиғлаб туриб кулмоққа,  
Ҳижронингиз интизор қўшиғимга айланди.

Биров пинҳон, ким ошкор термуларкан юзимга,  
Бундайн нигоҳларга сир бермаслик осонмас.  
Зўрлаб ўзим-ўзимни чақираман тўзимга,  
Меҳрим билан нафратим курашади басма-бас.

Мудроқ босган кўзимни ишқалаганча саҳар,  
Тушим айтмоқ бўламан уйқу билмас сойларга.  
Сизсиз шуҳратларга ҳам солгим келмайди назар,  
Сиз кўрмаган камолни мен кўмайин қайларга?

Қаерларда юрибсиз, излаганим бу маҳал,  
Балки мендек ёлғизлик гирдобида толарсиз.  
Айтишга тилим бормас ўртанганимда ҳар гал —  
Мендан гўзалроғининг фироқида ёнарсиз.

Дейдилар, шоир халқи борини шеърда айтар,  
Шоирликни талашдим шу баҳона туфайли.  
Малолингиз бўлмасин битаётганим байтлар,  
Айтинг, айтинг, йўлимиз сира тушмасин айри.

Не кунларни кўрмадик битта ғамни орқалаб,  
Фил букилар юклардан эзилмади елкамиз.  
Бу кун ҳаёт бизларни онамиздек эркалаб,  
Бахт-иқбол келтирмоқда бугунимиз, эртамиз.

Нечундир келмадингиз аҳволимни сўрмоққа,  
Сузаётган ой булут панжасига илинди.  
Такрор ўрганмоқдаман йиғлаб туриб кулмоққа,  
Дунёнинг кемтиклиги шу лаҳзадан билинди...

□

---

# Саодат МАҲМУДОВА

---



1955 йилда Бухоро областининг Шофиркон посёл-  
касида туғилган. Унинг шеърлари область ва респуб-  
лика матбуотида ёритилиб туради.

---

## РОЗ

Наҳот дил торининг жананги тинди,  
Наҳот шундай бўлди, мунис дўстгинам?  
Наҳотки, садоқат гуллари сўлди,  
Наҳот йилтиради кипригимда нам?  
Этарман у масъуд айёмларни ёд,  
Хаёлимдан кечар мунаввар кунлар.  
Қандай раҳна тушди ўртага ҳайҳот,  
Шундай савол билан оқарар тунлар...  
Ҳозир йироқдасан мендан нақадар,  
Балки, сени энди кўрмасман сира.

Ўтган у дамларга ташлайман назар,  
Қўлимда биргина сурат хотира.  
Балки йиллар ўтиб, унутарсан ҳам,  
Номим ҳам йўқолур ёдиндан, эсиз,  
Аммо тақдир бир кун учратса бирдан,  
Ёнингдан ўтарман садосиз-сассиз...  
Наҳот дил торининг жананги тинди,  
Наҳот шундай бўлди, мунис дўстгинам?  
Наҳотки, садоқат гуллари сўлди,  
Наҳот йилтиради кипригимда нам?..

## ЯПРОҚ

Хазонрез боғларда кезасан танҳо.  
Тегрангда самовий, сўнгсиз сукунат.  
Муҳаббат куйлари таралур гўё,  
Интизор юрагинг тепар бетоқат.

Бошингда бир япроқ шивирлар бедор,  
Балки у ҳам кутар ошиқ мунисин.  
Оламга яна сеп ёйганда баҳор,  
Висолга етгум, деб топар у таскин...

## КЕЗМИШМАН

На хуш бахтдир, дилоромим, хаёлинг бирла кезмишман...  
Хаёлингда юриб, балки висолинг бирла кезмишман...

Мунаввар субҳ-шомлар ёд этиб кўз бирла қошингни,  
Чаманлар саҳнида юлдуз-ҳилолинг бирла кезмишман.

Чаманни сайр этарда бир ўзим танҳо эмас асло,  
Сени ҳамроҳ этиб, қадди ниҳолинг бирла кезмишман.

Саодатман, ёниб сармаст бўлиб севги-саодатдан,  
Лабимда тамшаниб боли-зилолинг бирла кезмишман...





---

## Маъруфа МУҲАМЕДОВА

---

1946 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, аynи чоғда Ўзбекистон телеграф агентлигининг таржима бўлимида ишламоқда. Кўпдан бери матбуот саҳифаларида ўз шеърлари билан қатнашиб келади.

---

### БАРМОҚЛАРИМ — ИРМОҚЛАР...

Қўлга боқсам — бармоқларим ирмоқларга ўхшайди,  
Саховат дурларига лиммо-лим тўлиб турган.  
Ҳар бирин шиддатидан ижод гули порлайди,  
Тўрт фасл ҳам оқимида кўклам завқи югурган.  
Меҳнатга чоғланган чоғ тошқинлигин кўрсангиз,  
Нозик шу бармоқлардан тўлқин уриб оқар куч.  
Унинг қўшиқларига қулоқ тутиб турсангиз,  
Сукутни эритгувчи наволарга шундай ўч.  
Ирмоқларим оқиб турган жойда ажиб кашфиёт,  
Икки тош орасини чайқатган кўркни кўринг.  
Баҳра олиб очилар қудратидан мавжудот,  
Олқай-олқай меҳнатни ўзи олмагай ҳеч тин.  
Бармоқ-ирмоқлар бир чоқ ерда кўкат ундирса,  
Бир чоқ торларда оқиб дилларга беради завқ.  
Тандир бошида бир чоқ нон ёпмоқни дўндирса,  
Гўдак сочлари аро оқиб туради бир чоқ.  
Бармоқлар етиб борган масофага йўқ ўлчов,  
Ҳимматидан чўл кўкси борар шўрин аритиб.  
Юрак узра таралиб дўстларга у тутса чой,  
Пиёладаги қуёш кетгай давра ёритиб.  
Бу бармоқларим менинг эзгу ишларга чанқоқ,  
Ғафлатни қувган бахти — тошқинлигу бедорлик.  
Келажак йўлларида ишлари кўпки шундоқ,  
Ҳали меҳнатлари оз мақтовга сазоворлик.  
Фақат соғ бўлсалар бас, қўлдаги ўн ирмоғим,  
Борар манзилларимда умидларим кўп жуда.  
Меҳнаткаш ирмоқлар-ла безармиз ҳаёт боғин,  
Бу боғларда қўшиқлар янграр яна ҳам авжда.

### ЎРМОН ҚЎШИҒИ

Яшил ўрмон, мусаффо дунё,  
Бормоқдаман ҳайратим ортиб.  
Унгим эмас, гўёки рўё —  
Ҳушим олмиш, ҳаёлим тортиб.

Саф тортишган оппоқ қайинлар  
Йўлга тушган барно қизлардай.  
Вужуд завқда, қадам секинлаб  
Маст бораман хушкайф ҳислардан.

Во ажабо, шунчами ҳусн,  
Мени кучган кўк дунё аро:  
Тиниқ майса гўёки чақин  
Кўзга кўм-кўк оташ этар жо.

Дарахтларнинг танаси бўйлаб  
Жимир-жимир оқар яшил ранг.

Мен билмаган қўшиқни куйлаб  
Дил торида созлар не оҳанг.

Мафтун бўлдим рус ўрмонига,  
Дўстларим-ла меҳмон бўлган пайт.  
Хумор бўлиб қайтаркан уйга,  
Қўшиқ мисол кашф бўлди шу байт.

### МАНЗАРА

Битта-битта томчи ташлаб,  
Бу кез ёмғир ёғаётир.  
Интиқ этган куйин бошлаб,  
Бу кез ёмғир ёғаётир.

Очилмоқда яшил олам  
Ранглар тоза, ишвали.  
Ёмғир тўри орасидан  
Борлиқ боқар жилвали...

\* \* \*

Дейдиларки, уфқ томонни кўзлаган хаёл ширин,  
Рақибни дўст айлагувчи забондаги бол ширин.  
Ошиқ аҳлин истагини айлаган Ҳофиз баён:  
Маҳбуба рухсорда битта қаро хол ширин.

Ким учун бода ширину ким учундир нон ширин,  
Номард-чун дўстга пинҳон фитна қурган он ширин.  
Сўрсаларки, недир тансиқ сен учун бу ҳаётда?  
Мен айтардим: барчасидан умидли ҳижрон ширин.

□



---

# Моҳтоб НОСИРОВА

---

1950 йили Бухоро шаҳрида туғилган. У Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битириб, ҳозир «Ўқитувчи» нашриётида ишламоқда.

---

## ГУЛ ВА ҚИЗ

Гулларга сув қуяр эди қиз,  
Гунчаларга термулиб узок,  
Вужудини қитиқлаб бир ҳис,  
Гул қошидан кетолмас йироқ.

Гулни севди, ёришди қалби,  
Одамларга дилдан меҳрибон.  
Бу ҳаётда шундай бўлади:  
Севиб севги ортираб инсон!

## БАХТ

Юракларда кўзғатиб ҳавас,  
Гўдак ётар она бағрида.  
Жажжигина, қошлари пайваст,  
Кулар қуёш сочган ёғдуда.

Мен биламан — толеи ёрқин,  
Қиқирлар, у жилмаяр, кулар.  
Она ўйлар шодлигин, бахтин,  
Бахт нурига йўғрилган улар...

\* \* \*

Нафосат таратиб бутун ўлкамга  
Келди соғинтирган ажиб навбаҳор!  
Дарахтлар товланиб ям-яшил рангда,  
Унинг суруридан туяр ифтихор!

Тансиқ нафосатнинг бўлиб мафтуни,  
Навқирон дунёга мен боқаман лол.

Ошиқ ёр васлига шошилган каби,  
Ариқдаги сув ҳам югурар хушҳол.

Шодлиқдан жўш урар қалбимда илҳом,  
Бир нафас ҳам менга бермайди тиним,  
Бу кун жилваланар жумлаи жаҳон,  
Кўринг, бу яшнаган менинг Ватаним!

\* \* \*

Оху кўзларингга боққанимда мен,  
Ҳаёт жилосини кўраман, ишон!  
Олам-олам қувонч бахш этасан сен,  
Ўртаниб, журъатсиз боққанинг замон...

□



# Шафоат РАХМАТУЛЛАЕВ



Сурхондарёдан. У Тошкент Давлат консерватория-сини тамомлаб, ҳозир Термиз Давлат педагогика институтида музика ўқитувчиси бўлиб ишламоқда.

## БУ БУЮК ДРАМАНИНГ САҲНАСИДИР ОНА ЕР...

Машиқдан мағриб сари яна сурилиб кетди.  
Қоп-қора ва азалий тун демиш улкан парда.  
Ҳаёт драмасининг яна авж они етди,  
Ер саҳнасин ёритгач фалак шами саҳарда.  
Бу буюк драмада ижрочилар кўп моҳир,  
Улар минг йиллар олган олам дарсидан таълим.  
Улар шу тирикликдир, улар шу одамлардир,  
Ўтмишнинг ҳар сабоғи уларга бир муаллим.  
Бу буюк драманинг саҳнасиدير она Ер,  
Унда бир онлик ўйин бўлгуси минг-минг тарих.  
Бу саҳнада миллионлар бетиним тўкади тер,  
Улар меҳнатин буюк обидалар қилур шарҳ.  
Бу саҳнада миллионлар қўшиқ айтур бахтидан,  
Бу саҳнада миллионлар бўзлашар кўзида ёш.  
Бу ўйинда шавкатли шоҳлар қулаб тахтидан,  
Бу ўйинда ўқ еган мангу кўтармагай бош.  
Бу саҳнада саргардон ишқда минг-минг мажнунлар,  
Бу саҳнада эъзозли минг фарҳодлар севгиси.  
Бу саҳнада ҳисобсиз толеидан мамнунлар,  
Бу саҳнадан таралар минг хил чечаклар иси.  
Бунда қанча найранг бор, бунда қанча жиноят,  
Бир ёнида одамнинг қони чиқар нақ тизга.  
Бунда бировлар номи дунёда тенгсиз оят,  
Бунда бировлар она сути қадар покиза.  
Бунда минглар ўзин дер ориятда ягона,  
Бу саҳнада гаровга қўяр минглар номусин.  
Бу саҳна даштларида хору зор қанча она,  
Кимлар битар бир ёнда кўрганларин қомусин.  
Ахир, бугун ўйналган эртага қўйилмайди,  
Бугуннинг сабоқларин эртага элтмоқ тадбир.  
Минг йилдан кейин бунда ижрочилар биларми —  
Ким бугун мурид эди, ким ўйнади бўлиб пир.  
Кимлар бугунги буюк ишларин ҳам чала дер,  
Кимлар эса ҳали йўқ омадлардан кўнгли тўқ.  
Мен ҳам ушбу саҳнадан чирианиб ўқийман шеър,  
Бир-икки дўстларимнинг мақтовидан ўзда йўқ.  
Сўнг кимлар қўлин қисиб, кимларга бергум салом

Ва эртанги ўйиним режаларин тузаман,  
Гоҳ кечмиш ўйларининг оёғига ташлаб дом,  
Гоҳ келажак хаёли уммонида сузаман.  
Бу саҳна кечмишига боқсам: бир ҳовуч зўрлар  
Айш кемасин суздирган башарнинг кўз ёшида.  
Буюк саҳна бағрини буюк бир фоже хўрлар,  
Бахтни кўрди бу саҳна шу асримнинг бошида.  
Асримнинг бошида чиқиб бир буюк ўғил,  
Саҳна узра бонг урмиш: «Бундоқ ўйнаймиз, келинг,  
Етар, фожиа ўйнаб азоб тортмоқ минг-минг йил!»  
Қувонч сари бошлаган ул ўғлон эди Ленин.  
Уша бонгдан бу саҳна қолди икки бўлиниб,  
Энди унинг ярмида мудом шодлик ўйини.  
Ярмида ҳамон ётур асрлар ғами тўниб,  
Ҳамон қонли оёқ-ла фожиа топтар уни.  
Келажагига боқсам минг йиллар деворидан,  
Фожиалар ўрнида савти наво кўринур  
Башарият покланиб ёмонлик ғуборидан,  
Азал жароҳатига мангу даво кўринур.

### 31 ДЕКАБРЬ КЕЧАСИДАГИ УЙЛАР

Бир йиллик умр жоми тўлаётир лаболаб,  
Бир йилнинг сарҳисоби дилда ўйу тилда гап,  
Бир йил тугаб борадир лаҳза бўлиб-томчилаб,  
Секинлатинг, тўхтатинг бўлса магар чораси,  
Воҳки, бир лаҳза эрур икки йилнинг ораси.

Яна бир газ сингади тарих кекса мозийга,  
Кетган йил ўйнамагай келарининг созига,  
Кечмиш жавоби — сукут — терговчи ҳар қозига.  
Йиллар-ла келди, кетди минг Искандар, Дороси,  
Воҳ, бир сипар сермашча — икки йилнинг ораси.

Кимлар туғилди бу йил, ким юз бурди қазога,  
Кимни қисмати сийлаб, кимни тортди жазога,  
Кимлар сафдан чегрилиб, ким сайланди аъзога,  
Жамият осмонининг ҳар ким бир ситораси  
Воҳ, юлдуз учган дамча — икки йилнинг ораси.

Йилталаш чоғи дилда ўрин борми армонга,  
Қай жигардан ҳол сўрдик, кимга бордик «ҳорманг»га,  
Арзирлики мулушлар эл кўтарган хирмонга —  
Хирмонки осмон ўпар, қорли тоғча қораси,  
Воҳ, бир чаноқ терар он — икки йилнинг ораси.

Гоҳ севги севинчидан кимга жаҳон тор бўлди,  
Кимларнинг дил дунёси ишқ ғамидан қор бўлди,  
Барига сабаб қалбни орзиқтирган ёр бўлди,  
Ҳижрон туни мунғайган қай ишқнинг бечораси,  
Воҳ, бир бўса умрича — икки йилнинг ораси.

Кўнгилдаги ёр келар Қорқиздек эшик очиб,  
Қор билан қорхат отиб, кетар қирларга қочиб,  
Қувласанг, бошда осмон турар оппоқ гул сочиб,  
Оламча бахт бу оппоқ бир орзунг ишораси  
Воҳ, бир ёруғ хаёлча — икки йилнинг ораси.

Мангу тўхтамас юрак — лаҳза кўргазиб кучин,  
Ун иккига тақайдир соат найзасин учин,  
Ҳар ишнинг боши — лаҳза, ҳар ишга лаҳза — якун.  
Қадаҳ тўлдир, умринг ҳам лаҳзалар ижараси,  
Воҳки, бир лаҳза эрур икки йилнинг ораси.

#### ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Оппоқ булутлардан беланчак қилсам,  
Ҳилол ипагидан ҳалинчак қилсам.  
Боботоғ келбатли қуёв бўлсам-у,  
Баҳорни ўзимга келинчак қилсам.

\* \* \*

Новдаги сув мисол замон ва макон,  
Куррамиз ундаги тинмас тегирмон.  
У янчиб тоғ этган ўтмиш унин кўр,  
Қара — келажак ҳам дўлда турган дон.

□



## Маматқийём САЛОМОВ

1951 йил Китоб районидаги «Паландара» совхозида туғилган. ТошДунинг журналистика факультетини таъмомлаган. Ҳозир районда радиоташкилотчи бўлиб ишлайди. Айни пайтда у комсомол комитети қошида ташкил этилган ёш қаламкашлар тўғрагини ҳам бошқармоқда.

\* \* \*

Ёнар мағриб кунгуралари,  
Қуёш уфққа сингар бирпасда.  
Сен ҳам кетма йироқлаб нари,  
Бош қўй менинг бағримга аста.

Гулхан бўлиб ёнай тафтингда,  
Қалбим чўққа айлансин, майли.  
Сўнг кўтарай сени кафтимда  
Бир лаҳзаллик шафқат туфайли.

### ҚОРЛИ ЙЎЛ

Шаҳарда қор ёғмоқда,  
Кийинмоқда ер ҳарир.  
Ойдин йўл тўшалмоқда  
Ипак йўли сингари.  
Қор ёғмоқда авжланиб,  
Оппоқ нурдан ясаб йўл.  
Бор дунёни мавжланиб —  
Оқартирмоқда буткул.  
Ана, тушди илк излар —  
Чопиб ўтди болақай.  
Қордек мусаффо ҳислар —  
Сари кетди болақай.

Осмон оппоқ, ер ҳам оқ,  
Завқдан нигоҳи тиниб  
Ўтиб кетди қизалоқ  
Оқ нурларга талпиниб.  
Хамир юқи қўл билан  
Оқ туйғуни қормоққа,—  
Қувончлари бир жаҳон  
Она ўтиб бормоқда.  
...Тўшалмоқда қорли йўл,  
Ёғилмоқда оқ туйғу.  
Кўмиб юборгай буткул  
Барча қора рангни у!

### ОРЗУ

Нурдек кириб келди дунёга орзу.  
Шу заҳот ўзлигин унутиб бирдан  
Ўзга нарсаларга парво қилмай у  
Жимгина эргашиб кетди ортидан.

Орзу унинг бағрин айлади бутун,  
Қолмасдан ҳавойи ҳисга кўмилиб.  
Ушоқ тошчалардан сачради учкун —  
Зарра ерга қайтди бир қуёш бўлиб.

Ўша кун ушалди минг йиллик армон,  
Балки шу оловдан юракдаги қўр.  
Олов эзгу бўлиб қоларди ҳамон  
Бойлик барча ҳисдан чиқмасайди зўр.

Қайда эрк, қайда у туйғулар шоҳи —  
Зулматга қорилди бу ёруғ гулшан.  
Дунёни титратди қулбачча оҳи,  
Орзунинг бўйнига ташланди кишан.

Наҳот ўтган кунлар қайтмас бир эртак,  
Бўлмас бу мамонтдан кучлини енгиб.  
Эркин орзу қилди мағлуб Спартак,  
Ёниб кул бўлмоқда Муқанна эрк деб.

Ўлимга буюрди ўғил падаркуш —  
Қиличга бош эгар ночор Улуғбек.  
Инсон орзуси бу — ҳаволанган қуш,  
На қилич ва на ўқ қулатолмас лек.

Қачон бўлар экан парча нони бут,  
Бахт унга қайси кун кўрсатар жамол.  
Бу қаро толеи бўларми унут,  
Келарми ёруғ кун, инсоний камол?

Бор-ку, ҳар нарсанинг чегара, ҳади —  
Барча қийноқлардан қолди у омон.  
Бу кун қувончлари қайга сиғарди —  
Кун келди, кун келди у дориломон!

Юрагида орзу чатнайди тагин,  
Олис коммунани у қилар хаёл.  
Барча тенг яшаса, унинг истаги —  
Одамлар ҳеч қачон кўрмаса завол.

Орзу бор — шу қадим дунёмиз ёруғ,  
Эртанги ҳақиқат — бугунги орзу.  
Ер шарини таянч нуқтаси янглиғ  
Ҳамон қўлларисида тутиб турар у!

## ОҚ НАВО

Юр, излаймиз, юр, оқ навони,  
Ҳей севгилим, маст уйқунгдан тур.  
Тўйиб ҳидла, симир ҳавони,  
Кенгликларда боладай югур.  
Биз мастона кезмоғимиз шарт.  
Оқ навони сезмоғимиз шарт.

Қизғалдоқлар каби сочилган  
Кўклам очар қучоқларини.  
Адирларда лола очилган

Тутар бизга дудоқларини.  
Юксакларда учмоғимиз шарт.  
Оқ навони қучмоғимиз шарт.

Қирда баҳор, юракда куёш,  
Гуллар ичра кўмилгаймиз биз.  
Бахт кўксига мангу қўйиб бош,  
Шудрингларда чўмилгаймиз биз.  
Юр, севгилим, кетмоғимиз шарт!  
Оқ навога етмоғимиз шарт!

## НЕГАТИВЛАР

Оқ — қора, қора — оқ!  
Сураткаш дўстим, бердинг зўр сабоқ:  
Негативлардан иборат олам,  
Негатив — ҳаёт,  
Юзларимиз — негатив.  
Ана, қиёфалар турар бетма-бет,  
Биламан уларда бахтиёрлик бор.  
Йўқ, юзлар керакмас, мени огоҳ эт,  
Оламда ҳали кўп қабоҳат, ағёр.  
Оғайни, кўрсатгин, англагин тайин,  
Нима — оқ, қора — не? Бари-барини.

Сенинг суратинг-ла аниқ кўрайин  
Нотинч асримизнинг одамларини.  
Сенга тилакларим менинг кўп эрур:  
Қиёфалар эмас суратларингда  
Қалбларнинг рангини кўргим келади.  
Сочларми у қора — юракми у қора,  
Изоҳ сўрмоқ истаيمان сендан.  
Оғайни, ясайвер негативларни  
Ва кўрсат кўзимнинг олдида яққол  
Йигирманчи аср қиёфасини!..





## Назира САЛОМОВА

1956 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида сиртдан ўқиб, айна чоғда «Уқитувчи» нашриётида ишлайди.

### ЎН САККИЗИМ

Сарин-сарин эсса еллар сочгинамдан тортқилаб,  
Попук қошу киприклардан бош эгсалар майсалар.  
Сурур солса қалбгинамга ол юлдузим милтираб,  
Нурлар ичра фарқ бўлурман — ўн саккизим яйратар.

Не сирлардан ўн саккизим нома олиб келади,  
Дилгинамга олислардан сафо солиб келади.  
Қатор-қатор турналардек излар тортиб юракка,  
Қай чечакни йўлларимга сочмоқ бўлиб елади.

Қўҳна олам ўн саккизин туяр менинг наздимда,  
Ўн саккизим аёзини, баҳор мисол санарман.  
Машшоқ билмас наво янграб менинг сирли созимда,  
Кўклам ёшда яшил-яшил туйғулардан ёнарман.

### СЕНИ УЙЛАСАМ...

Юлдуз милтиллайди.  
Қулоқларимга  
Сирли шивирлайди ўйноқи еллар.  
Яна жимиллайди

соғинч қалбимда  
Ҳисларим руҳимни яна аллалар,  
Сени ўйласам.

Кундуз кечаларнинг мафтунисимон  
Бир қўшиқ тўқийман —  
айтмаган ҳеч ким.

Ғамлар тоқ ўтади,  
бахтим ёнма-ён,  
Бир орзу хаёлин бахш этар меҳринг,  
Сени ўйласам.

Кўклам юз очадир.  
Севги тафтидан  
Ёшлигим бўлганда қайта бор чаман.  
Армонлар қочадир.  
Хаёл қатида  
Ҳатто азоблардан ором топаман,  
Сени ўйласам.

## ЁМҒИР ЁҒАЁТИР

Ёмғир ёғаётир...

Бу кеч менинг юрагимда  
бир шам ёнаётир,—  
Эҳтиросли ҳиссиётдан.

Ёмғир ёшларини  
дилга отаётир,

Шам

зор ёнаётир,  
Хоҳишлардан, ғазаблардан  
мағрур қочаётир,


Ёмғир ёғаётир,  
Бу кеч деразамга урилар у  
маъюс-маъюс.

Бир нафасга  
суймоқчидек,  
Ғариб қалбда унут ҳисни  
туймоқчидек,  
Юрагимга кирмоқчидек  
тўлқин солиб,

Ёмғир ёғаётир.  
Меҳрим қайта сочмоқчидек  
олис-олис —

Бир шам ёнаётир.





## Исमत САНОЕВ

Самарқанд область Пахтачи районида 1942 йил туғилган. Самарқанд Давлат университетини тамомлаб, ўқитувчилик қилган. Ҳозир район партия комитетида масъул вазифада хизмат қилади. Шеърлари билан область ва республика вақтли матбуотлари ҳамда журналларда тез-тез кўриниб туради.

### ОТАМ ҲАҚИДА

#### I.

Ёдимда:

Отам

Куйларди бирам —  
Ширин овозли.

Меҳнаткаш эди,  
Ҳам дилкаш эди,  
Хулқи эъозли.

Отам,  
Наздимда,  
Олам олдида,  
Бир зарра эди.

Лек, тоғдай буюқ,  
Қуёшдай суюқ,  
Инсон эди у.

Ернинг эр ўғли,  
Элнинг шер ўғли.  
Деҳқон эди у.

#### II.

Отам,  
Элда бўлмади олим

Ё тарихда қолдирмади ном.  
Бобо касбин улуғлаб доим,  
Меҳнат қилди — бахт бўлди инъом.

Тер тўкиб,  
Ер ўпиб муттасил,  
Чигит экиб «оқ олтин» олди.  
Умр кўрди олтмиш тўққиз йил,  
Ундан фақат яхши от қолди.  
Ўт солмади бойлик дилига,  
Эъозланди кетмону ўроқ.  
Қолдирмади ҳеч бир ўғлига  
На молу мулк, хазина...

Бироқ  
Куйлаш,  
Поклик,  
Ватанга ихлос,  
Хотиралар — бир жаҳон сеҳр.  
Меҳнатга ишқ,  
Пахтага меҳр,  
Дўстлар, менга отамдан мерос.

\* \* \*

Дейдиларки, қуёш ҳам ҳар кун,  
Денгиз узра зум лол қолармиш.  
Ўз ҳуснига ўзи ҳам мафтун  
Денгиз — кўзгу, назар солармиш.

Тўлқинларни тутиб юзига,  
Безанармиш ўхшаб жононга.

Хилватда зеб бергач ўзига,  
Йўл олармиш Узбекистонга.  
Шу-шу кўкда кезармиш қуёш;  
Эга эмиш олам посбонга —  
Қаҳрамону ҳам уста наққош.  
Хизмат учун Улуғ Инсонга,  
Зулмат бағрин ёриб тиллабош,  
Нур сочармиш бу кенг жаҳонга.



## ҚАЛАМ

Лаб босганча дафтар юзига,  
Бор меҳрини тўкади қалам.  
Ҳайкал қўйиб босган изига,  
Қоғоз узра чўкади қалам.

Қайта-қайта тўнини ечиб,  
Оққа сингмоқ бахтдир қаламга.  
Чунки қалбга қоғоздан кўчиб,  
Ҳикмат бўлиб тарқар оламга.

\* \* \*

Юрагимда яшар бир қуёш,  
Умидимга ёрқин нур сочиб.  
Юрагимда яшар бир қуёш,  
Ҳисларимнинг йўлини очиб.

Юрагимда яшар бир қуёш,  
Садоқатли қалбим тоғ этиб;  
Бир қуёшки, сулув, қаламқош,  
Умрим безар кўнглим чоғ этиб.

Юрагимда яшар бир қуёш,  
Эъзоз этгум ишқу вафони.  
Юрагимда яшар бир қуёш  
Қалбим билмас жабру жафони.

Шу қуёш бор, олий бахтим бор.  
Шу қуёш бор, ишқда тахтим бор.

## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Олтин дам ўғирлаб ўтар минутлар,  
Тез соат бўлмоғин кутар минутлар;  
Солдатлар сингари собит ва хушёр,  
Муқаддас бурчини ўтар минутлар.

\* \* \*


Донолар курашни бахт деб билдилар,  
Саодат калитин вақт деб билдилар.  
Бепарво нодонлар аввали-охир,  
Ғафлат тўшагини тахт деб билдилар.

\* \* \*

Эрта не бўлишин билолмас ҳеч ким,  
Узилган умр ипин улолмас ҳеч ким,  
Имкон ҳам ҳаётдан бир марта насиб,  
Кексайгач, қайта ёш бўлолмас ҳеч ким.

□

# Хайриддин СУЛТОНОВ



1956 йили Паркент қишлоғида туғилган. 1978 йили Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугатиб, «Гулистон» журналича ишламоқда. Хикоялари вақтли матбуотда тез-тез босилиб туради.

## ОЙ БОТГАН ПАЛЛАДА

Хижрий тўққиз юз еттинчи йил<sup>1</sup> кеч кучида тожу тахтидан маҳрум этилган Заҳриддин Муҳаммад Бобир Мирзо кўҳна ва азим Шошнинг устки тарафида, Чир воҳасининг тоғли кентларида яқин бир ой ўттиз чоғли йигити билан сарсон-саргардон кезиб юрар эди.

Манглайдан мангу қор аримас Чотқол бағрида яшнаб ётган Фаркат номли сўлим, мўъжазгина бу кент Бобир Мирзонинг кўнглига хилий маъқул тушиб, икки ҳафтадан буён шу ерда хиргоҳ<sup>2</sup> тикиб, турғун бўлиб қолган эди.

\* \* \*

Тун бўйи шаррос қуйган ёмғир куни билан тинмади. Осмони фалакни тўлдириб юборган қора булутлар қаҳр билан тўлғаниб, савалаб сел қуярди.

Бобир елкасига чакмон ташлаб, тойғана-тойғана сой бўйига тушиб борди. Таҳорат олгач, чакиллаб сув томиб ётган хиргоҳга қайтди-да, бомдод намозидан сўнг беклар, ишончли йигитлар ва ичкиларни кенгашга чорлади. Хиргоҳга бирин-кетин энгил-бошлари шалоббо Хожа Хусайн, Қаро барлос, Султон Хусайн, аргун, Қўчбек Нўён кўкалтош, Банда Али, Ғулда Қосимбек, Холдор ва энг сўнггида мўғул башара, суяги бузук Миршоҳ қавчин жам бўлдилар.

— Шайбонийхон Хўжанд сувини кечиби ўтиб, Шохруҳияни эгаллабдур, Пискент вилоятини қамал қилмишдир,— деди Бобир.— Биз бўлак бирор кентга кўчгали қарор

бердик. Барча анжомларни тахт қилинг, ёмғир тўхтагач, дарҳол йўлга отланмоқ лозим.

Бир зумда ҳамманинг юзига ташвиш пардаси соя солди, аммо бирор нима деб эътироз билдиргувчи кимса бўлмади. Фақат Қаро барлосгина хирқироқ товуш билан сўради:

— Қайси манзилга кўчмоқни қарор қилдингиз, амирзодам?

— Бундан икки йўғоч<sup>1</sup> нари Сомсарақ отлиқ бир кент бор. Ушал ерга қароргоҳ қурурмиз. Йўл тадоригини кўрингиз. Сиз, Ғулда Қосимбек...

Йиғилганлар тегишли амр-фармонлар олиб, олдинма-кейин тарқалишди. Хиргоҳда алланечук тараддулланиб Нўён кўкалтош қолди. Бобир қошини чимириб унга қаради:

— Сўйланг.

— Бегим... Ҳали хотирдан фаромуш бўлибдур... Мулла Ҳайдарнинг ўғли Мўмин Аҳмад Қосимни, каминани ва яна баъзиларни оғизлағони чорлаб эди. Агар жаноблари ижозат берсалар...

— Мўмин ким?

— Бегим, ул Пискент вилоят беги Мулла Абдулманноннинг иниси. Биз билан Самарқандда бир тавр ошнолиғи бор эди.

Бобир бир зум ўйланиб қолди.

— Биламан, хабарим бор, Мулла Ҳайдарнинг Мўмин отлиқ бир паришон ўғли Самарқандда эканимда қошимга келиб эди... Дарвоқе, у билан орангизда сўз қочган, деб эшитар эдим?

<sup>1</sup> Мелодий 1501 йил.

<sup>2</sup> Хиргоҳ — чодир.

<sup>1</sup> Йўғоч — 8 км.

Нўён кўкалтош мийғида кулди:

— Жилла аҳамиятли эмас, бегим.

Бобир нима қилишини билмай қолди. Ҳавонинг авзойи бундай бир пайтда кўчилса, Нўён кўкалтош барча ишни ўз кўлига олиб, жонига оро кирган бўларди. Аммо ижозат этмаса, балки ранжиб, кўнгли оғринар... Ахир, Мирзо ундан кўп яхшиликлар кўрган, ҳар нима тилагини ўринлатса ҳам оз. Сарипул чопқинида кўкалтош уни икки марта муқаррар ўлим зарбидан асраб қолган эди.

Бобир ўз табиатига хилофан негәдир иккиланарди. Ҳар нечук, Шайбоний яқин, хатар бор. Эҳтимол... Лекин шундай жўмард йигитнинг шаҳдини қайтаришга нима учундир раъйи бўлмади.

— Ҳўп, ёмғир тингач — ижозат. Бироқ шарт шулким, бу кун ўтиб, эрта тонгласи бундан икки йиғоч наридаги Сомсарак кенгига етиб борурсиз. Биз шул манзилга ўрнашғаймиз.

— Бош устига, бегим.

Нўён кўкалтош таъзим қилиб, ташқарига чиқди. Ёмғир ҳамон шовулла, аммо шашти бир оз сусайган, қадам ташлаган сайин оёққа чилп-чилп лой ёпишар эди.

\* \* \*

Тушдан кейин ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Тўда-тўда булултар орасидан кўёш хижолатомуз мўралади. Бобир яланг оёк, яланг бош, селгий бошлаган нам ерни бир-бир босиб, майдондан ўтди. Қайрағоч тагидаги кигиз хиргоҳ ёнида севикли навқари Банда Алининг иниси — ўн тўққиз ёшлар чамасидаги хушрўй, хушқомат йигит Қўчбек, икки қадам нарида қулоғини чимириб ўт чимдиб юрган жийроннинг узилган абзалларини улаб ўтирар, паст тиниқ бир овозда хиргойи қилар эди:

**Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна...**

Бобир таққа тўхтаб қолди. Ё оллох, ахир бу бир пайтлар ўзи битган ғазалнинг матлаи-ку!

Кўнглини маҳзун бир хушнудлик чулғади.

Ҳа, бир вақтлар, умрининг масъуд онларида, у ҳам назмга ихлос қўйиб, туркийда байт айтар эди. Девон тартиб этмак орзуси — дилига чўғ ташлаган ўт — ҳали-ҳали юрагини ўртади. Тақдири азал тожу тахт миннатини бўйнига ортмаганида, шубҳа йўқким, ўзини буткул ашъор ва илм заҳматига бахш этган бўларди.

Бу саргардан хилватда садоқатли навқари тилидан ўз байтини тинглар экан, вужудига титроқ тушиб, алланечук ғалати тортиб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ

Қўчбек унга тесқари ўтирганча аста чайқалиб, иштиёқ билан астойдил берилиб куйлар эди:

**Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна...**

Бобир аста изига қайтаркан, кўзларига беихтиёр ёш келди. Ёдида, Самарқандни биринчи бор олганида Алишербек ҳали ҳаёт эди. Ҳатто, бир гал журъат қилиб, туркий байт айтиб битган китобатини Хиротга, ул ҳазратга юборган эди. Мусаннафоти<sup>1</sup> етти иқлимга машҳур ва манзур 'бу донишпаноҳ шоир аҳли фазл, аҳли ҳунарга чин мураббий, тенгсиз ҳомий эди. Муқаррар, ул зот унинг жасоратига лойиқ бир сайёи ҳаракат кўрсатган, марҳаматини дариф тутмаган бўларди. Ким билсин, эҳтимол, мавлоно унинг табиъи назмини, машқ йўсин абётини муборакбод этармиди? Ёҳуд, ул фурсатларда аҳён-аҳён айтиб юрган байтларини «Адо — дуруст, вале аксар суст», дея баҳолаб қаттиққўл устоз дастхати билан мактуб йўллаган бўлармиди? Ҳар нечук, Бобир унинг бир оғиз мўътабар каломига илҳақлик ила кўз тутган эди. Таассуф, минг таассуфки, бундай бахт унга насиб этмаган экан. Тақдирида бу ёзуқликлар бор экан, то жавоб келгунча мана шу балоларга мубтало бўлиб ўтирибди...

Мана энди, букун ўз аҳволига йиғлай деса — кулгулик, кулай деса — йиғлагулик. Андижонга бўла Самарқандни қўлдан берган эди. Хайр, яратганнинг иродаси шундайдир, балким? Аммо Андижондан, киндик қони тўқилмиш, ўн икки яшарлигида тахтини тутган Андижондан, тангри омонатини оладиган куни баҳузур узаниб, мангуга кўз юмишни ният қилиб қўйгани Андижондан тирик айрилганига Мирзо сирасира тоқат қила олмас, номус алангаси ва ғазаб гулханида жони жаҳонни ўртаб, ҳасратга тўлган вужуди шу икки ўт орасида туну кун қоврилар эди. Кечалари гўё кипригига қадоқ-қадоқ тош осиб қўйилгандек кўз юма олмас, қулоғи остида аллақимнинг масҳараомуз маккор товуши ўрмалар эди:

**Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда...**

Бундай пайтларда Бобир ўрнидан туриб кетар, суддай ойдинда шарқираб ётган сои бўйига тушиб борар ва суҳбадамгача соҳил ёқалаб гоҳ асабий, гоҳ паршон кезиб юрар эди.

<sup>1</sup> Мусаннафоти — асарлари.

<sup>2</sup> Форсча: Ғофил бу ердан қувилган, у ердан айрилган.

Буқун ҳам, кейинги вақтларда муттасил яланг юришни одат қилиб, тоғу тошни мутлақо тафовут этмайдиган бўлиб кетган оёқлари ихтиёрсиз суратда яна хилват гўшага етаклади. Бир қизғиш тус харсанг устига чиқиб, бешик уриб келаётган қопқора, лойқа тўлқинлардан нигоҳини узмай, сувга тикилиб қолди.

Наҳот, толе ҳақиқатан ҳам ундан буткул юз қўлган бўлса? Наҳотки, бир пайтлар унинг болалик осмонида жуда эрта балқиган шамси саодат энди шу қадар эрта ботса? Бу беш кунлик ўтар дунё учун жамъу жам бебақолиги аён, аммо ҳали унинг дунёдан умидворлиги битган эмас. Беайб парвардигор, лекин ундан қайси бир гуноҳи азим содир бўлдики, халлоқи олам уни бунчалар қаҳрига олмаса?

Йўқ, бу бандани ношукурлик эмас, бу — жалоий ватан бўлиб, саргардон сарғайган кимсанинг яратганга мунглуғ истидъоси<sup>1</sup>, холос. Балки бу унинг гоҳи ҳақ, гоҳи ноҳақ оқизган дарё-дарё қонлари, кўз ёшлари баробарида муяссар бўлиб турган эҳсонларидир?..

Валиаҳд тариқатида тожу тахт, салтанатни қўлга киритганига муқим етти йил бўлибди. Бироқ, шу кечган фурсат ичида бирор кун йўқки, ўзи ҳарбу зарбдан, даста қилич бандидан бўшаган бўлсин! Ун бир ёшидан то ҳануз буқунгача икки рамазон ийдини<sup>2</sup> асло бир ерда қилолган эмас. Мана, неча-неча йилларким, умри соҳибқирон аждоди Темурбекнинг таназзулга юз тутган ўлкаси Мовароуннаҳрда бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётган чиғатой, теурий, ўзбек султонлари, беклари ва ҳокимларига қарши жанги жадал билан ўтиб бормоқда.

Баъзан энгиб, баъзан энгилиб, ғанимлар устига черик тортиб, қочиб-қувиб ўтқарган мутлаъқ ул-инон кунларида, алҳақ, кўп хатоликлар, кўп гуноҳларга йўл қўйди. Иродасига итоат этмаганларни сўзсиз қатли ом қилди, умрига муттасил қутқу солиб, ниҳоний найза сангувчи оға-ини, биродарларининг ҳолини ҳам кўп бор забун этди, шафқат тилаб, кўзда ёш билан титраб-қақшаган душманларига раҳм нималигини... билмади. «Уларнинг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилғайлар?» қабилида ҳукм юритди...

Пойида сурон солиб гувиллаётган сойга маҳзун термилганча тангри инояти билан рўзъи зафар<sup>3</sup> қозониб, шаъну шавкатга ботиб юрган кезлари кўз ўнгидан бир-бир

ўтаркан, Бобирнинг аламазада юраги тутдай тўкиларди.

Падали бузруквор Мирзо Умаршайх вафотидан сўнг эришган ғалабалари ҳали-ҳануз уни масрур этиб келади. Самарқандни олганда саноглиқ икки юз қирқ киши билан бу хатарли жасоратга қўл урган эди. Шу жасорат далдаси ва йигитларининг садоқатига таяниб, Сарипулда Шайбонийхонга қарши қўшин тортди. Шайбонийдек пуртажриба лашкарбоши шу урушда уни не-не улуғ бекларидан, не-не содиқ навқиронларидан жудо қилмади? Иброҳим отлиқ ишонган уч мардона беги — Иброҳим тархон, Иброҳим жоний, Иброҳим сору ўша жангда унинг учун жон бердилар...

Тирик қолган ўн-ўн икки йигити қанотига кириб не машаққатлар билан Самарқанд қалъасига чекингани ҳамон кўз олдида... Бунда тўрт ой мобайнида бошига тушган қисматнинг қаро кунлари, чеккан хорлик ва азиятлари... Наҳот, шулар хотирдан кўтарилса?

Уни толе ёрлақамеди, ҳеч кимдан кўмак етмади. Ҳатто Султон Ҳусайн Мирзо... Шундай соҳиб тажриба подшоҳ ҳам унга мадад қилмай, Шайбонийхонга элчи юборди...

Қамал сўнгида зарурий тақозо этдиким, мағрур бошини эгиб, сулҳи муроса қилишга мажбур бўлди. Кўнглидек сим-сиёҳ бир тунда Шайхзода дарвозасидан ўғринча чиқиб кетарканлар, суюкли эгачиси Хонзода бегим ғаним қўлига тушиб қолди...

Мирзо хануз ўша мудҳиш тунни эсларкан, аъзойи бадани музлаб кетар, яраланган арслондек ўкириб, ғазабдан ўзини қаерга қўйишни билмай қолар эди. Ҳозир ҳам аччиқ бир ўт кўксини тиги паррондек тилиб ўтди.

Самарқанддан қувилиб, бор дунёси қоронғи бўлиб юрганида Андижондан келган машъум хабар то сўнги дам ёдидан ўчмас керак. Ушанда иниси Жаҳонгир Мирзо тахт ҳокими қилиб кўтарилган эди.

Ё раббий, нечун бу чархи гардуннинг ишлари бунчалар тескари! Бу қандай чарх кажрафторки, ини ўз оғасининг кўзига чўп солса, тоға туққан жиянини сарсари ҳижрон этса, фарзанд ўз падарининг бошини узса! Буларнинг барчаси, эҳтимол рўйи заминни зир титратган шавкатли Темурбекнинг хоки пойида гард бўлиб кетган эллар ва улусларнинг унга, унинг бадбахт сулоласига ёғдирган тавқи лаънат самаридир? Уларнинг бутун жаҳонни тутган нола-фиғонлари арзи самога ҳам етган бўлса... не тонг?

Қуёш уфқни қизартириб ботиб бормоқда. Ёмғирдан кейин қорайиб ётган адир

<sup>1</sup> Истидъо — илтижо.

<sup>2</sup> Ийд — ҳайит.

<sup>3</sup> Рўзъи зафар — ёруғ ғалабалар.

этагидаги анғиздан аллаким от етаклаб ўтди. Заиф, беқарор шамол қароргоҳ тарафдан тутун иси ва намхуш тупроқ ҳидини олиб келди. Бобир сув ёқалаб ҳорғин кезмокча тушди. Уни яна хаёл олиб қочди.

Бу оламда қайси бир бандага ишониб бўлади? Кимни кўнглига яқин олиб, маҳрами асор этса бўлади? Қаён боқма — хиёнат, мақр, найранг... Сўнги пайтларда, не боиским, бу ҳазин, нолақор байтлар тез-тез хотирига келадиған, бир зум ҳофизасини тарк этмайдиған бўлиб қолди?

**Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик?**  
**Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик...**

Не-не мардумлар билан садоқат умидида ҳамжихатлик орзу қилди. Аммо уларнинг макридан ҳар вақт ғофил қолди. Али Дўст ва Қамбар Алидек улуғ беклари, Муҳаммад Дўст сингари суюнған тоғлари унга панд этказдилар. Шу тариқа унинг инсон фарзандига бўлған эътимодини синдирдилар.

Йўқ, қодир худо барчасидан бохабар экан, ёмонларнинг жазосини ўзи берди. Ота-бола Али Дўст ва Муҳаммад Дўст унга неча бор фориб бериб, амакиси Султон Аҳмад Танбал томонига буткул ўтиб кетган эдилар. Бир-икки йилдан сўнг, Али Дўстни қўлига яра чиқиб ўлди, деб эшитди. Қисиқ кўз, имони ҳам ҳаракатлари каби суст Муҳаммад Дўстни яхши хотирлайди. Бу доғули Танбални ҳам найранг билан лақиллатиб, Шайбонийга ўтиб кетган эди. Асли ҳаромнамак экан, ундан ҳам қочиб, Андижон кентларида фитна-ғавғолар қилиб юрганида яна Шайбоний қўлига тушдию кўзларини ўйиб олдилар.

«Кўзларини туз тутти», деган гапнинг маънисини шу эркан-да», дея кўнглидан ўтказди Бобир ва оёғи остидан муштумдек бир чағир тош олиб, сувга ирғитди. Тош шалооп этиб чўкиб кетди. Бобир яна сўнгсиз хаёлларига берилди.

Наҳотки ўзи ҳам шу тош сингари беному нишон йўқ бўлиб кетса? Юрагида қайнаб тошган интиқом, ҳали юздан бири рўёб кўрмаган ниятлари, наҳот шу гадоё топмас хилватда буткул битса? Ахир, оғир кунда қора тортиб келганида тошқандлик хон додаси ҳам, тоғалари ҳам «Ҳолинг не?», деб бир қайрилиб боқмадилар-ку... Хон дода иноят йўсинида Уратепани ваъда қилган эдилар, Муҳаммад Хусайн Мирзо бермади. Ким билсин, ўзи бермадим, ё юқоридан бир ишорат бўлдими, ёлғиз оллоҳга аён...

Бобирга алам қилар эди. Бу қандай бе-

додликки, куни кеча бутун Мовароуннаҳрга ўзлигини танитиб, наъра тортган амирзода бу кунга келиб шу кимсасиз Фарқатда, тоғу тошлар орасида дарбадардек пушиб юрса!

Тортаётган бу хор-зорликлари бадалида подшоҳ деган ном кўтариб юргунча боши оққан томонга кетгани афзал эмасми? Бу шармисорликда нимага кўз тутмоғи мумкин? Вилоят йўқ, салтанат умидворлиги йўқ, навкар пароканда...

Баъзан унинг хаёлини сарҳад сари от суриш фикри қамраб олар, шунда йўлга чорловчи товушларни эшитгандек бўлар, томирларида қон жўшиб, юраги гупуриб кетар эди.

Сарҳадга! Сарҳадга! Эҳтимол, ўзга юртларда толе унга яна илтифот қилар? Мусофир бўлмаган — мусулмон бўлмас. Балки, бегона заминда бу кунлар буткул туш бўлиб кетар?... Аммо Андижон... Еруғ дунёга кўз очган мунис диёри Андижон...

Кўнглига шу фикр келиши билан Бобир Мирзонинг қизиган асов қони сув сепгандек бирдан совиб, ширин хаёллари чилпарчин бўлар эди.

Ғурбат қайси бир кимсанинг умрини шодмон этибди? Ёт элларда то жисмидан жон чиққунча аччиқ армон юрагини тош бўлиб эзмаслигига ким қафолат бера олади?

Йўқ, ватандан айру тушган қисмат, сўзсиз, кишини тириклигини қабрга элтгай. Ахир, тирик жонга ёлғиз мазор учун тўрт газ қаро ер эмас, балки ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак... Ва лекин, тангри таоло агар ризқи рўзини ўша ёқларга сочган бўлса... унда не илож?

Аммо мамлакатдорликда гарчи баъзи ишлар зоҳиран маъқул кўринса-да, ҳар бир ишнинг заминида юз минг мулоҳаза... Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не миқдор фитналарга дучор бўлди, энди кўзни очмонкоз лозим...

Урқач-ўрқач сув узра Бобирнинг хаёллари ҳамон чайқалар эди. Ложувард осмоннинг Сувқоқ кенти устидаги бурчида само белига белбоғ тортиди — турфа рангда ялъял товланган камалак оқшомни нурга белади. Этни жунжиктириб, захкаш шабада турди. Бобир оёғидан зах ўтиб, увишиб қолганини энди пайқади-да, қароргоҳига қараб аста йўл олди.

Тевада навкарлар шовқин-сурон билан хиргоҳларни бузиб, анжомларни йғиштирмаққа киришдилар.

\* \* \*

Шу кеча тун қоронғиси билан йўл бошиб, кун анча ёйилиб қолганида қафтдек

текис бир мавзёда ўрнашган Сомсарак деган икки юз уйлик кичкина бир кентга етиб келинди. Бобир теваракни кўздан кечириб, тақир ўриб олинган бедапоя этагидаги баланд адирга қароргоҳ тикишга фармон берди.

Кечга томон бир зумда чанг-тўзон, куюн кўтарилиб, гўё қақирилмаган меҳмонларни ҳушламагандек, осмон яна бурканиб, қош-қовоғини солди. Бир неча мuddат секин-секин томчилаб турган ёмғирли ҳаво ярим соатлардан сўнг кучайиб шиддатли довулга айланди. Шамол кўз очирмай қўйди, аҳён-аҳёнда Чотқол тоғ устини бир зум ёритиб чақмоқ чақнар, кейин еру кўкни ваҳимали гулдуррак товуши тўтиб кетар эди. Жами хиргоҳлар қулаб, сув босиб кетгач, раоёнинг<sup>1</sup> уйларида бошпана топишди...

Эгнидаги бўркигача жиққа ивиб кетган Бобир Мирзо туя кигиз тўшалган танобий хонада даричадан ташқарига хомуш тикилиб ўтирар, уйнинг ўртасида эса хуш бўй таратиб, қуруқ арча шохлари чирсиллаб ёнар эди.

«Кўз оёқлаганда қалдироқлар!— дея ўйлар эди у.— Бу не аломат?»

Гулханнынг нариги тарафида уй хўжаси бўлмиш Абдулкарим исмли қоп-қора соқолли, бақувват йигит қўлидаги чўп билан ўтни қовлаштираркан, рўпарасидаги одамга ер остидан қизиқсиниш ва ошқора ҳадик билан боқарди. Йигитнинг ёнида ҳазондек заъфарон кекса бир кампир кўзларини юганча муштдай бўлиб жим ўтирар эди.

— Волидангизми?— дея сўради Бобир секин.

Абдулкарим бош чайқади:

— Йўқ, тақсир... Бу киши менинг бувимга ҳам волида бўладилар. Мучалим бақар<sup>1</sup>, дер эдилар, бу йил бир юзу ўн олтига кирдилар, чоғи...

— Бир юз ўн олтига?! Оллоҳ умр берсин, кўп умр топқон табарруқ аёл эканлар.

— Икки ой муқаддам бунда Тошкандан чиққан мўғул черики тўхтаб эди,— деди Абдулкарим гулханга шох ташлаб,— элни талаб, бемикдор ямонликлар еткурдилар... Энам шул важдан таъблари паришон, маъзур тутгайсиз, тақсир.

Бобир таассуф билан сўзлади:

— Бир бу эмас, ҳамиша бадбахт мўғулнинг одати шул. Босса ҳам ўлжа олур, бос тирса ҳам талаб-тушуриб ўз элидан ўлжа олур...

Шу вақтгача сўзсиз ўтирган кампир туйқурдан қонсиз лабларини қимтиб тилга кирди:

— Оҳ, бўтам-а, энди менга оллоҳдан умр тилаб нетасан... Азроилни сўрасанг-чи... Омонатингни олиб қўя қол, деб уззу кун яратганга илтижо қиламан... Йўқ, мени ёдидан чиқариб юборганми...

Бобир бўркини оловда қурита туриб таскин оҳангида:

— Ундоқ ношуқур сўз айтманг, момо,— деди,— ҳарна бўлса тангри суйган банда экансиз, дам ўтганига шуқур қилинг.

Кампирнинг чўпдек ингичка, буришиқ бармоқлари ориқ тиззаларига ёпиб қўйилган қора капанак<sup>1</sup> устида гўё алланарса ахтарган каби тимирскиланар эди.

— Шуқур қиламан, бўтам, шуқур қилмаганимда не илоҳан? Бу дунёга келиб, икки ўлиб бир тирилмадим, холос, ундан бўлак неки кўргилик бўлса, ҳаммасини тортдим. Йигирма уч йилдан буён кўзларим ожиз... Худои таоло суйган қулига дард берар, деб ўзимни овутдим. Оллои карим тўққиз фарзанд берди, тагин ўзи олди, шуқур қилдим. Фарзандларим ҳаммаси қаро тупроқда ётибди, мен бўлсам... э воҳ...— Кампир ич-ичидан тошиб келган дардли хўрсиниқдан оғир энтикди.

Бир мuddат тек қолдилар. Сўнгра Бобир орага чўккан нохуш сукунатни бир оз кўтариш ниятида товушига атай бардам тус бериб:

— Қўйинг, момо, кўп қайғурманг,— деди.— Жаннатмакон Амир Темур даври даврондаги ишлар хотирингизда бордур? Ушал вақтда кўрган-билганларингиздан сўзланг.

Кампирнинг бир бурда заъфарон юзи буришиб, ажинлар гўжғон ўйнади.

— О-о-о, бўтам-а, биз ул пайтлар ёш эдик... Элас-элас хотиримда: соҳибқирон Темурбек замонасида Малик Убайдулло отлиқ бир хушсурат оғам черикка кириб эди. Нақ қарчигаъдай йигит эди. Не вақтгача бадгумон кетди. Олти йилдан сўнг Ҳиндистондами, аллақайда ўлибди, деган хабари келган эди. Уша йили пушти паноҳ Хожа Абдурасулнинг иниси кичик ўғли билан Сувқоқда кўчки босиб...

Кимдир дарвозани жон-жаҳди билан тақ-тақ урди, шу зумда момақалдироқ гумбурлаб, атроф бир лаҳза ёришиб кетди.

Абдулкарим сапчиб ўрнидан турди-да, дарвозага қараб югурди.

— Ким?

— Очинг!— деган кескин фармойиш янгради.

Устидаги энгил-боши ивиб, баданига чип-

<sup>1</sup> Раоё — маҳаллий аҳоли.

<sup>2</sup> Бақар — сигир.

<sup>1</sup> Капанак — жун чакмон.

га ёпишиб қолган Аҳмад Қосим бежо аланглаб ичкари кирди.

— Не гап?

Аҳмад Қосим таъзим қилди.

— Гуноҳкор қулингизни афв этинг, амирзодам... Фалокат, фалокат рўй берди... Нўён кўкалтош мастлиқта жардан йиқилиб...

Бобирнинг борлиғи бир қалқиб тушди.

— Нима-нима?! Қачон? Қачон? Нечун?!

Улдими?.. Сиз... сиз қайда эдингиз, ахир?

Аҳмад Қосим гуноҳкорона бош эгди:

— Икромман, амирзодам, мenden улуг хатолиқ ўтди. Тунда... бир уйда ухлаб қолибман. Тонгласи шу хабарни еткурдиллар...

— Эх, бад амал! Мўмин! Эх, ит эмган вахшод! Самарқанддаги эски кийнани<sup>2</sup> ҳануз сақлаб, эркан-да!— Бобир аламдан лабини тишлаб, инграб юборди.— Ух, маълун!.. Жасад... жасадни не қилдингиз?

— Амирзодам, биз суҳбат тутқон ердан ўтгиз одим нари бир жарнинг остида кўкалтошнинг ўлигини топдик. Аъзойи бадан ва бошқа кўз тушар ерида ҳеч бир шикаст учрамади. Тафсиллини билгувчи бирор кимса бўлмай... Пискентда туфроққа топшириб келдик... Буюринг, ҳар не жазога мустаҳкам<sup>3</sup>...

Ёлғиз ўртанган юраккина идрок қила олувчи навҳа кўки<sup>4</sup> вужудини зир титратган Бобир унга ғамгин назар ташлади. Бу оламда унга ягона садоқатли дўст, ҳамдами мунис ёлғиз бир шу кўкалтош эди. Тақдир энди шуни ҳам кўп кўрибди-да! У, қисмат! Наҳотки, сенинг Бобир Мирзони мангу синамоқдан бўлак эрмагинг бўлма-са?!

У гўё ўзига ўзи сўзлагандек, алланечук ғалати товушда:

— Энди дардманглиғ беҳуда!— деди секин.— Аввало, манглайи шўр экан... Макр қурбони бўлди, ғофил қолдик... Ғофил...

Кейин юз-кўзини аёвсиз савалаётган ёмғирга ҳам парво қилмай, балчиқ кечганча шахд билан юриб кетди. Аҳмад Қосим эсхушидан айрилгандек, бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, сўнг соя каби изма-из эргашди. Бобир бўтана сув тошиб ётган ариқдан ўтиб, жар этагига қараб юрди. Шамол пана бир жойга мук тошиб, муздек, ҳўл тошга юзини босганча узоқ жим қотди. Аҳмад Қосим сал нарида нафасини ютиб, хилли вақт шарпасиз турди, ниҳоят, хавотирланиб, ёнига келди.

<sup>1</sup> Бад амал — ёвуз ниятли.

<sup>2</sup> Қийна — гина, адоват.

<sup>3</sup> Мустаҳқиқ — лойиқ.

<sup>4</sup> Навҳа кўки — мотам куйи.

— Бегим...— деди бўғиқ овоз билан.

Бобир индамади... Навкарлари орасида фақат Нўён кўкалтошгина уни шундай деб аташини эслади.

Ялт этиб чақнаган чақмоқ ёруғида Аҳмад Қосим унинг титраётган елкаларини кўрдию ботиндан бўзлаб йиғлаётганини англади.

— Тун бемаҳал бўлиб кетди, амирзодам...

Бобир бошини кўтарди. Ҳорғин юзини ёмғир томчиларими, кўз ёшимми... алланарса ювиб тушар эди. Усқук товуш билан эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Кам кишининг вафотидан мунча мутаассир бўлиб эдим...

Унинг заиф овозини теварак-атрофни ларзага келтириб янграган гулдуррак қаҳқаҳаси босиб кетди.

\* \* \*

Бобир неча вақтлардан буён қоғоз-давотни йиғиштириб қўйган, ғашлик қоплаб ётган кўнглига нафақат назми абёт, балки қил ҳам сифмас эди.

Лекин ҳозир ич-ичидан тўлқинланиб келаётган шиддатли титроқни енгишга Бобир қодир эмасди. Бармоқлар беихтиёр қаламга югурди, қулоғи остида олис, жуда олислардан танбурнинг сўнган навоси янглиғ тиниқ, ҳазин бир нола янграб кетгандек бўлди-да, Мирзони бу ғира-шира дунёдан буткул суғуриб, йироқ-йироқларга, шамси талъатнинг мунаввар нурлари билан чулғанган соҳир бир оламга олиб кетди. Оп-поқ қоғоз бетига тўфонларида унинг жони пажмонини омонсиз қалқитган ғам-андух денгизининг асов мавжлари тўлқин уриб намоеън бўла бошлади:

**Бир кеча хотирим мушавваш эди,  
Кўзда сув, кўнглим ичра оташ эди...**

Чироғпоядаги сўник шам ўқтин-ўқтин лип-лип кўлка ташлаб қолар, бедапояда чигирткалар тинимсиз чириллар, кишанлаб қўйилган отлар гоҳ-гоҳ бошини кўтариб пишқириб қўяр, аммо хиргоҳда, ожиз шуъла ёруғида бағрини қоғозга бериб ўтирган ўн тўққиз яшар, бодом қовоқ навқирон йигит буларнинг бирортасини на эшитар, на сезар, жисми жаҳони хиёл титраб равон йўрғалаётган мўъжазгина қаламда эди.

Ашъор мисралари билан бирга шоирнинг юрагида қайнаб тошган аччиқ-аччиқ кўз ёшлари сатрларга қўйилар эди. Ениб тугаётган шамнинг хира нурида инсоннинг буюк ғуссасидан воқиф бўлган оқ қоғознинг туси ҳам гўё янада оқариб-бўзариб кетгандек...

Бобир кўксини тўлдириб беомон қийна-

ган ҳасратларини тўкиб солмоқчидек, бор дунёни унутиб ёзар, ёзган сайин қалбида сарин бир енгиллик сезар эди.

**Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,**

**Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур,**

**Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,**

**Гоҳ оқилни пойбанд айлар.**

**Жону кўнглида жуз жаҳолат йўқ,**

**Ҳеч ишида анинг адолат йўқ.**

**Не вафо қилганини билса бўлур,**

**Не жафосига сабр қилса бўлур...**

Хиргоҳнинг яқингинасида от бетоқат кишнаб, депсинди. Аллаким оддан сакраб тушди-да, шитоб билан хиргоҳга қараб юрди. Қизил саҳтиён этиги, кўк мовут чакмони ва қош-кўзини тўрт энлик чанг босган алп келбат, қисик кўз Ғулда Қосимбек эгилиб гаъзим қилди:

— Тошқандин хабар, амирзодам!

Бобир Мирзо ҳамон ўша тахлит қоғозга қадалиб ўтирар эди — англамади. Ғулда Қосимбек иккинчи бор такрорлаганида қуши ўзига келиб, шошиб унга тикилди:

— Не гап?

— Амирзодам, Султон Аҳмад Танбал ўратела устига келмиш. Бул кеча хон Тошқандан черик отланди...

Бобирнинг кўзлари чақнаб кетди. Демак, ҳали буткул имконият битмаган экан-да! Демак, ноумид васвасага берилмаслик лозим экан-да? Ким билсин, эҳтимол, худди шу сафар унга уйқудаги бахтини уйғотиш nasib бўлар? Нечун толеини яна бир бор синаб кўрмасин?

Туйқусдан томирларига қон каби қуйлиб келаётган аллақандай ғайритабиий куч-қудратни ҳис қилди-да, юраги энтикиб кетди. У илдам кийинди, белига Самарқандда ясабтирган ясси қиличини тақаркан:

— Қани, юринг, Ғулда Қосимбек,— деди фавқулдда ўктам товуш билан.— Бор қўшинни жамланг, майли хон кўрсинлар. Агар... агар черик берсалар!.. Буронғор ва жувонғорни!... ясол ясаймиз!..

Олдинма-кейин хиргоҳдан чиқдилар. Атроф сув қуйгандек жимжит. Бор тирик жонни маст сахар уйқуси таслим этган, юлдузлар ҳам мудроқ босгандек хира милтиллар, чигирткалар чарчаб, ниҳоят тинган — ой ботган эди...

<sup>1</sup> Буронғор ва жувонғор — қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари.

□



---

# Кавсар ТУРДИЕВА

---



1958 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозир Ленинград Давлат университетининг журналистика факультенини IV курсида таълим олмоқда.

---

\* \* \*

Кумдан катта қаср ясар болакай,  
Ҳаммага ёқишин истайди.  
Қадам товушлари келса қайрилиб,  
Бегона нигоҳдан мақтов излайди.  
Биров лоқайд. Биров мақтаб қўл чўзар,  
Севинчга қоришар у митти ғурур.  
Ҳаёт мурғак қалбга тинмайин чизар  
Қаср ва одамлар ҳақда тасаввур.

\* \* \*

Қуёш нурин арғимчоқ қилиб,  
Пар булутлар сари учаман.  
Мовийликлар бағрига кириб,  
Кенгликларни бир-бир қучаман.

Бобо қуёш сари йўл олиб,  
Оппоқ қушлар ёзмоқда қанот.  
Мен булутлар саҳнида қолиб,  
Оққушларга тилайман сабот.

\* \* \*

Бувим сўзлаб берган эртақлар бари  
Мен учун бамисли бир дунё эди.  
Бувим сўзлаб берган эртақлар бари  
Мурғак юрагимга нур-зиё эди.  
Эртақнинг сўнгидан кўрқиб гоҳида  
Бувим қучоғидан излардим паноҳ.  
Кўзимни юмардим биров оҳ чекса,  
Адолатсизликка бўлмай деб гувоҳ.  
Кўзимни очмасдим, ялиниб ҳамон —  
Ўзгартиринг, дердим йиғи аралаш.

Бувим кулар эди, тўхтар эди қон,  
Низолар бирпасда бўларди яраш.  
Энди улғайганман аммо ҳали ҳам  
Ҳар қадам эртақка бўламан гувоҳ.  
Эртақнинг сўнгидан титраганим дам  
Бувим қучоғидан излайман паноҳ.  
Бувимни излайман, топа олмайман,  
Ноилож, ноилож очаман кўзим,  
Аммо китобни ҳам ёпа олмайман,  
Эртақнинг сўнгига шошаман ўзим...

\* \* \*

Узоқроқ тикилинг, соатнинг миши  
Билинар-билирмай юриб турибди,  
Аста қулоқ солинг, темир юраги  
Ҳеч тинмай, ҳеч тинмай уриб турибди.

Ўрганиб кетганмиз унга шу қадар,  
Эътибор бермаймиз ҳаттоки унча.  
Қайрилиб қараймиз бонг урса агар,  
Қадрини билмаймиз тўхтамагунча.

Атрофингга назар ташлагин, инсон,  
Ёнингда кимлардир юриб турибди,  
Уларнинг қалби ҳам соат қалбидай  
Ҳеч тинмай, ҳеч тинмай уриб турибди.

Катта эътибордан ажрат учқунча,  
Шу нозик жисмга аста қулоқ тут.  
Қайрилиб қарагин бонг урмагунча,  
Тўхтаб қолгунича бўлмасин унут.

□

---

# Шавкат ТУРОБ

---



1945 йили Тошкент область, Тошкент районига қарашли Кўктерак қишлоғида туғилган.

Илк шеърлари «Ленинчи», «Коммунизм тонги» район газеталарида босилган. У ТошДУни тамомлаб, ҳозир республика «Ёш ленинчи» газетасида ишламоқда.

---

## КУЗ ҚУШИҚЛАРИ

### I

Оҳиста нур сочар сентябрь кўёши,  
Анҳорда ғижирлаб чархпалак айланар.  
Зангори самода кўшиқлар куйлашиб  
Турналар карвони сафарга шайланар.

Турналар карвони сафарга шайланар...  
Тезлашиб кетгандай кунларнинг одими,  
Япроқлар сарғайиб хазонга айланар —  
Иссиқ ер келтирар илк ёмғир ҳидини...

### II

Яна барглар сарғайди сариқ,  
Ушалмаган хаёлдай эзгу.

Яна қалбда сўнгсиз бир оғриқ —  
Хазонрезги бу, хазонрезги.

Жилва қилар, кўнгилга яқин  
Сумбуланинг сувлари кўзгу.  
Юзлардаги серчизиқ ажин —  
Хазонрезги бу, хазонрезги.

Ҳаёт отлиқ чавандоз аста —  
Ута бошлар, армонли сезги.  
Оҳ урасан ўшанда ростдан:  
— Хазонрезги бу, хазонрезги.

## ОРЗУГА ЭРГАШИБ...

Айрилиқ бор экан, зирқиар диллар,  
Наҳотки шу бўлса, инсон хоҳиши.  
Орзуга ўхшайди, ҳув олис йўллар —  
Орзуга эргашиб яшаган яхши.

Дийдор ғаниматдир, доvonлар оша  
Висолга етаклар йўлларнинг боши.  
Орзуга ўхшайди йўллар ҳамиша —  
Орзуга эргашиб яшаган яхши.

□



## Севара ТЎЛАГАНОВА

1958 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат университетининг математика факультетида таҳсил олмоқда. Шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

\* \* \*

Оппоқ бўлиб тонг отди яна...  
Субҳидамдай оқдир ҳисларим,  
Софликларга юрагим ташна,  
Оқликларни излар кўзларим.

Оппоқ бўлиб тонг отди яна...  
Бахт оқлигин унда кўраман.

Чорлар мени бағрига ёна —  
Уша тонгдай нурли йўлларим.

Оппоқ бўлиб тонг отди, уни  
Кўрдим гўдак қаҳқаҳасида.  
Тонг оқлиги бувимнинг яна  
Юзга тортган фотиҳасида.

Оппоқ бўлиб тонг отди яна...

### КУНДАЛИК ЭРТАК

Тонг отди...  
Ажабланма, гуллар шивирламоқда,  
Балки сен билмаган бир эртак айтар,  
Асрлар сурони ухлар тупроқда,  
Уйғонар тонг билан кўз очса гуллар.  
Йўқ, гуллар шунчаки сўйламас эртак...

Кун ботди...  
Совуқ сукунатга фарқ бўлди олам...  
Гуллар кўз юмганча мудрайди ҳорғин,  
Гуллар теграсида сукут мужассам...  
Кун ботар, тонг отар — бошланар яна  
Сершовқин лаҳзалар — бир кунлик эртак...

### ИЗЛАР


Одам бу дунёга йиғлаб келади,  
Хурсанд қарши олишар уни.  
Одам ўз умридан мамнун кетади,—  
Лек йиғлаб қолишар жудолик куни.

### АРМОН

Олис-олисларга турналар учса,  
Бургутлар юксалиб қучганда осмон,  
Ариқ лабидаги тўрт энлик майса  
Кўкка бўй чўзмоқни қилади армон...



# Ёқубжон Хўжамбердиев



1947 йили Уш областининг Сузоқ қишлоғида ту-  
тилган. Тошкент Давлат университетининг филология  
факультетини тамомлаб, ҳозир «Қишлоқ ҳақиқати» га-  
зетасида ишламоқда.

## СЕНИ ЭСЛАДИМ

Яйраб-яйраб учар эдилар,  
Теракларнинг учида шамол.  
Баҳор яхши келди, дедилар,  
Омонмикан, деб қилиб хаёл,  
Дўстим, мен сени эсладим.

Қуёш тикка боқиб турганда,  
Бўғриққанда иссиқдан юзлар,  
Гармселлар олов урганда,  
• Тиниб-тиниб кетганда кўзлар  
Дўстим, мен сени эсладим.

Шаҳарда ҳам учди мезонлар,  
Боғлараро хазон тўкилди,  
Қурултойга келди меҳмонлар,  
Сен келмадинг, юрак ўкинди,  
Дўстим, мен сени эсладим.

Қиш ҳам келди — осуда фасл,  
Далаларда совуқ ҳукмрон.  
Увоққинам — заҳматкаш насл,  
Даладасан, бу менга аён.  
Кўп одамлар дам олган шу он,  
Дўстим, мен сени эсладим...

\* \* \*

Қишлоқ чети — сой бўйидаман,  
Оқизоқдай оқмоқдаман жим.  
Елғизликдан юрагим ёғжим,  
Қишлоқ чети — сой бўйидаман.

Кўзларимга уринар ранглар,  
Улар туссиз, улар бетаъсир,

Нигоҳимни этолмай асир  
Кўзларимга уринар ранглар.

Ана, кўнда ҳилол кўринди,  
«Тарс» ёрилди пайкалда қовун,  
Сой бўйида дардчил эди тун,  
Ана, кўнда ҳилол кўринди...

\* \* \*

Мажнунтолнинг попуклари,  
Ёр сочини кўп эслатур.  
Ҳазин-ҳазин куйлайди ул —  
Мажнунтолнинг попуклари.

Сой оқади, шарқирайди,  
Тол остида шўх кўшиқлар.  
Қайга шошар бу ошиқлар,  
Сой оқади, шарқирайди.

Ҳазин куйлар, шўх-шўх куйлар,  
Тортқиламанг руҳимни сиз.

Юрагимга ўт солдингиз —  
Ҳазин куйлар, шўх-шўх куйлар.

Илинж билан ёнмоқда ўт —  
Ёнмоқдадир бу кун бағрим.  
Келгин тезроқ, сен, эй тангрим,  
Илинж билан ёнмоқда ўт.


Ёниб-ёниб ишқингда мен  
Мажнунтолдек лол қолмайин.  
Оқбурадек шўх оқайин,  
Ёниб-ёниб ишқингда мен...

\* \* \*

Баҳорга насибдур қайта яшармоқ,  
Қайта туғилади кўкдаги ҳилол.  
Бизлар-чи, дўстларим, сўнгсиз бир ирмоқ,  
Ирмоқлар одатда қайтмас ҳеч маҳал...



# Йўлдош ЭШБЕКОВ



1951 йили Самарқанд областининг Иштихон районида туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, ҳозир «Бир сафда» журналида ишламоқда.

## ОЙБЕКНИНГ СЎЗЛАРИ

Кўз — сўз.  
Кўчаларга қарайман  
Умидли.  
Мана, сизга кўзим:  
Мана, ҳасратим,  
Қувончим,  
Нафратим.  
Тилим жим.

Қўлингиздан келса энди...  
Энди кўзим билан сўзлашинг.  
Кўз — сўз.  
Кўзим билан тиллашмоққа  
Сўз керак бўлди.  
Кўзимдаги сўзни билмоққа  
Кўз керак бўлди.  
Кўз — сўз.

\* \* \*

Муаллимлар кўкси тўла диёнат,  
Муаллимлар бизни тоққа бошлади.  
Эрта баҳор тоққа қилдик саёҳат,  
Тоғ дегани ибтидога ўхшарди.  
Уйимиздан уч чақирим бўлса ҳам,  
Кўпдан дилда зўр ташналик яшарди.  
Тоғ дегани тўла-тўқис ҳур олам,  
Тоғ дегани эртакка ҳам ўхшарди.  
Биз йўл юрдик, йўл юрдик,  
Йўл юрсак ҳам мўл юрдик,  
Тоққа етай деганда,  
Чўққида қилган ханда —  
Лолами деб югурдик.  
Шунда бир тош сурилди,  
Элмуродга урилди.  
Қақшаб қолди Элмурод,  
Оқсаб қолди Элмурод.  
Чопаётган болалар —  
Ҳаммамиз шарт тўхтадик.  
Кинодаги қаҳрамон  
Йигитларга ўхшадик.  
Оёғин боғлаб Омон,  
Опичлаб олди Обид.  
Тоққа чиқиб қарасак...  
Биз лолу ҳайрон қолдик:  
У лоламас бир қизнинг  
Қолиб кетган рўмоли.  
Ҳафсаламиз пир бўлиб

Маънос боқдик дарага.  
Мен бу шеърни не учун  
Ёзаяпман, дўстларим,  
Шеър дегани малҳамдир  
Дилингдаги ярага.  
Энди сал-пал англадимки,  
Беҳудадир ноалалар.  
Шоир дўстлар, биз ҳаммамиз,—  
Чопаётган болалар!  
Бир тўхтаб қарайсизми,  
Қандай қадам ташлайман.  
Сезмайсизми жуда ҳам  
Элмуродга ўхшайман.  
Илтижо эмас буни  
Мағрур туриб айтаман.  
Чиқолмасам чўққига  
Шарт изимга қайтаман.  
Аммо шоирлик шулки:  
Қақшаб қолса элмуродлар,  
Қайда толса элмуродлар,  
Етиб бормоқ дегани!  
Мен ўша воқеадан  
Чиқариб олдим маъни.  
Очилгайдир биз учун  
Бир куни ҳур лолалар.  
Шоир дўстлар, биз ҳаммамиз,—  
Чопаётган болалар!

## ҚИШЛОҚДАН ҚАЙТИШ

Атрофимда қушларнинг саси,  
Адо бўлиб бормоқда саҳар.  
Силкинади қирлар елкаси,  
Тўлқин отиб чопар майсалар,

Сездирмай деб онам кўз ёшин,  
Секин-секин ортда қолади.  
Лутфига зор бўлиб қуёшнинг  
Уфқнинг ҳам бағри ёнади.

Олдда кутар ташвишлар доим,  
Ортда қолар иқболим бироқ.  
Ортда қолар туғилган жойим,  
Чаманларга ўранган қишлоқ.

\* \* \*

— Ой бориб омон қайт,  
Ризқинг бут бўлсин.

Она кўз ёшидай тизилиб шу пайт  
Учиб ўтар турналар.

Учиб ўтар турналар  
Қўшиққа ўхшаб.  
Қўшиқ бешафқатдир,  
Ҳижрон бешафқат.  
Фурсат бешафқатдир,  
Армон бешафқат.

Ўксиб-ўксиб ундан изладим,  
Беғубор доғ — гўдак изларим.  
Чанглар кўмган жажжи ҳисларим,  
Нафасимнинг оташ исларин.

Ҳижрон мени бир кун соғинди,  
Бир кун бўлдим онам ёнида.  
Висол менга бир кун сиғинди,  
Ва меҳрлар тўлар қонимга.

Адо бўлиб бормоқда саҳар,  
Атрофимда қушларнинг саси.  
Тўлқин отиб чопар майсалар,  
Силкинади қирлар елкаси.

Она ҳамон кутар,  
Ҳар баҳор,  
Ҳар куз,  
Унинг кўз ёшидай тизилиб ҳануз —  
Учиб ўтар турналар,

Учиб ўтар турналар,  
Соғинчга ўхшаб.  
Соғинч бешафқатдир  
Ўкинч бешафқат.

Турналар қўшиғи айрилиққа ўхшайди,  
Она кўкка қараб ҳамон бўзлайди,  
Турналар бешафқат...

## СЕНИНГ ҚЎШИҒИНГ

«Биз бахтиёр бўлғаймиз хўб,  
Бизни зафар қучажак!  
Тепамизда чарх уришиб,  
Қалдирғочлар учажак!..»

Шундай қўшиқ айтган эдинг сен,  
Шундай қўшиқ... ҳаётдай азиз.  
Ва дунёга қайтган эдим мен,  
Дунё менга қайтди ўша кез.

Қўшиғингни булоқлар тинглаб,  
Шамолларнинг тили тугилди.  
Осмон юзу кўзинг нусхалаб,  
Упмоқ бўлиб сенга эгилди.

Қалдирғочлар учди тепангда,  
Қўшиқ айтиб шўх-шан, дилрабо.  
Ўн еттида эдинг ўшанда,  
Ўн еттига тўлганди дунё.

Дунёлардан рашк қилдим сени,  
Дунёларга ишонмас эдим...

Қалдирғочлар келмоқда учиб,  
Баҳор қувиб яшарлар доим.

Ушбу дамда сен ёдга тушиб,  
Аламларда қоврилар ўйим.

Сен умрингни бўлдинг иккига,  
Энди менга икки хил ўйсан.  
Тўлиб кетса дардлар кўксимга,  
Изтиробнинг забтидан тўйсам,

Мададга зор одамдай гоҳо  
Атрофга жавдирар нигоҳим.  
Кўзларимда интиқ илтижо,  
Кўзларимда тизилар оҳим,


Шунда излаб қоламан зор-зор,  
Ўн етти ёш кўҳлигим ёна.  
Ва қайтмоқ бўламан интизор,  
Ўн етти ёш дунёга яна.

Мени чорлар илк умринг маъсум,  
Мени чорлар ул покиза ишқ.  
Қайгуларга чек қўйиб, бир зум  
Рухимда тирилар ул қўшиқ:

«Биз бахтиёр бўлғаймиз хўб,  
Бизни зафар қучажак!  
Тепамизда чарх уришиб,  
Қалдирғочлар учажак!..»



# Нортўхта ҚИЛИЧЕВ



1947 йили Фиждувон районининг Фишти қишлоғида туғилган. ТошДУни 1971 йили тугаллаб, «Бухоро ҳақиқати», «Хоразм ҳақиқати» область газетларида ишлади. Унинг ҳикоялари республика матбуотида бо-силлиб туради.

Ўтган йили Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган республика ёш ижодкорларининг семинар-кенгашида Нортўхтанин ҳикоялари муҳокама қилиниб, яхши баҳо олди.

## ТОНГДЕК ОЙДИН НАМОЗШОМ

«Ҳардамхаёлликдан оғир дард йўқ экан-да...» Асқар куйиб-пишиб машинасини ўт олдиришга уринаркан, хаёлидан яна бир карра шу фикр ўтди. Мотор бу гал ҳам боягидек фингиллаб-фингиллаб ўчиб қолганида унинг баттар жаҳли чиқди. Калитни зарб билан товлаган эди, нимадир қаттиқ «қиғ» этди-ю, калит бўғзидан қирс синди.

— Минг бўлак бўл-а!— У тутақиб, калитнинг синган бўлагини гараж тўрига иргитди.— Лаънати!..

Энди қанчалик уринмасин, бари бир иш чиқмаслигини алам билан англади, суянчиққа дилтанг суяниб, бошини орқага ташлади. Шунда плаши билан пулни унутиб қолдиргани эсига тушди-ю, паришонхотирлигидан кўнгли яна ғаш бўлди. «Ҳай, шу тўйга бормасам-чи?— у ўйчан кўзларини ҳорғингина юмди. Пешона пайлари юмшаб, миясида оромбахш фароғат туйди. Қанийди, шу ётганча ухлаб қолса, сира турмаса... Бироқ тўй манзараси, тўй қилаётган ошнаси ва танишларининг истеҳзоли башваралари кўзига айқаш-уйқаш кўриниб кетгандек бўлди-да, ўзини ноқулай сезди.— Йўқ, боришим керак,— деб ўйлади.— Юз-юзга тушганда «Ҳай, фалончи!..» дейди-да!»

Асқар касалхона машинасида жўнамоқчи бўлди. Лекин у ерда ҳам биттагина шалоғи чиққан «Тез ёрдам»га кўз тикиб ўтиришларини эслаб, фикридан қайтди. Қизилтепагача йўловчи машинада бир амаллаб етиб олишни, ундан у ёғига поездда кетишни чамалаб, илинж билан соати-га қаради: энди бешдан ўтибди.

У истар-истамас машинадан чиқиб, эшикни бекитди. Бир дам гарансиб турди-да, сўнг цемент йўлакдан шуурсиз юриб умивальник ёнига борди. Олқиндини олаётиб ойнаванд айвон тарафга аланглади. Баланд ҳавозали ишқомнинг олачалоқ соясида айвон ғира-шира, ҳеч ким кўринмас эди.

— Зулай!— деб қичқирди у.— Зулай-ҳо-о!

— Нима дейсиз, ахир? От қўясизми, мунча...— Ичкаридан хотинининг зорлангани эшитилди.— Э-э, худойим-эй, ётганим қўймайсиз-а одамни!

— Плашни олиб чиқ! Пул ҳам!— деб зарда қилди Асқар.— Кейин ётарсан чўшпаиб!

Хиёл фурсат ўтиб, Зулайҳо плашни билагига осилтирганча уйдан чиқди. Унинг зарбанд пешонабоғи қийшайиб, чакка сочлари пахмайиб турарди. Ҳаво дим бўлишига қарамай, жун пайпоқ кийиб, нимча устидан хипча белига ҳам жун рўмол боғлаб олган эди. Озғин жуссаси ва ичакдон ингичка бўйни уни новча кўрсатар, ранги захил, тимқора кўзлари ич-ичига чўкиб кетган эди. Оёқларини кериб, тап-туп судраб босарди.

У айвон эшигига етиб, қоқсуяк қўлини ёндорга тиради-да, ютоқиб нафас олди. Сўнг эрининг ҳаракатлари кўзига шубҳалироқ кўринди:

— Келасизми қайтиб?— деб сўради.— Эй, нимага индамайсиз?

Асқар икки учи қирланган патсочиққо наридан-бери аринаркан:

— Йўқ,— деди хотинига қарамай.— Бўлмади, машинани ёқолмади...

— Ҳо-о...— «Ёлғон айтаяпти», деган ўйдан юраги ёғижимланган Зулайхонинг овози таҳдидли янгради:— Келмайсизми ҳали?

— Қўрқма, бўри емайди сани.

— Қанийди, ўша бўри аввал сизнинг суякларингизни ғажиса-да, кейин мани жонимни олса! Розийдим, минг марта розийдим.

Асқар хотинининг важоҳатини кўриб:

— Зулай, қўй энди,— деди ҳам ялиниш, ҳам узор оҳангида ўзини оқлашга уриниб.— Ҳазиллашдим. Мошин-пошин топилиб қолса қайтиб келарман.

— Менга бари бир,— Зулайҳо қонсиз лабларини хунук чўччайтириб елка учирди.— Сира келмасангиз ҳам ихтиёрингиз— этагингизга ёпишиб олган одам йўқ.

Унинг нимагадир шама қилаётгандек кесатиғи ва зўраки бепарволиги Асқарнинг баттар ғашини келтирди.

— Майли, плашини бияққа бер!— деди у афтини бужмайтириб.— Пулниям!

— Пул киссангизда, хўжайин!— Зулайҳо кино аралаш қошини чимириб плашга ишора қилди.— Лекин... бечора қайнатангиз шунчаки бир раис-а! Сайил-харжингизни ўйлабро-оқ қилсангиз бўларди!

Асқар хотинига ял қараб, тешиб юборгудек ўқрайди. Лаблари асабий титради. Зулайҳо энди шафқат тилагандек аянчли илжайиб, қўлларини кўкси узра қовуштирди-да, бармоқларини қаттиқ қисирлатди.— сўвлик билан боқаётган кўзлари тубида алланечук мубҳам ғолибликнинг ожизгина учқуни хонина йилтираб турарди. Буни кўриб Асқарнинг ғазаби ошди:

— Топган гапингни қара-ю! Отангдан сайил харжи тилаган куним бошимга тупсоқ тортарман.— У плашини кийди-да, бир даста беш сўмликни хотиржамгина костюмининг ён чўнтагига солиб қўйди.— Бир така бола туғиб бериб, мани муттаҳам қилганингдаям бурнимдан бурундиқ ўтказолмайсан, билдингми!— Сўнг ортига кескин бурилиб шахд билан юриб кетди.

Зулайҳо бундай зарбани кутмаган эди. Ёрдан мияси музлагандек, кўзларида солуқ бир ўт чақнаганча эрининг орқасидан идоват билан хўмрайиб қолди. «О-о, худо-кон! Қутқар мани бу азоблардан, қутқар...»

Асқар кўчага чиқиб, елкасидан гўё муҳаббат тоши ағдарилгандек ўзини хийла ени-ни сезди. Йўлга тушди.

Қош қорайиб келарди. Осмон четларида қизғиш булутлар дайди, илиқ шаҳадат эсмоқда эди. Уқтин-уқтин гоҳ у, гоҳ

бу ҳовлидан бузоқларнинг маърагани, барглари қонталаш ўрикзордан болаларнинг қийқириғи эшитилар, узок-узоклардан шаршаранинг беором шовиллаши элас-элас қулоққа чалинар эди.

Асқар ерга боққанча маҳзун бораркан, ҳозиргина рўй берган можарони тасаввурда қайта жонлантирди, ўзидан ранжиди. Жисмини тагин оғир хаёллар қуршаб олаётганидан юраги сикилди. «Нимага бунчалик жиззаки бўлиб кетяпман-а? Арзимаган гапга шунча дилхиралик! Пул... баҳона. Ҳаммасига... бола сабаб!»— Шунда ички бир овоз қўрқларига қарши чиқиб: «Йўқ, бу ҳам эмас!»— деди қатъий йўсинда.— Узинг ахир ишингдан, одамлардан, умуман яшашдан безиб боряпсан-ку!» У ботинан бунга иқрор бўлди. «Тавба, рост...— деди.— Лекин нега?»— Асқарнинг боши қотди, чуқур хўрсиниб, шарпа каби таъқиб этаётган хаёллардан қочиб қутулмоқчидек одимини тезлатди.

Асқар шитоб билан юриб овлоқ кўчадан асфальт йўлга чиқди. Қулоғига моторнинг гуриллагани эшитилиб, қайрилиб қаради. Чорраҳадан буёққа бурилаётган сариқ кузовли юк машинасини кўрди. Йўлнинг нарига бетига ўтди. Унинг бетоқатланиб турганини узокданоқ пайкаган, солдатча кўйлаги тугмалари қадалмаган йиғирма ёшлар чамасидаги қорамғиз, жингалак соч шофер йигит яқинлашганда машинани таққа тўхтади. Кабина эшигини очиб, салом берди-да, ўриндиқ устидаги қуроқ кўрпачани қоқа-қоқа:

— Мининг, ака,— деди эски қадрдонлардек.— Яхшимсиз, янгам тузуқмилар? — Шукур, раҳмат, ука.— Асқар ўрнашиб ўтираркан. «Танийди чоғи», деб қўйди ўзича ва димоғида бензин аралаш йўнғичқа ҳидини туйиб, ойнани охиригача туширди.— Қаёққа кетяпсан?

— Фермага бораётувдим, ака.

— Ҳмм, ҳайдайвер, қани,— Асқар соатига кўз қирини ташлаб, «Шу йигитдан илтимос қисаммикан», деб ўйлади. Аммо истиҳолога бориб, гапни танишидан бошламоқчи бўлди:— Юқорибоғликимсан дейман?— Йигит бош ирғади.— Кимнинг ўғлисан?

— Ражаб ака деганнинг. Отим Тўравой,— у Асқарга бир қараб, соддадиллик билан қўшиб қўйди:— Ман сизни танийман, раис бобомизнинг куёвларисиз.

Асқарнинг энсаси қотди. У қайнатасини зимдан ёмон кўрарди. «Турмушимнинг шундайлигига қайнатам ҳам айбдор», деб ҳисоблар ва бунда чиндан ҳам озми-кўпми ҳақиқат бор эди.

— Э-э, зўр гапни биларкансан-ку, Тўра-

вой!— деди у ижирганиб.— Кишлоқ касал-хонасининг бош врачн эканимни ҳам биларсан?

— Биламан, биламан. Сизнинг дўхтир Олимовлигинизни ҳамма билади-ку!— деди Тўравой гуноҳкорона илжайиб.— Лекин биз шунга ўрганиб қолганмиз-да.

Одамларнинг «шунга ўрганиб қолгани» Асқарнинг нафсониятига тегарди. Ҳозир дили ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ оғриган бўлса-да, ўзи танимаган йигитга буни сездириб ўтирмади. Сассиз энтикиб, яна бояги мавзуга қайтди.

— Ука, сен ҳалиги Ражаб носфурушинг ўғлимисан?

— Йўқ, ака. Ражаб аравакаш деганнинг ўғлиман.

— Шундай, лақабини қўшиб айт-да. Санга бу шопирлик ота касб экан, яхши. Уйланганмисан?

— Ҳа, Армияга кетмасимдан уч ойча олдин. Кейин олти ой ўтар-ўтмас, хизматдан озод қиливоришди; бу ёқда хотин икита туққан экан.

— О-о, зўрсан-ку, Тўравой!

— Э-э, қаёқда! Зўрлигим бурнимдан булоқ бўляпти, ака,— у қошларини чимириб, таассуф билан бош чайқади.— Бирдан икки ўғилни ўстириш азоб экан. Уйда мунда-ай қарашадиган кампир ҳам йўқ денг. Устига-устак, хотин сал инжиқроқ. Агар ҳадемай боз икита туғиб берса, шу билан ҳаммаси тамом, деб юрибман ўзимча.

— Нимага тамом, дейсан, яхши-ку! Қирққа чиқмасингдан ўғилларинг қаватингга кирса ёмонми? Умринг орзу-ҳавасда ўтади. Қаримайсан. Қаринсанг ҳам, муниллаб қолсанг ҳам юраверасан кўнгилини тоғ қилиб.

Тўравой ишшайиб кўйди. Асқар ўз гапларидан ўзи таъсирланиб кетган эди. Юраги куйинқирагандек энтикиб нафас олди-да, нигоҳи ташқарига муаллақ қадалиб, жим қолди. «Ношукур банда! Қанийди, менинг ҳам шундай ўғилларим бўлса... Дунёнинг ишлари қизиқ; биров тирноққа зор, биров...»

— Ака, мана сиз ўқиган кишисиз. Айтинг-чи, одам ўзи нима учун яшайди?

Асқар бу гапдан сескангандек, Тўравойга синчков разм солди. Худди ана шу савол унга кўпдан, хусусан, бирор нимадан сиқилиб кетган кезлари тинчлик бермасди. Нима деб жавоб берса экан? Ўзи тагига етолмаган гапни бу йигитга қандай тушунтирсин?!

— Одам туғилгандан кейин хоҳласин-хоҳламасин яшагга мажбур, ука,— дея гап бошлади Асқар ниҳоят.— Чунки жон ширин, ҳаёт ширин. Уни янада тотли қилиб турадиган орзу-истаклари бўлади одам-

нинг. Агар эртанги куннинг бугунгидан яхшироқ бўлишига ишончи бўлмаса, ҳаёти зимистонга айланади, яшашнинг қизиғи қолмайди.

Тўравой унинг гапини қувватлаган каби маънодор бош ирғаб кўйди-ю, индамади.

«Ё ман ўзим алдоқчи умидларга ишониб яшаб юрганмиканман-а?— Асқар яна ташқарига мунг билан тикилди.— Ростдан ҳам шундай бўлса... уф!»

Йўлнинг ўнг ёқасида қатор финча уйлар бир-бирига туташиб кетган. Ариқ лабидаги дарахтларнинг тилларанг япроқлари сал шамолда ҳам чирт-чирт узилиб тушмоқда. Йўлнинг нариги тарафи тутзор. Новдалари шип-шийдон яланғоч тутлар алланечук шумшайиб турарди. Олдинда эса суви қуриб қолган анҳор, панжараси қийшайиб кетган кўприк қорайиб кўринади.

— Ман энди буёққа кетаман, ака,— дея Тўравой кўприкдан ўтилгач, чап қўлдаги нишабга қараб кетган тош йўлга ишора қилди.— Фермага.

Асқар сергак тортиб, бир зум саросималанди. Соатини кўзига яқин олиб келди.

— Менга қара, ука,— деди ўзига ярашмаган ялиниш оҳангида.— Мани шу Қизилтепагача олиб бориб қўймайсанми, а! Поездга кечикияпман.

— Уҳ-ҳў!.. Йўқ, ака,— у бошини сараксарақ қилиб.— Ёғиздунга сут олиб боришим керак. Кечиксам, мудир уришади,— деди.

Асқарнинг тушишда бошқа чораси йўқ эди. Анови бекатда сарғайиб машина пойлашини ўйлади, кўзларига ҳазинлик чўқди. Гарангсиб эшикни очди.

Тўравойнинг вақти бор, лекин у кимсан— Самандар раиснинг куёви, кишлоқ касалхонасининг бош врачн Асқар Олимовни жиндак ялантиришни истар, бу ҳам асқатиб қолар, деб ўйлаган эди. Аммо суҳбат асносида ўзи ёқтириб қолган ва мана энди на мавқеини, на мансабини рўқач қилмай, итоаткорлик билан тушиб кетаётган бу одамни хафа қилгиси келмади.

— Тушманг, ака!— деди у шаштидан қайтиб.— Эшикни ёпинг.

Асқар «кира ҳақи сўрамоқчи» деган ўй билан унга саволомуз ўгирилди:

— Ҳа?

— Бўпти, элтиб қўяман... Уришсаларми! Бир баҳона топарман-да!— У ферма тарафга тагин бир қараб олди.— Кетдик. Узи ярим соатлик йўл-ку, чақчақлашиб бирпасда етамиз.

— Ҳа, тезроқ ҳайдасанг олти яримлар да етиб қолармиз.— Асқар суюниб, эшик

ни ёпди.— Майли, кечикмайлик ишқилиб.

Машина гуриллаб жўнади. Улар ҳашпаш дегунча қишлоқ марказидан ўтдилар. Пахта пункти ҳам, муюлишдаги пахса деворлари нурай бошлаган МТС ҳам орқада қолиб кетди. Бир оздан сўнг ҳовлилар сийраклашиб, пахтазор — поёнсиз дала бошланди.

Пахтазор ҳувиллаб ётарди. Йўл бўйларидаги сербутоқ тол ва теракларда қушлар учиб-қўниб чуғурлашар, ўқтин-ўқтин даладан қайтаётган қиз-жувонлар кўзга чалинар эди. Уларнинг нимасидир кўпқарида эгасига соврин олиб бериб, энди терга ботганча қайтаётган садоқатли самантойларни эслатарди...

Асқар кўзларини юмиб, бошини орқага ташлади. Сўнгги пайтларда у ҳафақон, ўзи билан ўзи сирлашадиган, хийла одамови бўлиб қолган эди. Ҳатто гавжум давраларда ҳам ўзини ёлғиз ҳис этарди. Асқар бундай кезлар ҳаёлан қайнатаси билан можаро қилар, хотини билан алам-ангиз гиналашар, раҳматли Бўрон тоғасини эслганда алланечук хижолат чекар, гўрига нур ёғилгур фариштадек онасининг қадрдон чеҳрасини кўз ўнгига равшан келтиролмай эзилар эди. Ҳолбуки, онасини тупроққа топширганига ҳали кўп бўлган эмас. Онасидан аввал оламдан ўтган тоғасини эса яхши эслайди. У тез-тез тушига ҳам кириб туради. Хусусан, видолашар чоғида унинг дард билан айтган гаплари, васиятлари ҳануз ҳозиргидек ёдида...

\* \* \*

Вақт чошгоҳдан ўтган эди. Боягина беморларни кўриб чиққан Асқар юмшоқ курсида касаллик варақаларини кўздан кечириб ўтирарди. Эшик очилиб, қошу кўзига сурма торган хушрўйгина ҳамшира қиз кирди. Асқар қоғоздан кўз узиб, пиёлада буғи чиқиб турган чойни қўлига олди-да, сохта бепарволик билан унга юзланди:

— Келинг?

— Тоғангиз сўраётганмишлар, — деди ҳамшира атай паст товушда. — Тез борармишсиз.

— Тоғам?! — Асқарнинг юрагига бирдан уғлула тушиб, пиёлани қайта жойига қўйди. Упка ракига мубтало тоғаси яқиндагина область касалхонасидан чиққан, энди йида оғир ётган эди. У кеча оқшом тоғасидан хабар олганини эслаб, ҳамширага аросар кўрсатма берди: — Сумкани элинг... Мошин қақиринг. Ман ҳозир чиқаман...

Асқар йўл бўйи чурқ этмай, энди нима қилишни ўйлаб кетди. Кўнгли сезган экан: тоғасини кўрди-ю, ҳеч қандай чора қолмаганини англаб, юрагида зирқираган оғриқ туйди. Беморнинг ранг-рўйи девордек бўзарган, ўқлоқдек бўртиб чиққан бўйин томирлари гўё мудҳиш бир ҳукмижро этиладиган дақиқани ошиқиб санаётгандек талваса титроғида эди. Унинг бошида йиғидан юз-кўзлари шишиб-бўғриққан хотини, болалари таҳликада жавдираб туришарди. Асқар, томоғига оташдек бир хўрсиниқ келиб, беихтиёр қалқиб кетди, аммо ўзини базўр тутиб, тоғасининг оёқ панжаларини аста ушлаб кўрди: муздек!

— Ҳа... занғар-эй! — дея тоғаси мулозим жилмайишга уринди, бироқ бу сафар юз пайлари тортишиб, қонсиз милқлари кўринди. Уқчиб йўталди. — Мана шу йўтал олиб кетади-да охир. Ҳа, афтингни нимага буриштирасан?

— Йўғ-э, тоға... — у янгаси ва жиянларига боши билан эшик томон ишора қилди: «Чиқиб туринглар». Улар бирин-бирин чиқиб кетишгач, беморга яқинроқ сурилди. — Тоғажон, мани...

— Сани билмадим-да... Андак худбинроқсан-у, андишанг кучли лекин. — Тоғаси ҳар бир сўзни ҳансирай-ҳансирай гапирарди. Бу гапларни у зарур деб билгани учун айтаётганини Асқар тушунарди. — Шундай эмасми?

— Гапираверинг, тоғажон, қулоғим сизда, — дея у тоғасининг совиб бораётган қўлини уқалай бошлади. — Дорингиздан ичинг. Битта укол қилай? Ҳаммаси тайёр. Ана...

— Йў... қулоқ сол, — тоғаси оғир-оғир нафас олиб, нурсиз кўзларини юмиб-очди. — Вақтики келиб сани шу худбинлигингун серандишалигинг нобуд қилмаса, деб кўрқаман-да. Эҳтиёт бўл, бўтам. Ушанда айтганимга кўнмадинг...

У тоғасининг нимага шама қилаётганини пайқади. Чиндан ҳам ўшанда...

У ёниқ хўрсиниқ билан:

— Вақтида тушунмаган эканман, тоға, — деди.

— Ҳа, хом сут эмган бандамиз-да.. Томоғим қуриятти, сув... бас... Энди ёш эмассан, жиян, одамларнинг мурувватига сал кўзингни очиброқ қара. Улар неки қилсалар, амалинг учун қиладилар. Агар бир кун эмас, бир кун эрку ихтиёрингни бой бериб қўйсанг, кейин уларнинг мақомига йўрғалаб қолганингни ўзинг ҳам билмайсан. Уҳ-х...

Бу энди олис, дилни ўртаганча узоқлашиб кетаётган армонли ўтмиш эди.

Асқар институтни битирадиган йили қишлоқ касалхонасига практикага келган эди. Ушанда Самандар раис бир оз хасгаланиб қолди-ю, уни даволагани бориб-келиб юрди. Дастлаб совуққина қарши олган раиснинг хотини Гулсум хола унга кейин-кейин айрича мулозамат кўрсатадиган, илиқ хайрлашиб қоладиган бўлди. Бўйчангина, хушсурат Зулайхонинг муомалаларида ҳам яширин илтифот сезилиб турарди. Буни кўриб, Асқар ўзича аллақандай хаёлларга берилиб ширин энтикиб қўярди.

Раис тез орада соғайиб кетди. Аммо кутилмаган бир гап қилиб, Асқарни танг аҳволда қолдирди.

— Сизга меҳрим тушди, ўғлим,— деди у бир куни.— Асли бу одат бизди ўзбекларга тўғри келмайди-ку, лекин... Сиз энди бизга бегона эмассиз. Холангиз билан маслаҳатлашиб, шу... сизни ўғил қилсак, деб... қизимизни биласиз, эсли-хушли. Тўнғичимиз. Узимизнинг ку ердаги институтни битиряпти. Йўқ, ман мақтасам бўлмайди-ку, лекин...

Самандар раис қизига институтнинг ёш бир домласи одам қўйиб юрганини, агар Асқар рози бўлса тўйни ўзи қилиб беражани ҳам гап орасида қистириб ўтди. Асқар раиснинг бу ажабтовур мурувватидан хайратга тушди, унга қисиниб-қимтиниб, ҳозирча уйлономаслигини, институтда ишга қолдиришмоқчи эканини, кейин... масаланинг нозикроқ бир жиҳати ҳам борлигини айтди.

— Ёшсиз-да, Асқар полвон,— деб эътироз билдирди раис.— Севги, хусн, бойлик деганлари ҳаммаси ўтқинчи майда-чуйдалар. Агар, раис бобом севги кўчасидан ўтмаган, деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз. Чин муҳаббат бизди замонларда бўлган. Яхши кўрганнингни жуда нари борса, етти кулча билан никоҳлаб олардинг. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳаммасини пул, амал ҳал қилади! Муҳаббат никоҳдан кейин ҳам бўлаверади. Майли, бу гаплар ҳозирча тура турсин, бояги гапга қайтайлик. Институтда қолишингиз масаласига келсак, ҳўб ажойиб иш-да! Аммо-лекин у ерга калондимоғ домлаларнинг хизматида қўл қовуштириб турадиган хушомадгўй бўлиб эмас, менимча, кандидатликни қойилмақом қилиб ёқлагандан сўғин борганингиз тузук. Қалай, маъқулми?

Отасиз етим ўсган Асқарни муҳтожлик хийла андишали қилиб қўйган эди. Раиснинг бу саховатпешалигидан қаттиқ таъсирланди. Қўз олдига боддан бери хирахомуш гавдаланиб турган курсдоши Би-

кажонни, унинг ҳам меҳрга, кўмакка зорлигини ўйлади. Кейин хаёлига шундай бир нохуш манзара келди: тунчиरोқ билан ёритилган торгина ижара хужра. Тўрт тарафи китоб. Тақир полда қоғоз чайнаб ухлаб қолган (ўғил) бола. Сири кўчган каравотнинг оёқ томонидаги столнинг бир ёғида ўзи, рўпарасида— бир қўлида бир бурда нон, иккинчисида қалпоғи ғажилган ручка тутган Бикажон. Иккалasi ҳам аспирант; қитир-қитир қилиб нимадир ёзишяпти. Ташқарида шамол оч бўридек увлайди...

Асқарнинг юраги сиқилиб, боши қотди.

— Йў-ўқ, майли,— деди раис унинг нима деярини билмай гангиб қолганини кўриб.— Аввал бафуржа бир ўйланг, майли.

Асқар ўша оқшом қоғозга ўралган нимадир кўтариб ширакайф ҳолда тоғасиникига борди. Тоғаси шинамгина хужрасида чордана қурганча сатин ғилоф қопланган китобини ўқиб, чой ичиб ўтирарди.

— Ҳмм, ке қани...— У Асқарга бошдан оёқ разм солиб, салмоқ билан сўради:— Қўлингиздаги нимади?

— Узим ҳам билмайман. «Раис бобонгизни қараганингизга», деб хотини қўлимга тутқазди.— У Гулсум холанинг: «Зулайхо атайлаб сизга олибди», деганини эслаб, алланечук сархушланди. Қизикиб қоғозни очди— костюм экан!— Костюм, шими билан,— деди оғзининг таноби қочиб.

— Яхши қилмасиз-да, Асқарвой. Емоқнинг қўсмоғиям бор..

— Вали бўлиб кетинг-э, тоға! Раис қизини бермоқчи...

— У-ў... ростми?! Беҳаё. Лекин қиз адабли.

— Шунга маслаҳатга келувдим, тоға.

— Ҳмм... яхши, бўлади. Гадой тўқсабонинг қасридек ҳовлинг, елини сандалдек сигирларинг бўлади. Ҳаммасидан ҳам савлатингдан от хўркишини айт!

— Ёмонми, ҳай?

— Ёмон деётган одам борми санга?

— Пичинг қилманг-да бўлмас.

— Гадой тўқсабонни билмайсан-а? Уруғимизнинг кўп ориятли, кўп баобрў, имони басаломат одами эди. Бир ошнаси ёдидан чиқариб ўғлининг суннат тўйига айтмаганда, қасдма-қасдига етти кун қарни сурнай чалдириб, тўй берган. Қирқ туяси, сурув-сурув қўйлари бор эди. Фирўн наслдан бўлган йилқилариям кўп эди. Сўғин ҳаммаси мусодара бўлиб кетди.

— Хўш-хўш?

— Пайғамбар ёшига етиб, шунинг билан димки, бўтам, беш вақт намоздан бўлак ҳар бир ишнинг пушаймони бор. Ҳозир замон ўқиганники, кейин пушаймон бўлиб

юрма, ишқилиб. Одамнинг орқасида бойлиги эмас, кўкартирган боғию фарзанди қолади. Уқиб турган жойингда домла бўлиб қолармишсан, деб эшитиб: бизнинг уруғдан ҳам олим чиқадиغان бўлди-ёв, деб қувонувдим. Ола хуржунни бўйинга илиш бўлса... ёшсан-ку, қочиб кетмас савил.

— Раис бобо, ўзим ёрдам бераман, деяпти.

— Ундай бўлса, маслаҳатлашулик жойи қолмабди-ку! Билганигни қил, бўтам. Омон бўлсанг бас...

Асқар тоғасининг олдидан аразлагандек чиқиб кетди.

Онаси эса севинганидан: «Йигитга уч марта бахт келар экан, ўғлим. Биринчиси— илму хунар. Шукур, шундай улуғ касбга эга бўлдинг. Иккинчиси— яхши хотин эмиш. Кўз тегмасин, Зулайхонинг ой деса оғзи, кун деса кўзи бор. Санга айтсам, бапам, йигитнинг учинчи бахти— ақлли ўғил. Худо ёрлақаб, ол, қулим, деса бир йил ўтар-ўтмас, қўчқордай ўғлинг ҳам бўлади. Бошингда бахт қуши кўнибди, ўғлим», деган эди.

\* \* \*

Машина гуриллаб ҳамон олға интиларди. Асқар оёқларини бемалол узатиб олган, Тўравой ҳар назор-ҳар замонда унинг юмук кўзларига назор ташлаб, сўз қотмокчи бўлар, аммо негадир ботинолмас эди. Асқар дили ўртаниб кечмиш воқеаларни хаёлидан ўтказиб бораркан, қайнатасидан эшитган бу байтни эслади:

**«Иқболинг ёр ўлиб, бахтинг уйғонса,**

**Тоға отган кесагинг тошни синдирур».**

Самандар раис буни Асқар диссертациясини ҳимоя қилолмай, қовоғидан қор ёғиб қайтган куни айтган эди...

Асқар ўшанда мулзам бўлиб уйга кириб келганини эслади, илмий кенгаш раисининг мақтовдан бошланган якунловчи сўзи қулоқлари остида яна жаранглагандек, тишларини фикрлатиб, кулимсираб кўйди: «Аммо, мухтарам ҳамкасбалар, шунинг ҳам айтмоқ керакки, тадқиқотчининг илмий хулосалари, хусусан, дефолиантларнинг нафас олиш йўллари ҳамда капилляр чайларга таъсири тўғрисидаги хулосалари бирмунча қалтис мазмун кашф этган. Улар шу ҳолича менга нодон таъбирчи ҳақидаги ривоятни эслатмоқда...»

Асқардан бу гапларни батафсил эшитгач, қайнатаси:

— Хафа бўлманг-у, куёв, дангал гап (еч кимга, тўғриси, ўзимизгаям ёқмайди,— деган эди.— Бу дунёда хушомад ёқмайдиган банда йўқ, ақлли ишлатинг!

— Йўқ, домла бошқа маънода гапирди.

У киши ҳақ. Менинг хулосаларим ростдан ҳам қалтисроқ экан. Медицина инсон билан...

Раис унинг сўзини кесди:

— Ҳайронман, ўзи сизга нима кераги бор бу илмий дабдабанинг? Каттакон бир касалхонанинг бош врачисиз, данғиллама ҳовлингиз, минсангиз «Волгангиз, суйсангиз хотинингиз бор. Бўлди-да! Қора денгиз бўйларига ўхшаш жаннатдай жойлар кўп оламда. Зулайхони ёнингизга олиб, сайру саёҳат қилинг, зора уям соғайиб кетса...

Бу пайтда унинг Самандар раисга куёв бўлганига беш йил тўлган эди. Тўйдан беш ойми, олти ой ўтгач, Зулайхонинг орқа мияси яллиғланиб, оқсоқланиб қолган, ранги-рўйи сарғайиб, чўпдек озиб кетган эди. Бир ёқдан унинг касали, бепарзандлик алами, иккинчи ёқдан тоғасининг вафоти, кейин онасининг ўлими — айрилиқларнинг бу беадад азоби устига илмий ишини ҳам ҳимоя қилолмагани Асқарни эзиб ташлади. Бу зарбалар аста-секин уни сал нарсага жаҳли чиқадиغان жижзаки, хафақон ва одамови қилиб қўйган эди.

«Нега ўшанда Самандар раиснинг сўзига кўнақолдим? Негача тоғамнинг панд-насихатларига қулоқ солмадим? Чунки... чунки... «Раис!» дедим. Муҳтожликдан кўрқдим. Онамни севинтириш, мақсадларимга осонликча эришини ўйладим. Мана, мана оқибати... Энди қаноти қайрилган бургутман. Бу азоблардан қутулиш керак. Аммо қандай... қандай қилиб!?»

Асқар нажот йўли — мансаби, машинаси, ҳовлиси, одамларнинг сохта хушомадию улар ортида заҳарханда киноя билан жилмайиб турган хотинидан воз кечиб, эзгу мақсадлари сари бадар кетиш, деб биларди. Буни ҳис этиш ҳам унга азоб эди. Шундай кезларда юрагига совуқ тиғ санчилган каби олам кўзига тор кўриниб, елдек беҳуда ўтаётган умрига ачинарди: «Ҳаётдан умидим шумиди? Умримнинг ярми, эҳтимол, ҳаммаси ўтиб қолгандир. Ахир ман олим бўлмокчи, бу йўлда Бикажон... Бикажон-а!»

Уларнинг орзулари кўп эди. Уларга ўқиш, бирга бўлиш мислсиз қувонч бағишларди.

Лабораторияларда масала талашиб, тажрибалар ўтказиб, баъзан шом қоронғисига қадар қолиб кетишарди. Қандай сурурли дамлар экан-а!..

Машина баландга ўрлади, сўнг ўнгга буррилди-да, яна равон кета бошлади. Асқар хаёлларини қизғанибми, кўзларини очмади. «Эшонкўприкдан ўтаётган бўлсак керак», деб тусмоллади. Чиндан ҳам маши-

на катта кўприк устидан секин жилиб бор-моқда эди.

— Қаранг, ака!— дея Тўравой унинг тирсагига ихтиёрсиз туртди.— Зарафшоннинг суви камайиб кетибди.

Асқар кўзларини истар-истамас очиб, аввал оғрингандек Тўравойга қаради, сўнг дарё томон бефарқ назар ташлади. Дарёнинг у ер-бу ерида хас-хашақлар уюлиб қолган, саёз ўзанида қайроқ тошлар қорайиб кўринар эди. Улар устида қовжираб ётган шувоқлар буғдойзорлардек майин чайқалар, кулранг қушлар тошдан-тошга учиб-қўниб юришар эди. Намозшом сукунати чўкаётган хилватгина бу гўшада қандайдир ёввойи бир гўзаллик мужассам. Бу гўзалликини баланд соҳилдаги эски қабристоннинг ғариб манзараси янада бўртириб кўрсатади. Мозорда дўмбайган ўн-ўн беш чоғли қабр тепасида қўшув аломатига ўхшаш таёқлар қийшайиб кўзга чалинади. «Кўнглингга ғам чўкса, дарё бўйига югур, шодликдан босар-тусарингни билмай қолсанг, қабристонга бор», эмиш!...»— дея киноя билан хаёлидан ўтказди у.

— Ишингиз кўпми, дейман-да, ака?— деди Тўравой уни гапга солишга уришиб. — Кеча ухламагансиз, чоғи?

— Ҳа,— Асқар қисқагина жавоб берди-да, фармойишкорона қўшиб қўйди:— Тўравой, кечикмайлик, ука.

Тўравой унинг суҳбатга раъйи йўқлигини сезди. Қайтиб сўз қотмади. Осмонга дилгир назар ташлади. Булутлар қуюқлашмоқда эди. Тезликни оширди.

«Ажабо, бор-йўғим Бикажон эканини нега шу чоққача англамаган эканман-а?— Асқар тобора оғирлашаётган бошини чап кифтига солди.— Ушанда ман галварс ҳавойи орзуларга учиб, ўзимни ўзим алдабман-а... Энди-чи, энди! Эртага ҳам, ундан кейин ҳам шундай бўлса, бўлаверса... Бундан кўра бош олиб кетганим, ўлганим афзал эмасми? Зулайҳо ҳам кўрар бир кунини».

Ҳар гал хаёлига шу фикр келганда онасини эсларди. Онасининг сиймоси хотирасида хирагина жонланар, у қайта-қайта уқтирган гаплар қулоқлари остида такрорлангандек бўларди: «Келинни илло хўрлама, болам. Кўзим очиклигида санга яна бир гапди айтгай: биринчи ўғлинга отангди отларини қўйгин, руҳи-поклари шод бўлади...»

Асқар ўнглиниб ўтирди. Бошини вазмин чайқаб, юз-кўзини сийпалади. Олдинда чироклар бўзариб кўринди.

— Келиб қолибмиз-ку?

— Ҳа. Чорраҳада тўхтайтими?

— Йўқ,— Асқар соатига қараб олди.— Вокзалга ҳайдайвер.

Эртаю кеч сайилгоҳ каби гавжум бўладиган вокзал майдони сув қуйгандек жимжит. Атрофни ҳалқадек ўраб олган ошхона, чойхона ва магазин эшикларига қулф урилган. Майдон чеккасидаги толзор шовиллапти.

— Мана, ака,— дея Тўравой машинани тўхтатди,— вокзалгаям келдингиз.

Асқар унинг қўйқўзларига тикилиб сўниқ кулимсиради.

Чўнтагини тимирскилади, дасталанган пулнинг боғичини узиб, иккита беш сўмлик чиқарди.

— Тўравой, шуни ол, ука.

— Э, ҳазиллашаяпсизми, ака! Хафа бўламан.

— Майли, раҳмат, ука.— Асқар машинадан тушди. Пешонасига муздек томчилар урилди. Осмонга қаради. Сўнг машина аста ўрнидан жиларкан, эшикни ёпа туриб у:— Лекин эҳтиёт бўл, ёмғир ёғпти,— деди.

\* \* \*

Асқар машина кўздан узоқлашгунча қараб турди. Кейин жадал юриб кассага ошиқди. Ҳайҳотдек хона шифтида неон чироқ липиллаб турарди. Ҳеч ким йўқ. Шу пайт бир тепловознинг чўзиб чинқиргани эшитилди. Асқар югуриб перронга чиқди. Ҳар ер-ҳар ерда йўловчилар тўпланиб туришарди.

Поезд биринчи йўлда тўхтади. Ундан тўрт-беш киши тушди. Асқар рўпарасидаги вагонга яқинлашди. Вагон назоратчиси — ингичка мўйловли йигитга:

— Маниям олиб кетинг, оғайни,— деди.

— Бронланган вагон бу, ока,— деб йигит гавдаси билан эшикни тўсди.— Бошқасидан сўраб қолинг.

— Навойгача, майлими?

Йигит рози бўлган каби елка қисди. Асқар иккиланибгина вагонга чиқди-да:

— Манг,— дея унинг қўлига яп-янги беш сўмлик тутқазди.— Олиб қўйинг.

— Ие, бу ёғи қандоқ бўлди энди, ока, майдам йўқ эди-я...

— Қўяверинг.

— Майли, чой қип бераман ҳозир. Кўк чой. Учинчи купега боринг, жой бор ўшат-та.

Асқар учинчи купега етиб, эшикни чертди. Очди. Ва бир лаҳза донг қотиб қолди.

Ичкарида сочи бежирим турмакланган, ёшгина бир жувон журнал варақлаб ўтирарди. Асқар, юраги қинидан чиққудек ҳаприқиб:

— ...жон! — деди.

Жувон кескин ўйрилди. Уни кўрди-ю, юзлари чакнаб, ўрнидан туриб кетаёзди. Лекин шу заҳоти шашти сўниб, қошлари иммирилди:

— Кириг.

Асқарнинг хокисор кулгиси лабларида алуздек қотиб:

— Бикажон, салом,— деди.

— Ассалом,— жувон, юзлари оқаринираб, юпқа лабларини сезилар-сезилмас имтиди.— Эшикни бекланг. Бола... уйғон-ласин.

Асқар шундагина чап томондаги ўринда хлаб ётган беш-олти ёшлар чамасидаги болани кўрди. Эшикни аста ёпиб, ичкари кирди.

Асқар бу учрашувни кутмаган эди. Авва-юга севинган бўлса-да, энди ўнғайсизлана юшлади. Бир хаёли чиқиб кетмоқчи ҳам бўлиб, кўз остидан Бикажонга қаради. Бикажон ёмғир томчилари илон изи шаклига оқиб тушаётган ойна тарафга юзини гирган кўйи парча гулли халатининг этакларини тортиб қўйди. Кўкси оғир-оғир наърас олаётганидан кўтарилиб тушарди. Толчада устига газета ёпилган термос, иёла кўзга ташланар, қовун ҳиди анқирди. Асқар Бикажоннинг Тошкентга, унга таб қовун олиб борган ўша студентлик даврларини эслади. Кўнгли ийиб, чуқур тикди. «Кўриб туриб индамай кетиш!..» бармоқларини асабий қисирлатди. Ҳали-амон тушиб қолишини ўйлаб, дилини ччиқ бир алам ўртади.

— Начун жимсиз?— деди Бикажон.— алинг, ўтирсангиз-а...

— Бикажон, яхшимисиз?— деди Асқар нга рўбару ўтираркан, товушидаги титроқ-ни сездирмасликка тиришиб.

— Шукур,— деди Бикажон.— Ўзингиз ичиксиз? Онангиз соғми? Хотинингиз, болаларингиз?..

Бикажон гина-кудурсиз гапира бошлангидан Асқарнинг қалбига илиқлик югурди. Онасидан ажралганини, хотини касаллигини айтиб:

— Узим кўриб турганингиздекман,— деди ғуссали оҳангда.

— Бечора...— Бикажон ҳамдардлик билан бош чайқаб, унга ўйчан тикилди. Асқарнинг дув оқарган сочлари, салқинган овоқлари унга кўп нарсани англагандек ўлди. Бикажон кўзларида миннатли бир теҳр акс этиб:— Ўзингиз бинойидек!— деди.— Қўлингизда олтин соат, олтин узук... шир, ўзингиз шуни истамабмидингиз?

Асқар бирдан қизаришиб:

— Булар, булар...— деди дудуқланган-а,— ҳеч нарса, пуч нарса! Буни фақат изга... сизга айтпман, Бикажон. Юра-

гимда бир ҳовуч алам. Йиғлаб йиғлолмайман, кулиб кулолмайман.

Бикажон сесканиб тушди. Бир вақтлар ўзи ҳам шундай ҳолатни бошидан кечирган эди. Ушанда Асқардан айрилган, у билан боғлиқ ардоқли орзулари барбод бўлиб, яшашдан кўнгли совиган эди. Алам ва изтиробда ўртаниб юрган кунлари туғруқхонада иш бошлади. Не-не бахтиқаро аёлларни кўрди. Улар олдида ўзининг бахтсизлиги арзимас туюлди, вақт ҳам аста-секин қайғу-ҳасратларига юпанч бергандек бўлди. Онасининг розилиги, отасининг қистови билан бир агроном йигитга турмушга чиқди...

Бикажон столча устидаги газетани ўйчанлик билан олиб, кичкинагина дастурхонни очди. Унда қовурилган гўшт, нон бўлақлари, ярми ейилган қовун, қанд-қурс бор эди. У термосдаги чойдан қуйиб Асқарга узатди-да, еб-ичиб ўтиришга ундаб:

— Энди нишатмакчисиз?— деб сўради.

Асқар унинг кўзларига бирдан синчков тикилди.

— Ҳайронман, Бикажон,— деди.— Ушанда орзу-истакларимга тезроқ эришсам, одамларга бирор нафим тегар деб хатога йўл қўйган эканман. Балки сиз ҳам ҳозир ичингизда, «Ула-а, ҳолинг шу экан-ку!», деб устимдан кулаётгандирсиз.

— Қўйсангиз-а, Асқар!

— Йўқ, тўғрисиам шу,— Асқар шикаста кулимсираб, ростига кўчди.— Баъзан ўзим ҳам ичимда ўзимдан аччиқ-аччиқ куламан. Қаватимда юраги юрагимдай дўстим йўқ, жўраларим йўқ. Атрофимдагилар...— У афтини бужмайтирди-да, чойни ичиб, пёла-ни жойига қўйди. Бикажон киприк қоқмай унга ички бир ачиниш билан тикилиб ўтирарди.— Илмий ишдан ҳам кўнглим совиди,— дея диссертациясини ҳимоя қилолмаганини, хотинининг касали оғирлигини айтди.— Шунинг учун болаям йўқ. Домлаларимизга олиб бориб кўрсатганимда, умид қилса бўлади, дейишувди. Юрибмиз.

Бикажон юраги увишиб:

— Э-э, во-оҳ!— деб юборди-ю, бундан ўзи ҳам хижолат тортиб:— Зиёни йўқ, бугун бўлмаса, эртага бўлади,— деди.— Хотинингизни яхши курортларга олиб бориб, қаратинг. Ина гўрасиз, ҳали кўп ажойиб ишлар қиласиз. Диссертацияним ёқлайсиз, ўғлингиз ҳам бўлади, қизларингиз ҳам...— Бикажон ўзи айтаётган гапларга Асқардан ҳам кўра кўпроқ ишонар, шундай бўлишини юрак-юракдан истар эди.— Ахир, мен сизни биламан— сиз қийинчиликлардан кўрқмайсиз. Бу тушкунликлар ҳаммаси вақтинча. Ҳаммаси ўтиб кетади...



Поезд қайси бир разъездда тўхтаб турарди. Бир вақт вагон оғир силтаниб, олға силжиди. Бола уйқусида ғудраниб, бу ёнбошига ағдарилди. Бикажон иргиб туриб унинг елкасига аста қоқаркан, эркековчи овозда: «Ухла, кўзи ботир, ухлий-вер», деди. Сўнг устига адёлни тортиб, жойига ўтирди.

— Кун бўйи ухламади,— деди Асқарга қараб.— Тонгда йўлга чиққанмиз.

— Тўнғичингизми?— деб сўради Асқар.— Оти нима?

— Матрасул, Тўнғичимиз ҳам, кенжа-тойимиз ҳам шу. Ўзи биргина.

— Дарровдан-а?.. Комхознинг квартирасида яшайсизлар, шекилли?

Бикажон унинг нимага ишора қилаётганини пайқаб, хомуш бош чайқади:

— Йўқ, унинг учун эмас,— деди ҳасратли товушда.— Ўзимизнинг боғу чорвоқли ҳовлимиз бор. Утган йили Матрасулнинг дадаси қамалиб қолган эдилар. Йина икки йилча бор. Ҳозир эркинликка чиқиб, Тошкентдаги қурилишларда ишлаб юрибдилар. Кўргани бораётирмиз.

Асқар Бикажоннинг қисмати ўзиникидан баттарлигини билиб, кўнгли эзилди. Бир нафасдан сўнг ачиниш билан сўради:

— Бирон оғирроқ жиноят қилиб қўйганмиди?

— Э-э!— деди хўрсиниб Бикажон.— Емаган барагига пул тўлаб ўтирибди шўрлик. Колхозда бош агроном эди. Уйинг куйгур раис ўзининг нафсини кўзлаб кўп кишини хароб қилиб юборди. Охири ўзи-ям гетди.

— Сизга ҳам қийин экан, Бикажон. Кечирасиз, ман...

— Қийин бўлсаям озамзод чидар экан, Асқар. Бундан баттаригаям чидадим. Йина яхши кунлар калишига ишонаман. Сиз ҳам ишонинг, Асқар. Бундай беҳуда қисиниб юрганингиздан ҳеч кимга фойда йўқ.

Асқар унинг сўзларидаги меҳрибонликни ҳам, айна чоғда пинҳоний таънани ҳам илғаб, негадир Зулайхони ўйлади. Юраги сиқилди. Дераза оша ташқарига тикилди. Узоқларда ғужғон ўйнаётган чироқлар ёғдуси ёлғирда ҳарир пардадек титраб, жимирлашиб кўринади. Дераза ойнаси жиққа ҳўл.

— Асқар ишонасизми, шу учрашувни кўп ўйлардим,— деди Бикажон дафъатан.— Бир учрашак, деб юрардим.

— О-о, ман-чи, ман!— дея хитоб қилди Асқар.— Ман сиздан ҳам кўп ўйлардим. Сиздан лоқаъл узр сўраб, кўнглимдаги хижилликлар, ғашликлардан қутулишни ўйлардим.

— Қаранг, мана, учрашдик ҳам.— Бика-

жон маъюсина жилмайиб, бош силкиди.— Қутулдингизми энди?

— Ҳа, энди... («О-о, Бикажон, бундан қутулиб бўлармиди!..»)

— Ҳали ҳаммасидан қутулиб гетасиз.

Деразадан ичкарига ойдин ёғдулар ёпирилди. Поезд бир қалқиб, секинларкан, ташқаридан ғала-ғовур эшитила бошлади. Бикажон муздек ойнага пешонасини босиб:

— Катта станцияга ўхшайди,— деди.

— Навоий бўлиши керак,— деди Асқар.— Ман ҳозир тушиб қоламан.

— Тушиб қоласиз?— Бикажон ялт этиб унга юзланди.— Наҳундир сизни Тошкент бораётирсиз, деб ўйлабман.

— Йўқ, Бикажон. Курсимиздаги Абду-малик ака бор эди-ку, солдат?.. Ушаникига тўйга кетяпман. Ўғлини уйлантиряпти.

— Зўр-ку!

— Ҳа, ўша пайтдаёқ унинг мактабда ўқийдиган болалари бор эди.

— Билмас эканман. Салом айтиб, табриклар кўйинг. Уйингиздагиларгаям салом айтинг.

— Айтаман, айтаман.

Поезд тўхтади. Йўлакда тапур-тапур оёқ товушлари кучайди.

— Тушиб қоласиз-да, энди?

— Сизлар ўтиб кетасизлар,— деди Асқар.— Ўглингизни бир уйғотмадингиз ҳам.— Яқиндагина ухлаган эди ўзи. Тонгда тушамиз.

Асқар плашини олди. Кийди. Болага суқланиб термилди.

— Хайр, Бикажон...

Бикажон ўрнидан турди.

— Яхши боринг, Асқар.

Асқар йўловчилар оралаб тамбурга чиқди. Проводник йигитга дуч келди. Йигит чой дамлаб беролмагани учун узр сўради:

— Сув тамоm бўлиб қолган экан, ома,— деди кўлини кўксига қўйиб.— Айтмоқчи эдим, эсимдан чиқиб кетибди.

— Раҳмат, раҳмат.

Асқар пастга тушди. Бўйнига урилган ёлғир томчиларидан эти жунжикиб, қаршисидан липиллаб ўтаётган вагон деразаларига жавдираб тикилди. Кўзи Унинг кўзига тушиши билан хушҳол кўл силкиди.

Поезд узоқлашиб кетгач, у ғайриодатий куюнчаклик билан орқасига бурилди. Шивалаб ёғаётган ёлғирга ҳам парво қилмай, неон чироқлар шуъласи титраётган кўлмакларни четлаб кета бошлади. У руҳидан кўпдан буён бундай бардамлик сезмаган эди. Атрофига боладек завқланиб аланглади. Кўзига ҳамма нарса яхши... беғубор

кўриниб кетди. Анали, тинмай шовқин-сурон таралаётган бино ҳам, ён-беридан уёқ-буёққа ўтиб бораётган одамлар ҳам, яшил «кўз»лари ёниб турган ҳув таксилар ҳам... Ҳамма-ҳаммаси ажойиб, ҳамма-ҳаммаси қадрдон эди унга.

Ҳозир таксига ўтириб тўйга боради. Тўйчи ошнасини муборакбод этади. Тўйдан сўнг тўғри уйга жўнайди. Зулайҳо!.. Ҳа, тўйдан кейин уйга кетиши керак. Балки таксичига тайинлаб қўяр?.. Ҳа, шундай қилгани дуруст.

□

# Марат ҚОРАБОЕВ



Қорақалпоғистон АССРдан. Унинг шеърй тўпламлари нашр этилган. 1978 йили СССР Езувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди. У ҳозир «Жеткиншек» номили болалар газетасида бўлим мудирй бўлиб ишламоқда.

## КОММУНИСТЛАР

Тарихнинг жанговар, чин ўғлонлари,  
Буюк ҳақиқатнинг илк посбонлари,  
Улуғ замонанинг қаҳрамонлари —  
Коммунистлар.

Доимо ленинча зиё таратган,  
Сув чиқмас чўлларда бўстон яратган,

Илдам одимига олам қаратган —  
Коммунистлар.

Фақат ғалабани асил ёр билган,  
Дунёни ҳамиша бахтга зор билган,  
Софликдан ўзгасин ўзга ор билган —  
Коммунистлар.

## ХАЗОНСИЗ БОҒИНГДА...

Хазонсиз боғингда гуллар барқ урар,  
Мовий осмонингда кушлар чарх урар,  
Чаманингда баҳор ҳиди уфурар,  
Турфа гўзалликка макон овулим.

Уйноқ сойларингда сувлар мавжланар,  
Толзорлар эпкини сўлим авжланар,  
Кўрганнинг қалбида ажиб ўт ёнар,  
Сенсан — тароватли бўстон овулим.

Тонларинг товланар қирмизи рангда,  
Хуш, содда ҳусн бор саҳий далангда,

Фақат меҳнат ишқи — ёшу ялангда,  
Зафарларга ёрсан, деҳқон овулим.

Фасли баҳор эрур гул ёшлик фасли,  
Гулдек камол топдим мен сенда, асли.  
Улуғ боболарнинг биз содиқ насли,  
Иқболиннга садқа минг жон, овулим.

Сен менга онасан, онам дегайман,  
Буюр, фармонингга мен доим шайман.  
Қонда ўт ёнаркан, куйлаб яшайман,  
Ишқинг юрагимда дoston, овулим.

## ОЛИСЛАРГА КЎЗ ТУТАР...

Олисларга кўз тутар  
Ёлғиз чўққи мунғайиб.  
Бир тун кўниб булутлар,  
Бўлгандилар сўнг ғойиб.

Сайёҳ булут ўша тун  
Чақмоғини ҳам чақди.  
Дардини сўйлаб бутун,  
Кўзларидан ёш оқди.

Бир тун кўноқ бўлди у  
Ва тугади бу висол.  
Тоғ қалбин ром этди-ю,  
Жўнади ўзи беҳол.

Жўнаб кетди қайгадир,  
Қайғусини қолдириб.  
Ёлғиз чўққини оғир —  
Хаёлларга толдириб...

## ОРОЛ ПАРИСИ

Қирғоқлари майса кўм-кўк,  
Хуш маскандир илҳомга.  
Сарин оқшом.

Гулгун шафақ —  
Олов сочар уммонга.  
Бу зангори оғуш узра  
Мафтун боқиб қолганча,  
Бир қиз турар  
шўх елларга  
Сочларини ёйганча.  
Дилин армон ёқмас унинг,  
Толмаган ғам-хаёлга.  
Чексиз-чексиз шодлигини  
Сочар сархуш шамолга...

Лол қолдирар бу манзара  
Ажиб оқшом палласи.  
Мавжлар узра қанот ёзар  
Оқ чорлоқлар галаси.  
Куннинг сўнги шуълалари  
Денгиз узра сепар зар;

Жунжиктира бошлар танни  
Муздек биллур томчилар.  
Аммо қизнинг юрагида  
Беҳудуд завқ жўш урар  
Ва нозланиб, эркаланган  
Тўлқинларга тўш урар...  
Тинсиз уммон,

Мунис Орол,  
Қирғоқларинг сўлими, шан.  
Бу илоҳий лавҳани мен  
Тўқимадим хаёлдан.  
Шом пардасин энди-энди  
Ёпинганда дала-қир,  
Қирғоғингга ял-ял ёниб  
Балиқчи қиз чиқмишдир...

Не завқ туйдим —  
бир кун дилдан  
Учирарман барисин.  
Аммо зинҳор унутмасман  
Уша Орол парисин...

### УНУТМАДИМ, УНУТДИМ...

Уққанларим мен қанчалар ёд тутмай,  
Ёшлигимдан бир хислатни касб этдим.  
Ҳисоб илмин ҳадисини унутмай,  
Ифодаю таърифларин унутдим.

Гуллар тердим ахтармай тоғ лоласин,  
Эзгу орзу йўлларидан шан ўтдим.  
Унутмадим булбулларнинг нағмасин,  
Булбул наво қилган боғни унутдим.

Мен бахтимни чин меҳнатда англадим,  
Уни бардош эҳсон этур деб кутдим.  
Унутмадим азиз висол онларин,  
Кутиб тонглар оттирганим унутдим.

Дунё-ку бу — турфа оқар дарёдай:  
Иборат у ҳам сурон, ҳам сукутдин.  
Кимдан қарздор эканлигим унутмай,  
Кимларга қарз берганлигим унутдим.

Имконича эзгу этдим ҳар дамни,  
Дўстлар кўлини мен доимо чин тутдим.  
Унутмадим ғам чекканин онамнинг,  
Ғамли ўтган йилларимни унутдим.

Тақдир деди:  
— Ўзинг ярат бахтингни...  
Шу дамгача гоҳ ютқаздим, гоҳ ютдим...  
Унутмадим лекин қодир аҳдимни,  
Умр елдек ўтарлигин унутдим.

Қорақалпоқчадан таржима.

# Файзи ХАЙДАРОВ



Самарқанд областада 1944 йили туғилган. Тошкент Давлат педагогика институтини тугатгандан буён Ургут районидаги «Октябрь» алангаси» газетасида ишлаб келади.

Шеърлари билан республика ва область газеталарида тез-тез кўриниб туради.

## ЛОЛА

Сен бир лола баланд қоя учида,  
Ҳали яхши-ёмон кўзлар тушмаган.  
Бўлсанг ҳамки танҳо сулув дунёда,  
Булутлардан ўзга ҳеч ким қучмаган.

Сен бир лола баланд қоя учида,  
Қўлларимни узатсам ҳам етмайди.

Олиб кирдинг юрагимга бир туйғу,  
Юрагимдан бу туйғу ҳеч кетмайди.

Сен бир лола баланд қоя учида,  
Мовий кенглик сенга очмишдир

Юксакликка талпинаман сен учун,  
Юксакликдан бахтим излайман бу  
чоқ.

## ҚИШ

Оппоқ жавоҳирли сандиқ очилар,  
Очилар самонинг оппоқ бисоти.  
Оқарган қорми ё ўйнаб сочилар —  
Оппоқ капалакнинг оппоқ қаноти.

Оҳиста силкийди

булут этагин,

Оппоқ қўшиқ бўлиб осмон ёғилар.

Олам тинглаётир қишнинг эртагин.

Гўё қордек оппоқ армон ёғилар.

Нафис оқ дуррасин танғиб олар тоғ,  
Қишнинг бор чиройи очилиб кетар.

Беминнат тўшақда мудрар дала, боғ...  
Ҳисларим қор каби сочилиб кетар.

Сукунат ичида оқарар осмон,  
Сукунат ичида оқарар замин,  
Кафтимга кўнган, бу — қорми ё дармон,  
Қиш бугун нуроний, қиш бугун вазмин.

Оппоқ жавоҳирли сандиқ очилар,  
Очилар самонинг оппоқ бисоти,  
Оқарган қорми ё ўйнаб сочилар —  
Оппоқ капалакнинг оппоқ қаноти...

## ТОНГНИ ҚАРШИЛАБ

Тун билан судралиб чиқаман кирга,  
Кумуш ой висолга тутайди этак.  
Фақат хаёлимда иккимиз бирга,  
Аслида висолдан бўлмайди дарак.

Мени тинмай чорлар, комига тортар  
Дилгир сукунатнинг совуқ кучоғи.  
Куттишдан соғинчим, дардларим ортар,  
Мен каби куймоқда ойнанинг ўроғи...

Мажнун юрагидир юрагим бугун,  
Сенинг дудоғинг ҳам Лайли дудоғи...  
Олисдан ой бўлиб боқасан беун,  
Бошимда чархланар ҳижрон яроғи.

Сархуш ўпганларим сочингмас, эркам,  
Қора туннинг узун қора зулфлари.  
Сен қачон қаршимда балқийсан ўктам,  
Унсиз очилмоқда кўнгил қулфлари...

Менчалик куйларми интизор булбул,  
Менчалик куйарми ошиқлар, ахир?!  
Сенсиз йиғлаб ўтар бу шайдо кўнгил,  
Менчалик севганми Зухрасин Тоҳир?!

Оқшом сочин чаяр ойнинг нурида,  
Табиат келиндек сулуводир, кўркам.

Ойнинг қучоғида қирларнинг боши,  
Мен эса оғушга интизор, эркам...

Оҳиста судралиб қайтиб кетар тун,  
Тонг билан қалқади кўзларимда ёш.  
Сен эмас, сен каби қизариб беун,  
Қучоғимга сингиб кетмоқда куёш...

\* \* \*

Бир пайт шу қирларда сурардик чана,  
Баъзан чанғиларда қувнаб учардик.  
Гўё лочинлардек чиқариб қанот,  
Қоялардан қояларга кўчардик.

Секин бош кўтарди қалба туйғулар,  
Жўшқин болаликнинг шамоли тинди.  
Кўнгил ҳануз истар бирга қувнамоқ,  
Лекин кўзларингдан кўрқаман энди.

□

# Муҳаббат ҲАМИДОВА



Тошкентда туғилган. 1977 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатди. Унинг дастлабки шеърлари «Ленин учқуни» газетаси, «Гулхан» журналларида ёритилган.

## ДЕҲҚОН БАҲОРИ

Тўрғай қанотида елади баҳор,  
Турналар кўшини солар арғимчоқ,  
Баҳорни шарафлаб шовуллар анҳор,  
Чавандозин чорлаб кишнар арғумоқ,  
Қушлар чарх уради нотинч самода,  
Булутлар тўпини ёргудай бўлиб.  
Қизлар хушҳол бўлиб жўшқин наводан  
Наврўзи оламини куйлайди тўлиб.  
Болари учади бодомзор сари,

Лола чехрасида сирли табассум.  
Сабо ҳам эркалаб эсади майин,  
Бинафша нигоҳи гўдакдай маъсум.  
Баҳор ўлкамизга келтирар байрам,  
Меҳнат, бахт-саодат, ҳаёт сеҳрини.  
Деҳқоннинг қалбидан ўғирлаб ором,  
Далага сочади сўнгсиз меҳрини.  
Тўрғай қанотида елади баҳор...

## ҚУШИҚ

Бир кўшиқ куйлайман,  
Гўдакларга хос.  
Унинг кулгусидай беғубор, қувноқ,  
У тасаввур қилган дунёдай тиниқ,  
Одамларин эса қалби пок ва оқ.

Бир кўшиқ куйлайман,  
Бургут парвози —  
Матонат, шижоат, алп шиддат билан,  
Уммон, қитъаларда янграг овозим,  
Олам қулоқ тутгай муҳаббат билан.

Бир кўшиқ куйлайман,  
Алладай ширин.  
Найнинг навосидай сержило, вазмин.  
Куйига ошифта мунаввар замин,  
Ҳаёт нашидаси унда яширин.

Бир кўшиқ куйлайман,  
Ватаним меҳри  
Мисоли дилимдан қайнаган булоқ.  
Қанча куйласам ҳам тугамас мадҳи,  
Бизни саодатга бошловчи чирок.

## ОҚҚУШЛАРГА

Оққушлар, оппоқ қушлар,  
Кўнглим сизларни хушлар.  
Мен сизни кўрмаганман,  
Завқингиз сурмаганман.  
О, лекин маъсум қалбим  
Сиз билан мудом бирга.  
Сизни кўриш орзуси  
Тинчлик бермайди дилга.  
Денгиз узра рақсингиз —  
Кўрсам, дея ўйлайман.  
Рақсингиз жозибасин  
Кўшиғимда куйлайман.

Мовий денгиз бўйида  
Турсам-да, узоқ-узоқ,  
Оққушларнинг кўшиғи  
Мендан юксақда, йироқ,  
Оққушлар, оппоқ қушлар,  
Маъшуқа дил орзуси,—  
Қизнинг ширин тушига  
Ҳамроҳликка арзирсиз,  
Мен сизларга талпиниб  
Яшайман ҳамон-ҳамон.  
Нозик қалбимда мудом  
Муҳаббат — оққуш армон.



## Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ

1946 йилда Қашқадарё область, Ульянов районидаги Таллиулғун қишлоғида туғилган. У Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб, ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

### ДЕҲҚОН ҚУШИҒИ

Қуёшга талпиниб яшаймиз,  
Интизор-интизор энтикиб.  
Она ер бағрини пешлаймиз,  
Ҳар қарич тупроққа гул экиб.

Кўшиқлар куйлармиз мардона,  
Ҳар кўклам сочамиз ерга дон.  
Қуёшдир бизларга парвона,  
Унинг-ла умримиз фаровон.

\* \* \*

Элас-элас бир куй келиб урилади кулоққа,  
Тиқиламан, тикиламан ўша таниш сўқмоққа.  
Тўниб турар бутун борлиқ куй танига ёққандай,  
Хотиралар аста келиб дил дарчасин қоққандай.

Ҳануз дилда севги ўти — ўртанаман ҳижронда,  
Оҳ, мен унга етолмадим, қолиб кетдим армонда.  
Элас-элас эшитилар мунгли куйнинг ноласи,  
Қатим-қатим узилгандай гўё юрак толаси.

\* \* \*

Боғ, шоҳсупа... Ёз палласи,  
Она бешик қошида.  
Ором олар дилпораси,  
Ширингина уйқуда.

Атиргулнинг хушбўй ҳиди  
Урилади димоққа.  
Ушар гўё кўк юлдузи  
Она ёққан чироққа.

### ЧОРЛАШ

Водийлар чорлайди мени,  
Чорлайди кенг далалар!  
Қўшиққа тўлдир ерни,  
Ерда унсин лолалар.


Меҳрингни бер шу ерга,  
Эъзозла ҳар қаричин.

Яшнатиб чаманзорга,  
Оқла инсонлик бурчин.

Юрма қурол кўтариб,  
Демасинлар: шум қадам!  
Ер бағрида гул экиб,  
Муносиб ном ол, одам!

□






## БОЛАЛАР АДАБИЁТИ



Бердақ. «Шеърлар».

Рассом И. Циганов.

# Абдусаид КЎЧИМОВ



1951 йили Ургут районидаги «Правда» колхозида туғилган. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатгандан сўнг «Ўқитувчи» нашриётида ишлади. Ҳозир «Ленин учқуни» газетаси редакциясида масъул котиб.

Абдусаиднинг болаларга аталган шеърлари вақтли матбуотда тез-тез чиқиб туради.

## ШАМОЛЖОННИНГ ЖАВОБИ

— Шамолжон, шамол,  
Шошасан қайга?  
Нега турмайсан  
Сира бир жойда?

— Бир жойда турмоқ...  
Бу қандай сўроқ?  
Бир жойда туриб —  
Бўлмайди, ўртоқ!

Мана, аканг Нор  
Уста пахтакор.  
Чигит экканди  
Хув эрта баҳор.

Чигитлар секин  
Чиққанда униб, —  
Қўш япроқчаси  
Мулойим кулиб.

Улар ҳолидан  
Олмайин хабар,  
Ўтираверса  
Бир жойда агар, —

Нима бўларди?  
Нима бўларди —

Нима бўлишин  
Ҳамма биларди.

Нега тоғангни  
Сийлар ёш-қари?  
Довруғи кетган  
Тоғлардан нари.

Чунки тоғанг ҳам  
Тиним билмас ҳеч.  
Бор кучин боққа  
Сарфлар эрта-кеч.

Ёки геолог —  
Опанг Шоҳсанам  
Ўқиш, излашдан  
Тўхтаса бир дам,

Ер сандиқлари  
Очилармиди?  
Элга бойлиги  
Сочилармиди?

Йўқ, йўқ!  
Шу сабаб,

Бир жойда узок  
Тўхтаб бўлмайди,  
Қадрдон ўртоқ!..

## ЭРКАТОЙНИНГ ШИКОЯТИ

Яқингача «эрка», «полвон»  
Деган номим бор эди,  
Яқингача қувонч, шодлик  
Бари менга ёр эди.  
Иш қилмасдим уйда сира,  
Ўйнар эдим фақат тўп.

Нима десам уйдагилар  
Дейшарди: «Бўпти, хўп...»  
Ойижоним туфлигимни  
Доим мойлаб қўярди,  
Бувижоним папкам артиб,  
Эркаларди, суярди.

Акажоним дўппим қоқиб,  
Силар эди бошимни.  
Опажоним дастурхонга  
Келтирарди ошимни.  
Синфда ҳам ҳамма бола  
Кирар эди сўзимга.  
Хатто кўплар кўрққанидан.  
Боқолмасди юзимга.  
Чунки, рости, жуда-жуда  
Хуш кўраман жанжални.  
Хув бир сафар бопловдим-да,  
Синфбоши Санжарни.  
Санжар ўзи нимжонроғу,—  
Калласи зўр ишлайди,—  
Ҳар қандайин масалани  
Дарров ечиб ташлайди.  
Шунинг учун вазифамни  
Ишлатардим Санжарга.  
Ўша куни гапга кирмай  
Сабаб бўлди жанжалга.  
Уй ишини менга эмас,  
Кўчиртирди Набига.  
Жаҳлим чиқиб боплаб солдим  
Қулоғининг тагига.


Шундан буён нима десам  
Айтганимни қиларди,  
Йиқил десам, йиқиларди,  
Кулгин десам, куларди.  
Шундан буён вазифаю  
Дарсдан кўнглим тўқ эди,  
Шундан буён ўйнамоқдан —  
Бошқа ишим йўқ эди.  
Лекин тунов... синфдошлар  
Гапни қўйиб бир жойга,  
Роса боплаб ўч олишди,  
Ҳарёғим булғаб лойга.  
Шунча таёқ еганим ҳам  
Гўё ҳали камдайин —  
Муаллимга чақишибди,  
Яна улар атайин.  
Муаллим ҳам қойий қолмай,  
Чақиртириб отамни,  
Хафа бўлиб айтиб берди  
Қанча-қанча хатомни.  
Чек қўйилди шундан кейин  
Эркалигу зўрликка.  
Энди қандай дош бераман,  
Бунақанги «хўрликка»?..



---

# Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ

---



1954 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Сузоқ қишлоғида туғилган. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаб, ҳозир «Ленин учқуни» редакциясида ишламоқда.

---

## РАҲМАТ, БОБОЖОН!

Кичик укам Норқўзи,  
Сираям қилмайди дарс.  
Эртаю кеч тўп тепар,  
Тартибсиз, ўқиши паст.

Ўйлай-ўйлай охири  
Келдим ушбу қарорга:  
Ленин бобом расмини  
Илиб қўйдим деворга.

Сўнгра дедим:— Бундан сўнг  
Ўқишингдан, Норқўзи,  
Хабардор бўлиб турар  
Шахсан бобомнинг ўзи.

Норқўзи кўз остидан  
Суратга солди разм.  
«Ҳа, ҳа, тўғри» дегандай  
Қулиб турарди расм.

Ишонасизми, дўстлар,  
Уша кундан бошлабоқ —

Тартибсиз укам бирдан  
Ўзгарди-қолди мутлоқ.

Энди ўқишдан қолмас,  
Ўз вақтида қилар дарс.  
Бобосидан сўрайди  
Ўйнаб келгали бирпас.

Ютуқлари ҳақида  
Сўзлар мактабдан келиб.  
Мамнун боқар бобоси  
«Балли» дегандай кулиб.

Бир кун дейди:— Акажон,  
Қилдингизми ҳеч диққат:  
Хонага кирсам, бобом —  
Менга қарайди фақат.

Бу кун укам аълочи,  
Ўқиши, ҳулқи аъло.  
Уни тузатиб берган  
Минг раҳмат сизга, бобо!

## ЧАНОҚВОЙ

Чаноқ беш бармоғида  
Пахтани ушлаб турар.  
Терувчини баҳолаб,  
Кўнглини хушлаб турар.

Бир тола ҳам қолдирмай  
Тоза терсанг қанча сен,—  
«Аъло» қўйдим дегандай  
Кўрсатар беш панжасин.

## ҚУЛОҒИМ ОҒИР

— Сув келтиргин, ҳой Носир,  
Бўшаб қолибди пақир.  
— Бир нарса дедингизми?  
Қулоғим бир оз оғир.

— Кеч бўлди, дарсларингни  
Тайёрласанг-чи, ахир!  
— Бир нарса дедингизми,  
Қулоғим бир оз оғир.


— Совуб қолмасин ошинг,  
Овқатга кел, ҳой Носир.  
— Овқатга дедингизми,  
Ҳозир бораман, ҳозир!

## ГУЛЛАР ҒАМХҶРИ


Асалари гулларга —  
Қўнса, синглим Гулнора  
Ариларни гуллардан  
Қувиш билан овора.

Қувма, десам, арини,  
Кўзига ёш олади.  
— Гулимни чақиб олса,  
Ахир сўлиб қолади.





## ФАНТАСТИКА



Х. Шарипов. «Ильични ўйлайман».

Рассом И. Кириакиди.



# Қудрат ДҮСТМУҲАМЕДОВ



1941 йили Тошкентда туғилган. Тошкент Политехника институтини 1963 йили битириб, заводда ишлади. У 1965 йилдан республика Фанлар Академиясининг кубернетика институтида илмий иш олиб бориб, 1969 йилда иқтисод фанлари бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир автомобиль транспорти ва йўллари институтида дарс беради, доцент.

## ҚУЁШ ФАРЗАНДИ

### Фантастик ҳикоя

Катта майдонга ҳамма йиғилган, бошқа қишлоқ-шаҳарларидан, ҳатто ўзга юртлардан келганлар ҳам бор. Бу кунга йўлжалланган тадбир ҳақида кўпдан бери гап боради, дунёда эшитмаган, қизиқиб кузатмаган кимса қолмади. Майдонда тангадек бўш жой йўқ, ким қаердан кузатиш мумкин бўлса, ўша ерда ўтириб олган, дарахларнинг усти, уйларнинг томи лиқ тўла! Уртада каттақон ёғоч сула мамлакатнинг казо-казолари виқор билан ўтиришибди, унинг шундоқ ёнида, пастда ерга қадалган йўғон хариға «Х» («Х» — фантастик исм) занжирлаб ташланган. Наридан бери тутилган чойшаб остидан унинг ориқ бадани билинаб турар, соч-соқоли ўсиб, девонага ўхшаб қолган, бироқ ичига тушиб кетган кўзларидан ўт чақнаб курсида ўтирганларни, оғзидан кўпик сачратиб бақираётганларни нафрат билан кузатар эди. Сула ва дор атрофида совут кийган, найза, қалқон ушлаган навкарлар тош девор бўлиб туришипти. Жаллодлар ҳам шу ерда, кўлларида ойболта йўқ, аммо юзларида ниқоб. Машҳур «Х»ни тириклайин ўтда ёндиришадия ниқоб киймайдиларми? Навкарлар ортида турган халойиқ кутурган, қани энди қўйиб берсалар ўтин ёнишини кутиб ўтирмай, «Х»ни бурда-бурда қилсалар! Қани энди иложи бўлса «Х»ни кутқариб юз-кўзларидан ўпиб юлатсам, деганлар ҳам бор, аммо улар навкарларни ёриб ўтишга ботинолмайдилар. Ахир

улар жуда озчилик, ҳаммалари бирданига ўлиб кетишга ҳақлари йўқ, устоз ишини давом эттиришлари, авлоддан-авлодга етказишлари керак.

Бош қози ўрнидан туриб, қўлидаги қоғозни ёйганида, майдон сув қўйгандек жим бўлиб қолди. У айбномани ўқиб, ҳукми эълон қилганида майдон яна жонланди:

- Улим! Улим!
- Бединга ўлим!
- Шафқат йўқ!

Фақат бир неча овоз: «Кечир устоз! Бечора устоз, дунёга бевақт келибмиз», деб пичирлар, кўз ёши тўкарди. Бош қози қўлини кўтариб тинчланишга ундади, кейин «Х»га қарата, ҳамма эшитадиган қилиб мурожаат қилди:

— Эй, гумроҳ! Динга шак келтириб, ўзингга ўлим тилаб олдинг. Оллоҳнинг марҳамати кенг, тавба қилган бандасининг бошини силайди, гуноҳини кечади. Сенга охириги марта имкон бераман, тавба қил!

— Тавба қил! — жўр бўлди майдон.

— Йўқ! — янгради хитоб. — Мен ўлиб кетаман, бир кун келиб сизлар тавба қиласизлар! Мен фикримдан қайтмайман, яна ва яна қайтараман: оламнинг маркази Қуёш, ҳамма сайёралар унинг атрофида айланиб юради, ўзга сайёраларда ҳам биз каби онгли зотлар борлигига ишончим комил!

Бунчалик журъатдан ҳамма «их-х!» деганча оғзини очиб ҳайратда қолди, олайиб

кетган кўзларда ярақлаган Қуёш акси «Х»нинг назарида унинг гапларини маъқуллагандек бўлди.

— Кофир!

— Улим!

— Ёқилсин!— буйруқ берди Бош қози.

Дафъатан шундоқина майдон устидан нимадир қарсиллаб кетди. Бундай товушни шу пайтгача ҳеч ким эшитмаган, ҳатто Бош қози, мамлакатнинг қазо-қазолари, жаллодлари ҳам анграйиб қолди, «Х» ҳам табиатнинг бундай ҳодисасини биринчи бор кўриб туриши эди. Осмондан нимадир ўт пуркаб, шиддат билан майдон томон тушиб келарди. Ҳамма саросимага тушиб қолди, қий-чув, тўс-тўполон кўтарилиб, ҳамма қоча бошлади. Бири йиқилган, бири сурилган, аямай-нетмай босиб-янчиб кетишган. Бир зумда курсиларда савлат тўкиб ўтирганлар ҳам тумтарақай бўлишди, жаллодлар ўз вазифасини адо этишдан кўра жон сақлаб қолишни афзал кўришди, тошдевор бўлиб турган навкарлар кесакдек уваланиб кетишди. Осмондан тушаётган даҳшат ўтли тили пасайиб, нақ супанинг устига гурсиллаб тушганида «Х»дан бошқа тикка қолган зот йўқ эди.

Дум-думалоқ буюм иккига ажралиб, ичидан ажабтовур нарса сузиб чиқди, супа четига келиб тўхтади. Унинг ялтироқ сиртида Қуёш нури акс этиб, «Х»нинг кўзларини қамаштириб юборди, гўё унга «кўрқма, мен борман!» дегандек, бўлди. Унинг бир нечта кўзи, ғалати қўл-оёқлари бор, ҳаммасини олдинма-кейин қимирлатиб, аста ғириллаган товуш билан супа четига айланди. Шиша кўзларидан бири чўзилиб чиқди-да, «Х»га қараб бир дақиқа туриб қолди. «Х» ҳам бундай мавжудотни биринчи кўриб туриши, ҳайрон қолганидан қўл-оёқлари занжирдан бўшаганини сезмади, меҳрибон кўллар уни авайлаб пастга туширишди. Икки нафар шогирд устозни бағрига босди, кўтариб олиб майдонни тарк этишга шайланишди.

— Тўхтанлар!— деди устоз. Шогирдлар уни оёққа қўйишди.— Мен ўлимга маҳкум этилганман, бари бир ўламан. Сизлар жойингиздан қимирламанг, мен анави мўъжизани кўриб олай.

Шундай деб «Х» ниҳолдек бўлиб қолган гавдасини аста чайқалтириб, супа томон кетди, шогирдлар ноилож қолишди. Бу вақт мўъжиза бир ерда тўхтаб аллақандай ҳаракатлар қиларди. Унинг онгли зот эмаслигига «Х»нинг ақли етди, бироқ етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бундай нарсани. Ён томонидаги ғалати одам шакли ва «СССР» деган номаълум белгилар устозни ўйлантириб қўйди.

— Қаранг устоз, одам шакли!— деди шогирдлардан бири.

Иккала шогирд устоз ёнига келиб мўъжизани томоша қилиб туришарди.

— Нимаси биландир бизга ўхшайди, қандайдир ёзувлари бор,— деди бояги шогирд.

— Ҳа, бошқача одам, бошқача ёзувлар.— Бунақаси тарихда бўлмаган,— деди устоз ўйчан.

— Вақт ғаниматда тезроқ кетайлик,— деди иккинчи шогирд.

«Х» бирдан ўзига келиб:

— Йўқ! Бу мўъжизани менга, гапларимнинг исботи учун Қуёшнинг ўзи юборди. Энди бизга навбат! Навбат!— деди.

Унинг нимжон қўл-оёқларида қаёқдандир куч пайдо бўлди, сакраб супа устига чиқиб олди, икки қўлини осмонга чўзиб товуши борича қочишга улгурмай, атрофда писиб ётганларни чақирди:

— Ҳо-ҳо-ҳо-о-о-о-о-о!

Боягина «Х»га ўлим тилаб оғиз кўпиртираётганлар кўрқа-писа супа ёнига кела бошладилар.

Қуёш ўлим чангалидан қутулиб қолган фарзандини авайлаб эркалаётгандек жилва қилар, унинг ёқимли нур таратаётганини одамлар эндигина сеза бошлаган эдилар.

## ФАНТАСТИКА ВА ФАЛСАФА

### ЭТЮДЛАР

\* \* \*

Қуш боласи онасини кўрганида қанотини қоқиб қарши олади— келаётган таом учун хурсанд бўлади...

Қарсақ чалаётган одам қанот қоқаётган қуш боласига ўхшайди. Юраги қувончни ўзига сигдиролмаганда қўллар беҳтиёр ҳаракатга келади, демак қўллар— одамнинг қаноти.

\* \* \*

Тўйда хизмат қилиб юрганларга четдан туриб қаралса, уларнинг чумолиларга ўхшаб кетишини сезиш қийин эмас: одамлар уёққа югуради, буюққа югуради — бири бири билан тўқнашиб, имлашиб, гоҳида туртинишиб, гоҳида бир дақиқага тўхташиб...

Наҳотки чумолиларда доим тўй бўлиб турса?

\* \* \*

Инсон яшаб турган шароитга сиғмай қолади. Чақалоқ она қорнига сиғмай, ёруғ дунёга келади, бешикка тушади, бешиқдан тушади. Она кучоғидек келадиган ерда қадам ташлай бошлайди. Оҳ, нақадар кенг бу дунё! Тез орада бола она қўллари суриб ташлаб: «Менга халал берманг!» дегандек ҳар томонга интилади, ўз дунёсини кенгайтира бошлайди. Уй ичида эмակлаб юришни ўрганади, оёққа туради (одамзод оёққа туриш учун миллион йил сарфлаган экан, чақалоқ эса — бир йилда уддалайди!). Эшикка интилади, очмоқчи бўлади. Кучи етмаса ҳам шаштидан қайтмайди, тармашаверади, ахир бир кун оча оладиган бўлади. Ана, у остона хатлади, энди унинг дунёси анча кенгайди: ҳовли, ер, осмон, дарахтлар... Ана, у бемалол атак-чечак қилиб юрипти. Ҳамма нарсани қўли билан ушлаб кўришга, мазасини та-тишга, мағзини чақишга интилади. Сақла-ниб қолиш инстинкти ўз кучини кўрсатса керак, қўлига тушган нарсани авваламбор оғзига олиб боради.

Қарабсизки, зўрғагина юрган болага кўча эшиги жуда ёқиб қолипти, чунки, ундан нарида яна ҳам кенгроқ дунё бор экан: кўни-кўшни болалар, одамлар, машиналар, жониворлар, турли ажойиботлар. Боғча, мактаб, ўқув юртлари, завод

фабрикалар. Шаҳар, шаҳарлар, мамлакат, мамлакатлар!.. Тезлик, тезланишлар!.. Ер қурраси! Эҳ, қандай тор бу дунё! Космос, сайёралар, юлдузлар!..

\* \* \*

— Қизим, мана сенга ош пишираёпман, ейсанми?

— Ҳа.

— Энди сен менга қачон ош пишириб берасан?

— Мен... мен катта дада бўлганимда, сиз... сиз... кичкина қиз бўлганизда, ўшанда, сизга... сизга ош пишириб бераман.

\* \* \*

Одам қушдек эркин бўлишни, қўллари-ни қанотдек қоқиб парвоз қилишни истади. Варракни кашф қилди. Унинг шамолда юксақларга кўтарилганидан рашқи келиб, аэроплани ихтиро этди. Қуш ҳам, варрак ҳам чиқолмаган тепаликларга чиқди. Самолётни яратди, товушдан тез учишни ўрганди. Космик кемаларда Ер измидан чиқиб, ўзга сайёраларга бориб келди, бироқ қушдек эркин бўлиш орзуси уни тарк этмади. Энди у ўзига қанот ясаб олиб, тоғлардан пастга сакради, ўзини бирмунча қушдек сеза бошлади, бари бир қушдек бўлолганича йўқ...

Одам қўллари-ни қанот каби қоқиб учмагунча кўнгли тинчимаса керак! Эҳтимол ҳозирги қушлар ана шу йўл билан онгли зотлардан бунёд бўлгандир!!

## КОСМИК КЕМА

Бундай улкан кемани инсоният тарихида яратмаган. Жамики кемаларни, у хоҳ денгизда сузадиган бўлсин, хоҳ фазода учадиган бўлсин, йиғиштириб келганда унинг ўндан бирича ҳам бўлолмайди. У жуда кўп космонавтларга ва узоқ муддат учишга мўлжалланган. Шунчалик узоқки, қачон тугагини айтиб бўлмайди, эҳтимол бу учиш мутлақо тугамас? Шу сабабли космонавтлар бунда оила қуришлари, фарзанд кўришлари мумкин, вақти-соати етиб кўз юмсалар, бошланган ишни фарзандлар давом эттиришади. Вафот этганларни миллий урф-одатларига кўра шу кеманинг ўзидаёқ дафн қилинади. Ҳа-ҳа, кеманинг ўзида! Илгари узоқ муддатга учадиган биронта кемада шундай қилинмаган, чунки жой масаласи муаммо бўлиб келган. Бу кеманинг улканлигини шундан билса ҳам бўлади.

Одамларнинг ҳаёти учун нимаики керак бўлса, кеманинг ўзида бор. Озиқ-овқат, сув, ҳаво... булар беҳисоб, тугамайди.

Ифлосликлар автоматик ҳолда тозаланади, чиқиндилар турли йўллар билан йўқотилади, бошқа мақсадларда ишлатилади. Албатта, бундай катта кеманинг космосда учиб юришининг ўзи бўлмайди. Мислсиз катта қувват манбаи керак. Бундай нарсадан унда иккита. Бири — ички бўлиб, унинг энг марказига, ҳеч кимнинг қўли етмайдиган қилиб жойлаштирилган. Иккинчи манба — Қуёш. Унинг қуввати чексиз, космик кема қаерга бормасин, ундан қувват олади.

Бу кемани бошқариш автоматларга топширилган. Автоматларнинг ўзи Қуёшга қараб кема йўлини созлайди.

Космонавтларга космосни, сайёралар ва юлдузларни ўрганиб, ёзиб бориш вазифаси юкланган. Кеманинг ўзини ҳам ўрганиб бориш улар зиммасида. Унинг автоматлар бошқаришидан қатъи назар ҳар бир янги тўғилган инсон ҳақиқий космонавт бўлиши учун аввало кемани билиши керак. Бу эса осон иш эмас, ҳатто ман-ман деган космонавтлар ҳам уни ипидан-игнасиғача би-

лишмайди, ҳар ким ҳар хил қисми бўйича мутахассис.


Кеманинг имкониятлари беқиёс деб, ўз ҳолига ташлаб қўйишмайди, турли майда-чуйда созлаш ишлари космонавтлар бўйнида. Масалан, кеманинг бирон ери тешилиб қолиши бор, унда метеоритлар ёмғири, космик радиация одамларни ҳалок этади. Ёки кема ичидаги ҳаво бузилаверса-бузилаверса, моддалар алмашинувга путур етиб одамлар заҳарланиб ё бўғилиб қолиши мумкин.

Бу улкан кема космосдаги турли тасодифларга, беаёв синовларга мўлжалланган, атрофида кучли ҳимоя майдони бор. Денгиздаги катта-катта кемалар қайиқчилар ва шлюпкалар билан таъминланганидек, бу

кема ҳам очиқ космосга чиқиб кичик изланишлар ўтказиш мақсадида майда кемалар билан жиҳозланган.

Одатда кемаларга ном қўйилади. Денгизда сузадиганларининг кўпчилиги атоқли кишилар номида. Биринчи космик кема «Восток» деб аталганди, ундан кейин «Салют», «Союз», «Аполлон», «Прогресс»лар пайдо бўлди. Номлар кемаларнинг бортига ёзиб қўйиларди, чунки илгарилари «сеники, меники» деган иборалар бор эди. Энди бўлса, у гаплар қолиб кетган, улкан кема умумий, жамики одамзодники, шунинг учун бортига ёзиб қўйишга зарурат йўқ. Фақат китобларга ёзишади, оғзаки тилга олишади, бор-йўғи иккита ҳарф ишлатишади. Унинг номи — Ер!





## ОЧЕРК



М. Шайхзода «Танланган асарлар».

Рассом Г. Жирнов,

# Тўхтамурод ТОШЕВ



1952 йилда Тошкентда туғилган. У ҳикоя ва очерк-лари билан республика матбуотида мунтазам қатнашиб туради.

Ҳозир «Тошкент оқшоми» газетаси редакциясида ишламоқда.

## ҚАСРДА МАНГУ ҚУШИҚ

Баҳор чоғи Чирчиқ тўлиб-тошиб оқади. Шўх тўлқинлар ҳузурбахш оромгоҳларга айланган соҳил ва қирғоқларга бесабр урилади. Уфққа туташ салобатли тоғлардан бошланувчи дарё кенгликда ястаниб, қуёш нурида жилваланади. Бундай пайтларда у худди кенг ойнаванд йўлни эслатади. Айниқса, Чирчиқни «Хон» ва «Хоним» деб аталмиш баланд тепаликлардан туриб кузатиш жуда ҳам мароқли...

Дарвоқе, ана шу тепаликларни қадим замонда Шош ҳокими қурдирган экан. Оралиғи минг газ бўлган бу икки тепаликнинг ичи муҳташам сарой экан. «Хон» ва «Хоним»ни бир-бири билан ғиштбанд ер ости йўли туташтираркан...

Тошкент солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган ўша 1977 йил 6 ноябрь куни Тошкент ер ости қасрида туриб, бундан айтиб берган ана шу ҳикояни беихтиёр эсладим. Болаликда ана шу тепаликларни гир айланиб, ичига киришнинг иложини қилолмасдик. Бугун эса ўша эртакларда тасвирланган, балки ундан ҳам муҳташам қаср ичида турибман. Улуғ доҳийнинг мўътабар номи билан аталган бу бекалга улкан осма қандиллар нурафшонлик бахш этиб турибди. Йўловчилар оёқларининг остига ялтироқ гранитлар гиламдек тўшалган. Деворларни Ғозгон, Нурота мрамрлари безаб турибди. Қандиллар ёғдусида бу тошлар камалак тусда товланади. Тўққиз қаср ана шундай бир-биридан гўзал, муҳташам. Совет метрочилигининг сўнгги ютуқлари асосида яратилган. Шоир айтганидай:

**«Она тупроқ сийнасида тўққиз кошона —  
Меҳнат эли барпо этган тўққиз афсона.**

**Жамолига жило берур бахтли замона,  
Қаҳрамонлар қароргоҳи Тошкент метроси,  
Шон-шўҳратларнинг гувоҳи Тошкент  
метроси.**

Назаримда, бу сатрлар қўшиқ бўлиб баралла янграётгандай, метронинг очилиш маросимига тўпланган, тер тўкиб тобланган гулгун чехралар қаҳрамонона меҳнатдан сўнг ана шу қўшиқни куйлаётгандай эди...

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттиргач, республика партия ва ҳукумати-нинг эсдалик байроғини «Тошметрострой» трести коллективига топширди... Бу Тошкент тарихига ёзилажак ҳаяжонли ва шу билан бирга олтин дақиқалар эди... Минбарга чиққан нотиқлар тўлиб-тошиб гапиришарди... Айниқса минбарга ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган, кўриниши жиждий, аммо кўзлари доимо кулиб турувчи, метро биринчи поездининг машинисти Лутфулла Исматуллаев кўтарилганда йғилганлар бир тўлқинланиб олишди.

— Ий-е, ўзимизнинг Чимбой маҳаллалик трамвайчи Раҳматулланинг ўғли эмасми,— бизнинг ёнимизда турган киши боихтиёр шундай деб юборди.— Оббо, аламат-ей, ота изидан борибди-да... Буни қаранг, шундай ажойиб машинани биринчи бўлиб бошқарса-я! Ҳавасинг келади, киши...

Ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқа этиб келди. Лутфулла метроли вагон кабинаси-га яқинлашди. Дастлабки фахрли йўловчи-

лар ифтихор билан яшил вагонларни тўлдирди. Репродукторлардан ҳозирда кўпчилик кўникаб қолган, аммо ўшанда ҳаммади ҳаяжонлантирган «Эҳтиёт бўлинглар, эшиклар ёпилади! Навбатдаги—Октябрь революцияси номли бекат!» деган сўзлар янгради. Яшил экспресс пўлат излар бўйлаб елиб кетди...

Шу вазиятда Лутфулланинг аҳволини тасаввур этиш қийин эмасди. У фақат бугунгина поездини бошқараётгани йўқ. Лутфулла юздан ортиқ тенгқури билан Москвада бу касбга олти ой ўқиб келди. Улар практика давомида Москва метроси поездларини бошқаришди; ҳар бири 6—6,5 минг километрдан ер ости йўли босди. Мана бугун у энди чинакам, илк бор мустақил йўлга чиқди. Унинг кўриниши жиддий эди, прожекторнинг ўткир нурлари остида ёришиб бораётган тоннелга—олдинга қараб борарди. Фахрли йўловчилар эса шодликларини яширишолмай, метро ҳақида сўзлашар, бир текис куйлаётган вагон филдиракларининг оҳангини ҳам эйтиборларидан қочиршмас эди...

Шу куни Лутфулладан ортиқ бахтиёр киши йўқ эди дунёда. Ахир, бир пайтлари Москва метроси ҳақида эшитиб ва кейинчалик уни кўриб «ошиқи шайдоси» бўлиб қолганди. Ҳозир эса унинг мурғак қалбида ниш урган орзу қаламчиси кўкка бўй чўзаётгандай, аллақердан унинг қалбига қуёш ҳарорати қуйилиб келаётгандай, бу ҳарорат бутун жисмини алангалатиб, орзу томон чорлаётгандай эди.

Лутфулла ёшлиқдан темир йўл шайдоси эди. Узига ярашган формадаги бу кишиларни кўрса аллақандай ҳаяжонга тушар, гўёки бутун танаси жимирлаб кетарди. Ҳаммасига дадаси Раҳматулла ака сабабчи бўлган эди. У ёш Лутфуллани баъзан Хадрадаги 2-трамвай депосига етаклаб келар, трамвайларни кўрсатиб, унга алланималарнидир тушунтирарди. Зийрак Лутфулла эса ремонт ишларида дадасига кўмаклашарди.

— Дада, мен катта бўлсам, тез учар поездларнинг машинисти бўламан,— дерди кичкина Лутфулла.

— Бир мақсад кетидан қувсанг, албатта, етишсан, ўғлим,— дерди Раҳматулла ака...

Мана, у орзусига эришган, қалби чексиз қувончга тўлган эди. Бугунги илк меҳнат кучоғидан қайтган Лутфулла Анҳор бўйлаб борар экан, олис болалиқни ҳеч хаёлидан қочиролмасди. Хаёллар ана шу бир текис оқаётган Анҳор сувидек қуйилиб келарди.

Лутфулла айрим тенгқурлари каби «ку бўламан, бу бўламан» деб ўзини ҳар та-

рафга урмади. Болалиқдаги бир мақсад, танҳо орзу кетидан қувди.

«Трамвайчи бўласанми, шуям иш бўлди-ю,— деди табиатан мақтанчоқ бўлган Шокир қўлларига аттестат олишганда.— Бир умр қора мойга ботиб юрасан... Ундан кўра «Осилсанг баланд дорга осилиб» бахтингни синаб кўр— институтга топшир...»

Лутфулланинг жаҳли чиқса-да, индамади. Хужжатларини олиб, тўғри Тошкент темир йўл техникумига келди... Тепловоз машинисти деган гувоҳномани қўлига олганида унинг қувончи оламга сиғмасди...

— Мана,— деди у бир куни Шокирни кўриб, қўлидаги гувоҳномасини унга узатаркан,— энди бемалол поездни бошқаришим мумкин. Мени тўқимачилик комбинатининг темирйўл бўлинмасида ишлаш учун юборишди.

— ...

Ўтган уч йил мобайнида бир жойга муқим ўрнашолмай юрган Шокир лом-мим деёлмади. Нима ҳам десин. Икки қуёлни қувиб, ҳеч бирини тутолмаганини айтсинми? Лутфулла унинг аҳволини тушунарди. Шунинг учун унга қурилишга бориб ишлашни дўстона маслаҳат берди...

Тўқимачилик комбинати катта даргоҳ экан. Лутфулла енг шимариб ишга киришиб кетди. У темирйўл бўлинмасида ТГМ-1 маркали тепловозни бошқариб, турли юкларни ташиди. Аввал машинист ёрдамчиси, сўнгра катта машинист бўлиб ишлади. Меҳнатсевар, жонкуяр, тadbиркор комсомол йигит тезда коллектив хурматини қозонди, бир неча бор социалистик мусобақа ғолиби деб топилди. Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Аммо қалбидаги орзуси—тез учар поездларни, айниқса метро поездини бошқариш—истаги уни тинч қўймасди. Ҳатто тушларида пўлат излар бўйлаб поездларни елдек учуриб борар, уйғонгач дилидаги аланга баттар яллиғланарди. «Қани бизнинг Тошкентда ҳам метро қурилганда...» деб орзу қилар эди. Мана, энди бўлса орзусига етадигандай туюляпти. Тошкентда метро қурилармиш, деган гапни эшитиб бутунлай оромини йўқотди. Узини қаерга кўярини билмай қолди. Назариди вақт ўтиб кетаётгандай, ҳеч нарсага улгуролмаётгандай туюлди. Охири чидолмай, дардини ёрдамчиси Алексей Фесичга айтди:

— Метро қурилишига бормоқчиман, нима дейсан!

— Сабр қил,— деди кўп нарсадан хабардор бўлиб юрувчи Фесич.— Метрополитеннинг қурилишига биздан икки кишини командировкага юборишармиш...



Орадан бир ҳафта ўтгач, иккиси ўз тепловози билан метро депоси қурилиши майдонига кириб келди.

Тошкентнинг ёзи доимо жазирама келади. Сахий қуёшнинг иссиқ нурлари еру кўкни қасди бордай қиздирарди. Аммо метрочилар парво қилишмай, жазирама офтоб тигида бетон қоришар, майдонларни текислар, темир йўл изларини ётқизишар, поездлар учун саройлар қуришарди.

Лутфулла енг шимариб, астойдил ишга киришиб кетди. Ҳозир у ўз орзусига эришиш учун «сув келса симиришга, тош келса кемиришга» тайёр эди. Лутфулла ўзининг ташкилотчилик қобилиятини бу ерда ҳам тезда намоиш этди. Депо қурилишида Рустам Қодиров, Асқар Ҳолиқов, Дадажон Урунов, Пётр Васильев, Бахтиёр Жўраев, Михаил Грибко, Михаил Булатов каби оловқалб комсомол-ёшлар билан дўстлашиб кетди. Улар Лутфуллани ўз устозларидай севиб қолишди. Лутфулла ўзининг билимдонлиги, хушмуомалалиги, ташкилотчилиги, етакчилик қобилияти билан ҳар бир кишининг қалбига йўл топарди. Лутфулла билдики, бу ердаги йигитларнинг кўпчилиги темир йўл бўйича техник маълумотга эга экан...

Орадан олти ой ўтгач «Машинистлар курси»га ўқувчилар йиғиладиган бўлиб қолди. Лутфулла бу ишга бош бўлди. Кадрлар танлашда метрополитен раҳбарларига яқиндан кўмаклашди. Шундай қилиб, 110 нафар киши Москва томон — машинистлар тайёрлаш хунара-техника билим юртига йўл олди. Шу группалардан бирига Лутфулла Исматуллаев етакчи эди.

Тошкент вокзалидан силжиган поезднинг ўткир прожектори тун багрини ёрганча, елдек учиб боряпти. Купеларни тўлдирган йигитларнинг ҳазил-мутойибалари эшитилиб турибди. Лутфулла эса ойнага тикилганча, поезд Москвага яқинлашган сари ўз орзусига эришаётгандай пойтахт томон энтикиб боряпти...

Тошкентликлар бу ерда ҳам панд беришмади. Ўқишда ҳам намуна кўрсатдилар. Боку, Харьковдан келган ўқувчилар ўртасидаги социалистик мусобақада доимо пешқадамлик қилишди. Улар Москвада тўрт ой назарий, икки ой амалий билим олдилар. Москва метрополитени «Планерная» депосининг машинист-инструктори Анатолий Иванович Сергунькин раҳбарлигида Москва метросида практика ўтадилар. Икки ой мобайнида москвалик пасса-жирларни ташишди... Тошкентлик бўлажак машинистлар бу ерда бой тажриба орттиришди. Айниқса Лутфулла ўз устозини қойил қолдирди.

— Балли,— деди Анатолий Иванович,— Лутфулланинг елкасига қоқиб. Чинакам метрочисан. Ҳаммасини мукамал эгаллаб олдир. Аминманки, келгусида Тошкентда ажойиб метрочи машинистлар мактабини яратасан...

Мақтов кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Аммо мақтовни танқид сифатида қабул қилувчилар ҳам бўлади. Лутфулла шундан бўлиб чиқди. У устозининг мақтовидан «эримади», аксинча Москвадан қайтгач, ўзига янада талабчан бўлди. Ўз устида тинмай ишлади, изланди.

Ташаббускорлик... Бу ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди. Аммо Лутфуллада бу хусусият устун эди. У ҳар қандай ишни тезда ташкил этар, қойиллатиб интихосинг етказар эди. Шунинг учун ҳам депо, метрополитен раҳбарлари унга масъулиятли ишларни топширишга бошлашди.

Юбилей йилининг май ойида Лутфулла Исматуллаев етакчилигида группа метро поезди вагонларини олиб келиш учун Ленинградга жўнашди. У ердан ва сўнгра эса Москвадан кетма-кет вагонлар олиб келишди.

Тошкент метросининг муддатидан бир йилу тўрт ой илгари ишга тушуши арафасида поездларни синашда ҳам Лутфулла бевосита иштирок этди. Мана у ҳозир эсл тантанали очилиш маросимидан сўнг биринчи марта фахрли йўловчиларини манзилга элтмоқда...

Халқимиз «орзу мингта, кўнгил эса битта», дейди. Тўғри орзулар кўп бўлади, бирига етишсанг, иккинчиси кучоқ очиб туради. Лутфулланинг ҳам қалбида энди янги эзгу орзу — машинистларга инструкторлик қилиш иштиёқи туғилган эди. Бу орзугина бўлиб қолмай, унинг бурчи ҳам эди. Буни у виждонан чуқур ҳис этарди.

Машинист... Бу касб сиртдан қараганда оддий ва осондек кўринади. Аслида эсл жуда масъулиятли ва кишидан юксак куч ва ўта билимни талаб этади. Буларнинг ҳаммаси Лутфуллада бор. Қисқа муддатда у бу борада бой тажриба тўплади. У энди ана шу тажрибасини бошқаларга ўргатиши, Тошкент метроси поездларининг машинистларини тайёрлаши, уларнинг билим ва тажрибаларини бойитиши керак эди. Буни ўзи ҳам тушуниб этди, устози Сергунькин айтган пайт келган эди.

Мана ҳозир у депода локомотив бригадаларга машинист-инструкторлик қилмоқда. Унинг колоннасида 32 нафар метрочи бор. Кўпчилик бугунги кунда Тошкент ер ости қасрида яшил экспрессларни бошқараётган машинистлардир.


Ҳар куни, эрта тонг йўловчиларга хил-

мат кўрсатишга ошиқаяётган машинистлар Лутфулла аканинг сабоғини олиб йўлга чиқишади, у машинистларга йўлда нималарга эътибор бериш кераклигини уқдиради. Шу кунларда Лутфулла Исмагуллаевнинг иши тўлиб-тошиб ётибди. Машинистларни метрода қўлланилаётган янгиликлар билан таништириш унинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳозир поездларни автоматик усулда бошқаришга ўтишга тайёргарлик кўрилмақда. Бундан ташқари 1980 йилда «Ҳ. Олимжон», «М. Горький», «А. С. Пушкин» бекатларининг ишга туширилиши ҳам машинист-инструктор Лутфулла Исмагуллаев зиммасига янгидан-янги вазифалар юклайди. Аини куч-қувватга тўлган метро поездининг биринчи машинисти ўз вазифасини муваффақиятли уддалаяпти. У ҳали кўплаб шогирдлар тайёрлайди, ўзи-

га хос Тошкент метроси машинистлари мактабини яратади. Ҳали шундай вақт келадик, Тошкент метроси машинистлари тажрибасидан бошқалар ҳам ўрганишади...

Тошкент узра яна оқшом чўкди. Чироқлар порлади. Кўчаларда аста-секин машиналар ҳаракати ҳам сийраклашмоқда. Аммо Тошкент ер ости қасрида яшил поездларнинг ҳаракати бир зум тинмайди. Яшил экспрессларни Тошкент метросидаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган, шаҳар партия комитетининг аъзоси, Тошкент метрополитенининг машинист-инструктори Лутфулла Исмагуллаевнинг шогирдлари — машинистлар Владимир Петров, Евгений Шчубин, Қудрат Мансуров, Асқар Ҳолиқов, Бахтиёр Жўраев, Ҳаким Ҳасановлар бошқаришмоқда.

□



## БИР ПАРДАЛИ ПЪЕСА



Ойбек. «Қутлуғ қон».  
Рассом А. Фуломов.

# Қўрқмас МАЖИДОВ



Тошкент шаҳрида туғилган, 1954 йили Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик факультетини тугатди. 1954—1961 йилларда Ҳамза номидаги ўзбек Академик театрида, кейинчалик эса Қарши ва Наманган театрларида, «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр бўлиб ишлади.

Қ. Мажидов рус тилида ижод этади. Унинг бир қатор пьесалари республикамизнинг турли театрларида сахналаштирилган.

## КЎҲНА СОАТ

### Иштирок этувчилар:

ЮЛДУЗХОН

} — қурувчи инженерлар, 24 ёшда.

ВАҲОБЖОН

ҲАЛИМА ХОЛА — Ваҳобжоннинг онаси, 60 ёшда.

РАҲИМА ХОЛА — Ҳалима холанинг қўшниси, 70 ёшда.

БАҲРОМ — Қурилиш бошқармасининг катта прораби, 28 ёшда.

ЛОЛА — Техник қурувчи, 22 ёшда.

ЙИГИТЧА

ҚУРУВЧИЛАР: эркаклар, аёллар, қизлар, йигитлар.

Воқеа бизнинг кунларимизда бўлиб ўтади.

## ПРОЛОГ

Парда туширилган. Ҳалима хола ҳаяжонланиб, қўлида телеграмма кўтарганча сахна олдида пайдо бўлади.

ҲАЛИМА ХОЛА — Йўқ! Йўқ! (Телеграммани силкитиб). Бунга асло чидай олмайман... Утакетган шармандалик-ку бу! Қўни-қўшнилар эшитса нима дейишади?! Маҳалла-чи?! Қариндош уруғлар, таниш-билишлар-чи?! [Пауза]. Энди нима қилдим, вой шўрим? [Уёқдан-буёққа одимлайди, кейин тўхтади]. Бутун ҳаётимни мана шу — кўзимнинг оку қораси бўлган биттау битта Ваҳобжонга бағишладим... Дадаси қаҳо қилгандан кейин, шу болани деб турмуш қурмадим. Оқ ювиб, оқ тараб ўстирдим, олий маълумотли қилдим — қурувчи инженер бўлиб етишди. Кейин унга қайлиқ топдим — қўшним Раҳимахоннинг соҳибжамол невараси Нигорани келин қилишни мўлжалладим. У-чи? У нима қилди? Нигорага уйланишни истамади, унга қўл силтади-ю, курсдоши Юлдузхон билан бошқа шаҳарга жунаб кетди. Кейин, на мендан розилик олди, на фотиҳа — ўша ерда Юлдузхонга уйланди-қўйди!

Шошган қиз эрга ёлчимайди — мана оқибати!.. (Қўлидаги телеграммани силкитади). Пешонам мунча шўр бўлмаса! [Кимнидир кўриб қолиб]. Раҳимахон келаётганга ўхшайди... Энди нима қилдим? Телеграммани айтсаммикин унга ё айтмасаммикин? [Телеграммани яширади]. Ассалом алайкум, Раҳимахон! Эсон-омон юрибсизми, қўш-нижон?

РАҲИМА ХОЛА — Уф... (Тугунларни ерга қўйиб, Ҳалима холага яқинлашади, сўрашади). Эсон-омонмисиз, Ҳалимахоно? Эварали бўлдим, овсин, табрикланг мени!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Қанақа эвара яна?

**РАҲИМА ХОЛА** — Тасаддуфинг кетай, Ҳалимахон, уч ўғлим, тўрт қизим, саккиз ўғилу ўн икки қиз неварам ёнига яна битта эварам қўшилди. Унга Баҳодир деб от қўйдик... Сизга айтсам, қурмағур эварам шунақаям дўмбоқ, қоракўз, тийракки...

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Табриклайман, Раҳимахон! Умри билан берган бўлсин... Сиз жудаям бахтли хотинсиз... Мен-чи... мен... бир бахтиқаро аёлман (**У кўз ёшларини артади**).

**РАҲИМА ХОЛА** — Сизга нима бўлди, Ҳалимахон? Қўйинг...

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Рост айтяпман, Раҳимахон... Болалик уй — бозор, боласиз уй — мазор, деб бекорга айтишмаган. Хайҳотдай уйда бир ўзим сўппайиб қолдим, ўғлим бўлса аллақакларда юрибди...

**РАҲИМА ХОЛА** — Қаёқдаги гапларни гапирманг, қўшнижон!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Э-э... Ваҳобжоним ўша пайтда неварангиз Нигорага уйланганида олам гулистон эди...

**РАҲИМА ХОЛА** — Бир пайтлардаги гап-да бу... Қайда бўлишса ҳам, омон бўлишин, кўшгани билан қўша қарисин.

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Қани энди шундай бўлса... у Юлдузхон билан ажралишаётганга ўхшайди (**Телеграммадаги сўзларни ўзича тушунган Ҳалима хола ҳаяжонланиб уёқдан-буёққа юради**).

**РАҲИМА ХОЛА** — Нима, нима? Ажралишипти, дейсизми? Дарров-а?

**ҲАЛИМА ХОЛА** — (**Телеграммани кўрсатиб**). Билмайман... Мана, Гулистондан телеграмма келди.

**РАҲИМА ХОЛА** — (**Телеграмманинг уёқ-буёғини айлантриб кўриб**) кўзойнак бўлмаса кўзим ўтмайди. (**Уқийди**). «Ойжон... Ҳозирча хат ёзмай туринг. Янги жойга кучяпман. Яқин орада адресимни маълум қиламан, Ваҳобжон.» Ҳа... Энди менга ҳаммаси тушунарли!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Тушунарли дейсизми? Тушунганингизни менга ҳам айтиб беринг-чи...

**РАҲИМА ХОЛА** — Ҳа, ҳаммаси тушунарли! Ё... келингииз уни уйдан ҳайдаган. Ё... ўлингииз уни ташлаб кетган! Гапнинг қисқаси, энди ўлингиизнинг боши очик. Қаёққа борса — питпилдиқ! Йўқ! Энди бу гал бўш келманг, Ҳалимахон. Тезроқ ўша ёққа жүнган, ҳаммасини бир ёқли қилинг!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Бориш керак дейсизми?

**РАҲИМА ХОЛА** — Эртагаёқ! Юлдузхонга ўхшаганларни ман жуда яхши биламан. Ундан олдин ҳаракат қилиб қолинг. Бўлмаса ҳамма нарсани ташиб кетади! Ваҳобжон тўғрисида қайғурманг — бунақанги йигитларга ҳар қанақанги қиз ҳам жон-жон деб тегади. Унга шунақанги бир попуқдай қизни топайлик-ки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин! Тўйларини бўлса халқ уч йилгача гапириб юрадиган қилиб ўтказамиз! Кўзимни остига олиб қўйганман биттасини, холаваччамнинг жияни бор — Замирахон деган, ўшани. У уйда ўтирадиганлар хилидан! Бировга кўз қирини ҳам ташламайди, бояқиш! Кўриниши ҳам чакки эмас: дўмбоққина, шахло кўз. Энг муҳими оёқ-қўлликкина: ҳамма ишни уددасидан чиқади. Пишириб-куйдиришга, йиғиб-йиғиштиришга, ямоқ-ястиққа уста, Ваҳобжонга мана шунақа хотин керак! Замирахоннинг ўзи ҳам қизмисан — қиз-да!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Яхши ниятларингиз учун раҳмат. Агар айтганларингиз амалга ошса... ахйир сиз билан қариндош бўламан-да, айланай.

**РАҲИМА ХОЛА** — (**Ҳалима холани қучоқлаб**). Вой, Ҳалимахон, уруғ-аймоғимдан ҳам кўра сизни ўзимга яқинроқ кўраман-ку.

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Раҳмат сизга, кўнглимни тоғдай кўтариб юбордингиз. (**Йиғлайди**).

**РАҲИМА ХОЛА** — Қўйинг, хафа бўлманг... Ҳаммаси жойига тушади, тўйни ҳам ўтказамиз. Юринг энди, кетдик... (**Дугога қўл очиб**). Илоё, яратган эгамнинг ўзи ишингизни ўнглисин, омин. (**Тугунинг биттасини кўтариб**). Сингилжон, бу зорманда қолгурни кўтариб, ёрдамлашворинг.

**ҲАЛИМА ХОЛА** — (**Иккинчи тугунни кўтаради**). Маслаҳатингиз учун раҳмат, қўшнижон. Бу яхшилингизни бир умр унутмайман.

**РАҲИМА ХОЛА** — (**Гапирганча, саҳнадан чиқиб кета бошлайди**). Бир пайтлар ҳам гапимга қулоқ солганингизда, Ҳалимахон, бунақанги ғавғолар бошингизга тушмасди. Ахир, мен сиздан битта қўйлакни ортиқ йиртганман, сиздан кўра кўпни кўрганман. (**Унинг гапини маъқуллаганча, Ҳалима хола ҳам чиқиб кетади**).

## БИРИНЧИ КҮРИНИШ

(Юлдузхон ва Ваҳобжоннинг квартирасидаги кенг, ёруғ меҳмонхона. Уртадаги деворда катта кўзли дераза, балконга олиб чиқадиغان эшик. Унг томонда — ётоқхона, чап томонда коридор эшиги. Бир чеккада каттагина сервант, дастурхон ёзиғлик стол, атрофида стуллар. Нарироқда диван, пианино, телевизор.)

Коридор томондан кетма-кет чалинган кўнғироқ, кейин эшикнинг тақиллаганию Ҳалима холанинг: «Ваҳобжон! Юлдузхон! Эшикни очинглар! Ҳой, кўшнилар, бу уйда ўзи ҳеч ким борми!»— деган овози эшитилди. Қўни-кўшниларнинг квартираси эшиги очилгани эшитилади: «Ким! Буёққа киринг»,— деган овозлар.

Бир қўлида кичикроқ саквозж кўтариб, иккинчи қўлида калит ушлаб, Ҳалима хола киради).

ҲАЛИМА ХОЛА — Уф! Ташқари ёнапяти! Бу ер, хайрият, салқин экан. [Саквозж-ни қўйиб, хонани кўздан кечиради]. Яхши кўшни — жон озуғи. Барака топишсин, алағ-да кўнглимни анча хотиржам қилишди. Мен бўлсам, ўғлим аллақачон кетиб қолган, деб ўйловдим. [Юлдузхон билан Ваҳобжоннинг расмига кўзи тушиб]. Вой, жоним қоқиндиқ, Ваҳобжоним-эй! Катта киши бўлиб кетибди. Узиям икки йил бўлди-да, кўрмаганимга.

(Хонага бозор-ўчар қилиб қайтган Юлдузхон киради, Ҳалима холани кўриб, жойида қотиб қолади).

ЮЛДУЗХОН — Ойи! (Қўлидагиларни қўйиб, қайнарасига яқинлашади, қучоқлашиб кўришади). Қандай шамол учирди? Келганингиз бир ярашиб турибди-ки!

ҲАЛИМА ХОЛА — Эсон-омонмисиз, келинпошша? Тинч-омонмисизлар? Яхши юрибсизларми?

ЮЛДУЗХОН — Вой, нима қилиб турибсиз? Утиринг (уни стулга ўтқаздиради). Раҳмат соғ-саломатмиз, тинчмиз...

ҲАЛИМА ХОЛА — Нимангиз тинч? Ахийри ўғлимни жонидан тўйдириб...

ЮЛДУЗХОН — Нималар деяпсиз, ойижон? Ҳеч нарсага тушунмаяпман...

ҲАЛИМА ХОЛА — Мени аҳмоқ қилма... Тўғрисини айт... Суд бўлдимми?

ЮЛДУЗХОН — Қанақа суд?

ҲАЛИМА ХОЛА — Ажралишдиларингми, ахир?

ЮЛДУЗХОН — Ким айтди сизга буни? Қандайдир англашилмовчилик бу!

ҲАЛИМА ХОЛА — Англашилмовчилик? Уғлимдан телеграмма олдим... (Ваҳобжон киради, онасини кўриб, унинг бағрига ташланади). Болагинам, кўзимнинг оқу қораси...

ВАҲОБЖОН — Ойижон! Қачон келдингиз? Нега телеграмма бермадингиз?

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳозиргина келдим. Онага осон тутма. Ҳамма нарсаи ўзига олаверади. (Ийғламираб). Болам деб, ўтга ҳам, сувга ҳам киради. (Юлдузхонга қараб). Мана, ўзинг борингда ҳаммасини гапириб берсин. Бу ерга фақат тўғрисини билгани келдим. [Ўғлига]. Бўл, гапир! Ҳаммасини айтиб бер!

ВАҲОБЖОН — (Онасининг ҳаяжонланаётганидан ҳайрон). Ниманинг тўғрисини? Нима бўлди ўзи, ойижон? Очикроқ гапиринг.

ҲАЛИМА ХОЛА — Менга балоям ургани йўқ. Мана, сан... сизлар... Тўғрисини айтинглар — ажралишмоқчимисизлар, шунақами?

ВАҲОБЖОН — Йўқ! Ким айтди сизга буни? Ҳаммаси бемаъни гап!

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳали шунақами? Ҳаммаси бемаъни гапми? (Телеграммани олиб, тантанавор силкитади). Мана бу-чи? Буни ўзинг юбордингми ё бировми?

ВАҲОБЖОН — (Телеграммани қўлига олиб). Ҳа-а, телеграмма денг... Ҳа, мен юборувдим. Нима бўлибди?

ҲАЛИМА ХОЛА — Узинг ёзбсан-ку, адресим ўзгаряпти, бошқа ёққа кўчяпман, деб.

ВАҲОБЖОН — (Хахолаганича) Ҳеч нарсага тушунмабсиз, ойижон! Ҳеч ким ажралишгани йўқ, ажралишмоқчи ҳам эмас.

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳеч нарсага тушунмаяпман!

ВАҲОБЖОН — Хотиржам бўлинг, ойижон. Ҳеч гап йўқ. Ҳозир ҳаммасини тушунасиз.

ЮЛДУЗХОН — Сизлар гаплашиб ўтира туринглар. Мен чой қўйворай. (Ваҳобжонга) Патнусни олиб қўйинг.

(Юлдузхон чиқиб кетади. Ваҳобжон ширинликлар солинган патнусни стол устига олиб кўяди).

ВАҲОБЖОН — Яқинроқ ўтиринг, ойижон... Узингиз бардаммисиз, соғлигингиз қандай?

ҲАЛИМА ХОЛА — Раҳмат, ўғлим. Соппа-соғ юрибман. Агар ёлғизлигимни айт-маса...

ВАҲОБЖОН — Шу ерга кўчиб кела қолинг. Бирга яшасак яхши-да. Юлдузхон ҳам буни жуда кўп гапиради менга.

ҲАЛИМА ХОЛА — Маслаҳат бериш осон, ўғлим.

(Нон, чойнак кўтарган Юлдузхон киради).

ЮЛДУЗХОН — Ваҳобжон ака, нонни ушатиңг, чой қуйиб беринг. Ойимла йўлдан чанқаб келгандирлар (Чиқиб кетади).

ҲАЛИМА ХОЛА — (Юлдузхонга меҳри уйғониб). Хотининг нозаниндек экан. Кўҳлиқкина. Овози майин, ширингина. Кўриниб турибди, оқ кўнгил экан.

ВАҲОБЖОН — Оқ кўнгил, меҳрибон, кўли ҳам очиқ.

ҲАЛИМА ХОЛА — Гапир-а, гапир...

(Юлдузхон қайтиб киради, стол устига шампанское, тарелкалар, пичоқлар, сочиқ қўяди. Ҳалима хола хотинига меҳрибонлик билан қараб турган Ваҳобжонни кузатади).

ВАҲОБЖОН — Азизим, ҳадеб елиб-югуравермасдан ўзинг ҳам биз билан ўтир.

ЮЛДУЗХОН — Ҳозир ўтираман... Кўк чой дамлаб келай (чиқиб кетади).

ҲАЛИМА ХОЛА — Уғил учун онадан кўра хотин афзал, дейишгани ҳақ экан.

ВАҲОБЖОН — Мен Юлдузхонниям, сизниям яхши кўраман, ойижон...

ҲАЛИМА ХОЛА — (Унинг гапини бўлиб). Узингни оқлама, ундан кўра, мендан оқ фотиҳа олмасдан уйланиб, қандай яшаётганингни гапириб бер.

ВАҲОБЖОН — Ойижон...

ҲАЛИМА ХОЛА — Бўпти, бўпти... Бир пайтдаги гаплар эсимга тушиб кетди. (Мебелларни кўрсатиб). Буларни ўзларинг сотиб олдингларми ё давлатникими?

ВАҲОБЖОН — Узимизники. Қурилишда яхшигина ҳақ оламиз.

ҲАЛИМА ХОЛА — Яхши пул топган яхши яшашни ҳам билади. Машина олади.

ВАҲОБЖОН — Бизнинг ҳам машинамиз бор. «Жигули».

ҲАЛИМА ХОЛА — (Буни кутмаганди, ҳайрон). Машинамиз бор?

ВАҲОБЖОН — Бор.

ҲАЛИМА ХОЛА — Ким ҳайдайди уни?

ВАҲОБЖОН — Юлдузхон иккаламиз.

ҲАЛИМА ХОЛА — Юлдузхон? Аёл кишининг машина ҳайдаши одобдан эмас.

ВАҲОБЖОН — Аксинча, бу ҳар томонлама яхши.

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳм, шунақами? (Паузадан сўнг). Пианинани ким чалади?

ВАҲОБЖОН — Келинингиз.

(Юлдузхон киради).

ЮЛДУЗХОН — Ваҳобжон ака, шампанскоедан ойимлага қуйиб бермайсизми?!

ВАҲОБЖОН — Ойижон, Сизнинг келганингнига, Сизнинг соғлиғингнига ичамиз!

ҲАЛИМА ХОЛА — Нималар деярсизлар, мен ичмайман... Умрим бино бўлиб бунақанги нарсаларни ичмаганман... Менга кўк чой бўлса бўлди.

ЮЛДУЗХОН — Чой ҳам бор. Ҳеч бўлмаса бир қултум ичинг.

(Ҳалима холанинг олдига тўлатилган қадаҳ қўяди).

ҲАЛИМА ХОЛА — Бир қултум бўлса... майли. (Чўқиштирадilar. Она лабига тегиб, қайтариб қўяди). Уғлим, сен ҳам олий маълумотли эдинг, шекилли?

ВАҲОБЖОН — Юлдузхон ҳам қурилиш факультетини битирган.

ҲАЛИМА ХОЛА — Бундан чиқди, икковингиз ҳам инженер экансиз-да? Топаётган пулингизни нима қилмоқчисизлар?

ВАҲОБЖОН — Сиз билан бамаслаҳат ишлатами. Қадаҳни қўлингизга олинг. Келинг, ойижон, орзуларимиз амалга ошиши учун ичамиз.

ҲАЛИМА ХОЛА — Орзу-ҳаваснинг ҳам чегараси бор — ҳамма нарсаларинг етарли. (Нондан синдириб, оғзига солади).

ВАҲОБЖОН — Булар фақат одамларга кўрсатиш учун, дилимиздаги орзумиз эса, ойижон, бутунлай бошқа.

ҲАЛИМА ХОЛА — (Қўлидаги нонни қўяди. Сергак тортади). Қизиқ, дилингнизда «орзумингиз» қанақа экан у?

ЮЛДУЗХОН — (Ваҳобжонга жилмайиб кўзини қисади). Айтамизми?



ВАХОБЖОН — Бўлмаса-чи, албатта айтамыз. (Онасига яқинлашиб, меҳрибонлик билан унинг елкасидан қучоқлайди). Ойижон... Биз янги шаҳар қурмоқчимиз!

ҲАЛИМА ХОЛА — (Тушунмай). Шаҳарларни қуриб бўлибсизлар-ку, яна қанақа шаҳар қурасизлар! Уй уйга, кўча кўчага туташиб кетибди, дарактлар беш қаватли уйлар билан баробар, кўчаларнинг икки чети гулзор — чиройли шаҳар қурибсизлар!

ВАХОБЖОН — Энди, бу ерда эмас, чўлда қурмоқчимиз.

ҲАЛИМА ХОЛА — (Ҳайратланиб, ўрнидан туриб кетади). Яна қанақа чўлда?

ВАХОБЖОН — Ҳақиқий чўлда. Шаҳримиздан анча олисда.

ҲАЛИМА ХОЛА — (Стол ёнидан узоқлашади). Буни хаёлингизга ҳам келтирманг! [Бирдан фаҳмлаб қолиб]. Ҳмм, шунинг учун менга телеграмма берган экансиз-да! (Ваҳобжон билан Юлдузхон кўз уриштириб олишади).

ВАХОБЖОН — Биз аллақачон ишга тайинланиб, чақирув қоғозини олиб кўйган-дик-ку...

ҲАЛИМА ХОЛА — (Қатъий). Қоғозни қайтариб юборинг! Онамиз рози бўлмаяпти, денг.

ВАХОБЖОН — (Кўндирмоқчи бўлиб). О-о-йи-жо-ним!

ҲАЛИМА ХОЛА — Гап битта — тамом-вассалом.

ВАХОБЖОН — Тушунсангиз-чи, биз ҳаётни энди бошлаяпмиз...

ҲАЛИМА ХОЛА — (Гапини бўлиб). Мени бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда...

ВАХОБЖОН — [Гапида давом этиб]. Ҳаётни энди бошлаётганимиз учун, биз ис-таймизки...

ҲАЛИМА ХОЛА — [Гапини бўлиб]. Мен ҳам, ўғлим, чўлма-чўл изғимасдан, одамларга ухшаб яшашини истайман. Ёнимда бўлишингни хоҳлайман. [Бир оз жимликдан сўнг]. Иссиқ жон — бирдан касал бўлиб қолсам ким ҳолимдан хабар олади? Ким бир пиёла сув тутади?

ЮЛДУЗХОН — Сиз ҳам биз билан бирга борасиз.

ҲАЛИМА ХОЛА — [Истеҳзо билан]. Янтоқ чайнаганими? Раҳмат, келинпошша, бунақаларга тишим ўтмайдиган бўлиб қолган.

ВАХОБЖОН — (Онасини кўндирмоқчи бўлиб). Ойижон, бу бизнинг эзгу орзумиз! Янги, чиройли, катта шаҳар қуриш учун қурилиш...

ҲАЛИМА ХОЛА — (Ўзиникини маъқуллаб). Ёшлигимда мениям орзуларим кўп бўлган. Раҳматли отангга турмушга чиқдим-у, орзуларимга барҳам бердим, отангнинг кўнглини олишга интилдим. (Юлдузхонга). Сен эрингнинг соғлигини ўйлайсанми ўзи? ЮЛДУЗХОН — Ўйлайман...

ҲАЛИМА ХОЛА — Агар ўйлаганингда, эрингни чўлу биёбонга бошламасдинг. (Ваҳобжонга). Энди билдим, ким сенга ақл ўргатиб, йўлдан оздираётганини.

ВАХОБЖОН — Мени ҳеч ким ҳеч қаёққа бошлаётгани ҳам, менга ақл ўргатаётгани ҳам йўқ.

ҲАЛИМА ХОЛА — Гапир-а, гапир... Кўриб турибман-ку, хотининг анойилардан эмас.

ЮЛДУЗХОН — Ахир институтни нимага битирганмиз?

ҲАЛИМА ХОЛА — Нимага битирганмиз? Бошқалардан орқада қолмаслик учун. Негаки, ҳар қанча доно бўлсин-у, илми бўлмаса бир пақирга олишмайди, дипломи бўлса-чи, тентак ҳам тўрдан жой олади.

ВАХОБЖОН — (Ўёқдан-бўёққа юрар экан). Лекин мен янги шаҳар қуришни ис-тайман.

ҲАЛИМА ХОЛА — Шунча қурганинг камми? Ё уйинг ёмонми? (Кўрсатиб). Ётоқ-хона, меҳмонхона, ошхона, ҳаммом, газ, иссиқ сув... Булар мани тушимга ҳам кирма-ган, сенларга бўлса икки кўллаб топшириб қўйишибди. [Гап тамом, дегандек кўлини силқийди]. Мени кўндираман, деб ўйламаларинг, ҳеч қаёққа бормайсизлар!

ВАХОБЖОН — (Ранжиб). Фақат ўғлингизнинг квартираси бўлса бўлди экан-да, бошқалар...

ҲАЛИМА ХОЛА — [Гапини бўлиб]. Кимга керак бўлса, ўзи қуриб олсин...

ЮЛДУЗХОН — Ойи...

ҲАЛИМА ХОЛА — Ортиқча гапнинг ҳожати йўқ! Мен нима десам, шу бўлади!  
ЮЛДУЗХОН — (Ўжарлик билан). Биз қандай қарор қилган бўлсак, шундай бўлади!

ВАХОБЖОН — (Четга). «Ўжар ўжардан қолса — қулоғини кесар».

ҲАЛИМА ХОЛА — (Юлдузхонга яқинлашади, ғазабдан кўзларини қисиб). Мана, сән қанақа экансан! Ман, ажралишасизлар деб ўйлабман. Сизлар бўлса чўлда шаҳар қуришни ўйлабсизлар. Жуда яхши, бор, ўзинг кетавер, ўғлим бормайди.

ВАҲОБЖОН — Мен ҳам бораман!

ҲАЛИМА ХОЛА — Бормайсан!

ВАҲОБЖОН — Бораман!

ҲАЛИМА ХОЛА — Отангинг арвоҳига соламан.

ВАҲОБЖОН — Қўйсангиз-чи, ойи!

ҲАЛИМА ХОЛА — Оқ қиламан!

ВАҲОБЖОН — Ойи!

ЮЛДУЗХОН — Ваҳобжон ака...

ҲАЛИМА ХОЛА — Энди мани бошқа ўғлим йўқ! Келиним ҳам йўқ! Икковингизни ҳам оқ қилдим! Бу ерга қадам боссам, оёғим акашай бўлсин! **{Тез юрганча чиқиб кетади. Унинг орқасидан Ваҳобжон билан Юлдузхон интилишади. Парда аста-секин ёпилади.}**

## ИНТЕРМЕДИЯ

### Парда ёпиқ

Ҳалима хола бир қўлида чамадон, иккинчи қўлида лиқ тўла саквояж кўтарган ҳолда сахна олдида пайдо бўлади. Эгнида плаш. Бошида тивит рўмол. Оёғида калиш-маҳси.

ҲАЛИМА ХОЛА — (Чамадон билан саквояжни ерга кўя туриб). Ҳаммасини олдим шекилли. (Саквояжни кўздан кечиради, кейин ўнг томонига қарайди). Нима бўлдикин, шу пайтгача дараги йўқ. (Қичқиради) Раҳимахон! Ху, Раҳимахон, қаердасиз?! (Енгил кийинган — оқ куйлакли Раҳимахон пайдо бўлади. Қўлида кичикроқ тугунча).

РАҲИМА ХОЛА — Кетаяпман, кетаяпман, Ҳалимаҳон... (Ҳалима хола билан унинг юқларини кўриб). Вой-вой-вой! Ҳалимаҳон, шунча нарсани қаерга олиб кетаяпсиз?

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳар қалай яқин йўл эмас...

РАҲИМА ХОЛА — Бор-йўғи бир кеча-кундузлик йўл-да. Сиз бўлсангиз худди Маккатуллога кетаётгандай отланиб олибсиз. (Ҳалима холанинг кийим-кечагини кўздан кечириб). Йўқ, йўқ! Назаримда, сиз шимолий ўлкаларга кетаётганга ўхшайсиз. (Кулиб). Йўлда эриб кетишдан қўрқмайсизми, ўртоқжон? Ахир ҳозир баҳор ойи, иссиқ...

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳар эҳтимолга қарши-да, яна ким билади дейсиз йўлда...

РАҲИМА ХОЛА — Майли, ўртоқжон, ўзингиз биласиз. (Тугунчани узатиб). Мана буни олинг, йўлга олиб кетарсиз деб, озроқ тандир сомса билан нон ёпгандим, айланай кўшни.

ҲАЛИМА ХОЛА — Вой, нима қилардингиз овора бўлиб... Ўзим ҳам ёпгандим-у... Меҳрибонлигингиз учун катта раҳмат Сизга! (Тугунчани олади). Энди буни қаёққа жойлаштирдим?

РАҲИМА ХОЛА — Қани, менга беринг-чи... (Тугунчани олиб, чамадон бандига болғайди). Утирадим, қаёққа жойлайман, деб...

ҲАЛИМА ХОЛА — Энди, йўлга фотиҳа беринг! (Чўққайиб ўтириб, қўлини фотиҳага очади).

РАҲИМА ХОЛА — Тўхтанг, тўхтанг, жоним тасаддуқ. Оладиган нарсаларингизни ҳаммасини олдингизми? Ҳеч нарсани унутиб қолдирмадингизми?

ҲАЛИМА ХОЛА — Вой, эсим курсин! Сизга калитларни бермабман-ку! (Бир ҳовуч калит олиб, битта-битталаб Раҳимахонга узатади). Мана бу меҳмонхонаники, буни-си менинг хонамники, бу ўғлимнинг хонасиники, мана буни-си-чи — бўлғуси болалар хонасиники, булар пешайвон, хужра, кўча эшикнинг калитлари.

РАҲИМА ХОЛА — (Калитларни бир ипга шода қилиб тақар экан). Ҳамма калитларингиз бор экан-у, Ҳалимаҳон, фақат биттаси йўқ экан-да.

ҲАЛИМА ХОЛА — Вой... (Чўнтақларини тимирскилай бошлади). Қайси бири йўғакан?

РАҲИМА ХОЛА — Ўғлингиз Ваҳобжоннинг юрагига тушадиган калит.

ҲАЛИМА ХОЛА — Вой, Раҳимахон, бунақа деманг. (Саквояждан кичикроқ оқ

**тугунча олади].** Мана, айланай, ўғлимнинг юрагига қалит! Яна қанақаси, денг? Амал қилингани!

**РАҲИМА ХОЛА** — Фотима холанинг олдига бордингизми? Қачон?

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Ҳа, кеча бориб келдим.

**РАҲИМА ХОЛА** — Мен сизга, боринг, албатта боринг, деб қайта-қайта неча марта айтдим! Сизни кўндиролмай, бир ҳафта овора бўлдим-а! Фотима холанинг нафаси ўткирлигига энди ишонгандирсиз? Фолбинлигу дам солиб, иссиқ-совуқ қилиб беришда шаҳримизда унга тенг келадигани йўқ!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Рост айтаяспиз, Раҳимахон. «Куф-суф» қилиш бўйича нақ профессорга ўхшайди-я.

**РАҲИМА ХОЛА** — Профессорингиз нимаси! У... У... Бунақанги ишда уни академик деверинг.

**ҲАЛИМА ХОЛА** — (Тугунчани ечиб). Энди ўғлим, албатта, уйга қайтиб келади. (Тугунча ичидагиларни бирма-бир олиб). Мана буни эрталаб чой билан ичса — кечгача хотинидан бутунлай кўнгли совийди. Уни жодугардек, алвастидай ёмон кўриб қолади!

**РАҲИМА ХОЛА** — Ман сизга айтгандим-ку!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Мана буниси эса — хотини Юлдузхонга. Ичса бўлди — кечаси билан бирам ваҳимали тушларни кўриб чиқади, кейин қарабсизки, бир ҳафтага қолмай безиб, ўз оёғи билан уйдан чиқиб кетади!

**РАҲИМА ХОЛА** — Ана, кўрдингизми! Сиз бўлсангиз ишонмаётгандингиз!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Мана бу амални эса, ўғлимни бундан кейин ҳечам ўйламаслиги учун, кўйлагига ё пальтосига тикиб қўяман.

**РАҲИМА ХОЛА** — Ман нима дегандим сизга?

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Мана буниси ўғлимга — хотинини бутунлай эсидан чиқариб юбориши учун! Мана буниси... (Шу пайт қаердандир будильникнинг қаттиқ жириглагани эшитилади).

**РАҲИМА ХОЛА** — Вой, тавба! Қаёқдан эшитиляпти бу?

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Мани соатим... Будильник. (Саквояждан урушдан олдинги йилларда чиқарилган катта будильникни олади).

**РАҲИМА ХОЛА** — Овозини ўчиринг-эй. Қулоғим битиб кетди!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Тўхтатиб бўлмайти бунини. Хоҳлаган пайтида ўзи жириглаб, ўзи тўхтайти. Агар сал орқада қолишни айтмаса....

**РАҲИМА ХОЛА** — Эгасига ўшаркан. (Соатга қараб туриб). Вой... Тезроқ бўла қолинг. Бўлмаса поездга кеч қоласиз.

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Рост, рост, қўшнижон, вақт ҳам ғирллаб ўтади-кетади-я дарров. (Соатни саквояжга жойлаштиради. Унинг жириглаши тўхтамайди). Қани, Раҳимахон... (Кўлини фотиҳага очади). Бир дуо қилинг...

**РАҲИМА ХОЛА** — Ой бориб, омон келинг! Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин. Омин!

**ҲАЛИМА ХОЛА** — Омин!

(Улар чамадон ва саквояжни кўтариб, йўлга тушадилар).

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Қурилиш майдонининг бир чеккаси. Диспетчер пункти. Стол, селектор, телефонлар, стуллар. Деворда — планлар, схемалар, диаграммалар. Стол ёнида ўтирган Баҳром нималарнидир ёзаяпти. Телефон жириглайди. Баҳром трубкани кўтаради.

**БАҲРОМ** — Алло!

**ТРУБКАДАГИ ОВОЗ** — Баҳром Рустамович! Баҳром Рустамович!

**РАҲРОМ** — (Хотиржамлик билан). Диспетчерга ҳеч ҳаяжонланмасдан телефон қила олишмайди-да... (Кейин ўзи ҳам бирдан ҳаяжонланиб, ҳатто кўркүв оҳангида гапира бошлайди). Нима, Нима? Аниқроқ гапир! Ёмон эшитиляпти!

**ТРУБКАДАГИ ОВОЗ** — База районидаги складларни сув босиб, аҳолига хавф солаяпти!

**БАҲРОМ** — Тошқин? Тоғдан сел келди, дейсанми?

(Ҳаяжонланган Юлдузхон, Ваҳобжон киради. Улар шошиб, бир-бирларининг гапларини бўлиб гапиришади).

**ЮЛДУЗХОН** — Пўртана темир йўл кўпригига қараб кетаяпти! Тўғонни бузиб кетиши мумкин!

**ВАҲОБЖОН** — Бинолару комбинатнинг пойдевори сув остида қолди!

(Хаяжонланган курувчилар югуриб киришади).

ОВОЗЛАР — Нима қиламиз, Баҳром?

— Марказга тезроқ хабар бер!

— Бир минут ҳам қўлдан бой бериш мумкин эмас!

БАҲРОМ — Ваҳобжон, нима қилдик энди? Ақлим етмай қолди...

ЮЛДУЗХОН — (Ишонч билан). Ақлинг етади. Прораб, команда бер!

ВАҲОБЖОН — Селектор орқали эшиттир!

БАҲРОМ — (Селекторга энгашиб). Дикқат! Ҳаммага, ҳаммага! Узингизни йўқотманг, ваҳмага тушманг! Сувни қайтариш учун дарҳол дамба қуринг! Хавфли зоналардан одамларни кўчириг. Техниканинг ҳаммаси офатга қарши курашга сафарбар этилсин!

ЮЛДУЗХОН — Уртоқлар! Вақтни ўтказмайлик! Бульдозерларга!

(Юлдузхон ортидан ҳамма югуриб чиқиб кетади. Баҳром уларга кичқиради).

БАҲРОМ — Эҳтиёт бўлинглар!

ЮЛДУЗХОН — (Узоқдан) Хўп!

БАҲРОМ — (Селектор орқали гапиришда давом этади). Шаҳар! Шаҳар! Мени эшитяпсизми?! Ҳа! Баҳромман! Шаҳардаги барча корхоналарга муурожаат қилишингизни сўрайман — сел бостириб келяпти! Бизга зудлик билан кўпроқ техника беринглар! Нима? Ҳамма хабардор? Ҳарбий қисмлар ёрдамга боряпти? Машиналар ҳамми? Раҳмат! Бўш келмаймиз! Тушунарли! Раҳмат! (Ҳалима хола пайдо бўлади. У Лолани қўлидан судраб киради. Бандига тугунча осиглиқ чамадон ва саквожони бир-бирига тизимча билан боғлаб, ўнг елкасига осиб олган. Лола унга қаршилик кўрсатади).

ЛОЛА — Қўйворинг мани! Сизга айтаяпман, қўйворсангиз-чи!

ҲАЛИМА ХОЛА — Бекоргиналарни айтибсан! Олдин менга айт, ўғлим қани? (Баҳромга кўзи тушиб). Ҳа-а, сизми бу ерда бошлик? Уғлимни қаёққа йўқотдингиз? Қани у! Жавоб беринг — ўғлим қани? (Чамадон билан саквожони дераза тагига қўяди.) БАҲРОМ — (Ҳайрон). Онажон, сиз ким бўласиз? Бу ерга қандай келиб қолдингиз? Тезроқ шаҳарга жўнанг! Сув бу ерга ҳам етиб келиши мумкин.

ҲАЛИМА ХОЛА — Сув?! Қанақа сув? Чўлда сув нима қилади? (Фахр билан).

Ман Ваҳобжоннинг олиси бўлман. [Бирдан тутақиб]. Уғлимни бош-кўзини айлантириб, алдаб чўлга наси келгансиз! Топиб беринг ўғлимни, ўзим билан олиб кетаман!

БАҲРОМ — Онажон, тинчланинг! Ҳалақит берманг! Ҳозир муҳимроқ ишлар бор...

ҲАЛИМА ХОЛА — Қанақа муҳимроқ? Уғлим қани?

ЛОЛА — Ҳамма қаерда бўлса, у ҳам ўша ерда! Канал бўйида...

БАҲРОМ — (Ҳайрон) Сен қаердан биласан?

ЛОЛА — Узим кўрдим. Уша ёққа боргандим. Дамба қуришяпти.

ҲАЛИМА ХОЛА — (Лоланинг қўлидан яна ушлаб олади, қўрқа-писа сўрайди).

Уни қаерда кўрдим, дейсан?

ЛОЛА — Бульдозерда!

ҲАЛИМА ХОЛА — Қанақа бульдозерда?

ЛОЛА — Сув йўлини тўсадиган бульдозерда-да! Олдинда Юлдузхон. Бошқалар эса унинг кетидан кетишяпти.

ҲАЛИМА ХОЛА — Унинг кетидан кетишяпти? Қаёққа?

ЛОЛА — Сувга қарши!

ҲАЛИМА ХОЛА — Вой ўлмасам! (Чапак чалганча стулга беҳол ўтириб қолади). Уғлимдан айрилдим... Айрилиб қолдим! (Четга). Унга айтдим-а, чўлга борма, деб. Мана, ҳақ бўлиб чиқдим! Ҳаммасига хотини — Юлдузхон айбдор! Ваҳобжонни ақл-хушидан айириб, бош-кўзини айлантирган — ўша! Майли, кўпи кетиб, ози қолди! Тошқин тўхтагани ўзим билан нима қилишимни! Уларнинг тақдири энди қўлимда! Бир ҳафта ичида, гаҳ десам қўлимга қўнадиган бўлади, икковиям! Нималарга қодирлигимни уларга кўрсатиб қўяман ҳали! (Бўғриқиб кетган, ҳарсиллаб нафас олаётган йигитча киради).

БАҲРОМ — (Кўрқиб). Тинчликми?

ЙИГИТЧА — Бульдозерлар оқимга шундай қарши туришибдики, сув кабина ойналарини синдиргудек бўлаяпти. Юлдузхон қутураётган тўлқинга қарши бостириб бораёпти! Бошқа бульдозерчилар унга эргашишяпти! (Нафасини ростлаб). Эҳтимол, оталаримиз ҳам душманга қарши атакага шундай боришгандир! (Лола югуриб чиқиб кетади).

БАҲРОМ — Сен ўзинг бу ерга нимага келдинг?

ИЙГИТЧА — Суз қишлоққа яқинлашиб қолганини айтгани келдим. Шаҳарга телефон қилиб, қутқарувчиларни сўранг! **{У қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, шундай юғуриб чиқиб кетади. Она ўрнидан ирғиб туради.}**

ҲАЛИМА ХОЛА — Қутқарувчиларни? Уғлим! Қаёқлардасан? **{Чиқиб кетади.}**

БАҲРОМ — **{Селекторга.}** Шаҳар! Шаҳар! Тезроқ ёрдам беринг! Суз курувчилар қишлоғига яқинлашиб қолди! Қутқарувчиларни тезроқ юборинг! Нима! Аллақачон учиб кетишган?! **{Бақирӣқ-чақирӣқлар эшитилади. Баҳром эшикка югуради. Кейин тўхтаб, деразадан бошини чиқариб, осмонга қарайди. Вертолётлар овози, машиналарнинг гувиллаши эшитилади.}** Вертолётлар учиб келди! Машиналар келяпти! Ниҳоят ёрдам етиб келди!

**{Сувнинг шовиллаши, техника гулдўроси, одамларнинг яккам-дуккам овози қулоққа чалинади. Ҳалима хола, Юлдузхон, Лола пайдо бўлишади.}**

ЛОЛА — Буюққа олиб келинглар, буюққа... **{Замбилда Ваҳобжонни кўтариб олган эркаклар киришади.}** Мана бу ерга ётқизинг. Секинроқ.

ҲАЛИМА ХОЛА — Ваҳобжон! Уғлим! Кўзингни оч!

ИЙГИТЧА — Онажон, хавотирланманг, ҳозир ўзига келади. **{Эркакларга қараб}**

Кўксини уқаланг! **{Улар уқалашади.}**

ҲАЛИМА ХОЛА — Болагинам! Ваҳобжон! Кўзингни оч, онанг ўргилсин... оча қол энди...

ВАҲОБЖОН — **{Кўзини аста очади.}** Қаердаман? Ким...

ҲАЛИМА ХОЛА — Уғлим, тирикмисан?

ВАҲОБЖОН — Ойи...

ҲАЛИМА ХОЛА — Ҳа, ҳа, ойинг ўргулсин, бу манман! Сани бирдан-бир ишонган тоғингман... Нима бўлди санга?

ВАҲОБЖОН — Юлдуз... Юлдуз қани?

ЛОЛА — Юлдуз шу ерда. Мана у.. **{Ҳалима холага.}** Келинингиз хўп қаҳрамонлик кўрсатди-да! Ваҳобжонни ҳам шу Юлдузхон қутқариб қолди! **{Юлдуз Ваҳобжоннинг устига энгашади.}**

ҲАЛИМА ХОЛА — Уғлимни шу қутқардимми? Ростдан қутқардимми? **{Ваҳобжон билан Юлдузхонни кучоқлайди.}** Болагиналарим...

ВАҲОБЖОН — Келганингиз яхши бўлди-да!

ҲАЛИМА ХОЛА — **{Лолага.}** Қизим, агар малол келмаса, термос билан тугунчадаги нонни обертвор. **{Лола термос билан тугунчани келтиради. Ҳалима хола чой қуяиб, ўғлига беради.}** Ич, ўғлим!

ЛОЛА — **{Тугунчани ечиб, ҳайратланади.}** И-я! Бунда нон йўқ-ку! Қанақадир ўтлар, қоғозлар!

ҲАЛИМА ХОЛА — Сан бошқа тугунчани очибсан, қизим. **{Лоланинг қўлидан тугунчани олади.}** Тўғриси айтсам, бу меникимас, билмайман қаёқдан пайдо бўлиб қолибди.. **{Дераза ёнига келиб, тугунчани улоқтириб юборади. Бошқа тугунчадан нон олиб, ушатади.}**

ВАҲОБЖОН — **{Саквоаядаги соатни кўриб қолиб.}** Нима бу, ойи?

ҲАЛИМА ХОЛА — Соат, ўғлим. Отангдан қолган будильник-соат. **{Кулиб.}** Жудаям тўғри юрмаса-да, локин ўзи хоҳлаган вақтда жиринглайверади. **{Будильникни қўлига олади}** Болалигингда ўйнашни яхши кўрардинг буни, бураб, жиринглаганини эшитардинг. Тузатиш керак буни.

ВАҲОБЖОН — Албатта тузаттирамиз. **{Будильникни қўлига олади.}** Худди болалик пайтларимдагидек, ҳар куни тонгда мени уйғотади. **{Юлдузхонни кўрсатиб.}** Уни ҳам.

ҲАЛИМА ХОЛА — Мени ҳам... Кейин ҳаммамиз йиғилиб, нонушта қилгани ўтира-миз. Бу бўлса «чиқ-чиқ», «чиқ-чиқ» қилиб, янги ҳаётимизнинг соатларини, кунларини, ҳафталарини ҳисоблайди.

ВАҲОБЖОН — Ойижон, шу ерда, биз билан биргалигингиздан хурсандман...

ҲАЛИМА ХОЛА — Энди доим сизлар билан бирга бўламан...

**{Пауза. Кейин бирдан будильник жиринглай бошлайди. Парда аста-секин ёпилади.}**

Русчадан Диплом ШОМИРЗАЕВА таржимаси.

# «ЁШЛИК» МУШОИРАСИ

Иброҳим АЗИМБОВ

## ОПАМГА

Баҳор ёйди йўлларимга лолалардан пойандоз,  
Қалдирғочлар чуғурлашар симларда ўйнаб ғужғон.  
Гуллаётир Ўзбекистон боғ-роғлари қандай соз,  
Бугун яна ёдга олдим Сизни — мунис опажон.

Илк баҳорни севардингиз, опажоним, қанчалар,  
Тушмас эди чаккадан гул, сочингиздан толпопук.  
Бугун катта дарахт бўлди ўша митти толчалар,  
Чаккангизда кумуш тола, опа, аҳволлар нечук?

Ўйнардигиз чиллагимни қарсиллатиб учуриб,  
Варрагимнинг ипларидан тортардингиз завқ билан.  
Йиллар кетди болаликни болачиғдай учуриб,  
Фақат қолди хотиротлар беташвиш болалиқдан.

Бекинмачоқ ўйнар эдик қувлашиб бир-биримиз,  
Қотиб-қотиб кулар эдик қизиқ ҳол рўй бергандай,  
Бугун энди сиз ўттиз беш, мен ўттизда турибмиз,  
Умр бекинмачоқ каби тез ўтиб кетаркан-да.

Баҳор чоғи келганида қийқиришиб турналар,  
Биз ҳам кутиб олар эдик, чапак чалиб қийқириб.  
Бугун энди, опажоним, жонгинангиз қийналар  
Шўхлик қилса олти бола олти томондан туриб.

Кундуз ишда банд бўласиз, кеч — оила ташвиши,  
Кир ювасиз, нон ёпасиз қўлга тегмай қўлингиз.  
Деярдингиз, топмоқ керак бахтни ишлаб, курашиб,  
Опажоним, қани айтинг бахтлимисиз ўзингиз?

— Ҳа укажон, бахтиёрман, — дейсиз маънос жилмайиб,  
Бахтим шу-да — бўлишса гар жиянларинг соғ-омон.  
Олти чақноқ шунқорларим улғаймоқда йилма-йил,  
Шулар бахтин кўрсам энди, юракда қолмас армон.

Ох, бунчалар куйинчаксиз онажонлар, оламда —  
Сиздан улғу меҳрибонроқ бормикан биронта зот.  
Барча қувонч, барча шодлик бўлсин дейсиз боламга,  
Сизсиз етим бўлиб қолар эди, ахир, бу ҳаёт.

Баҳор ёйди йўлларимга лолалардан пойандоз,  
Қалдирғочлар чуғурлашар симларда ўйнаб ғужғон.  
Гуллаётир Ўзбекистон боғ-роғлари қандай соз  
Бугун яна ёдга олдим Сизни — мунис опажон.

Нуриддин АМИНЖОНОВ

## ЕР ХАБАРИН СЎРАСАМ

Урди тугён қалба илҳом ёз дебон ёр васфини,  
Васфини мадҳ айламоқ-чун қўлга олдим расмини.

Суратидан мадҳ этишга келди сўзлар, қонмадим,  
Шул сабабдан йўлга чиқдим, учратай деб аслини.

Йўл яқоси турфа гуллар дилга солди ёр сўзин,  
Дерди дилдор: «Мен севарман турфа гуллар фаслини».

Токи танда қон кезаркан мен учун ҳам гул азиз,  
Чунки гулзор ҳаёда этган дилбарим буй-бастини.

Ушбу дамда ғунчалардан ёр хабарин сўрасам,  
Дейдиларки: «Кўрмадик, биз ҳам соғиндик васлини».

Минг хаёллар бирла бордим, чорладим останасин,  
Чикди ёр топдим, Нуриддин сурат эмас аслини.

Т о ш к е н т.

## Рисолат АСИЛБОВЕВА

### ОНАМНИ ҚАЙТАР

Суюнганим — онам ҳаёти сўнди,  
Наҳотки рост бўлса аччиқ ҳақиқат.  
Ғам билмас чеҳрамга маънослик қўнди,  
Йўқ, асло инонмам, қилолмам тоқат.

Саҳар сочларимни ўриб қирқ кокил,  
Юмушга узатиб қўярди ўзи.  
Тўйгинамга атаб тикарди палак,  
Нақд бахтим эди-ку, айтган ҳар сўзи.

Улим, малъун ўлим, бу қандай даҳшат,  
Етим қалбим ўксиб бўзлар қошингда.

Ҳали кўп яшайман деб эдинг фақат,  
Норасида укам йиғлар бошингда.

Орзуси армонда кетган онажон,  
Қайлардан излайн маъсум юзингни.  
Айрилик доғидан нимта-нимта жон,  
Наҳот кўкдан топмам у юлдузингни.

Ёлвориб сўрайман ҳар дардқашимдан,  
Ёлвориб сўрайман, қодир табиат,  
Ёлғиз юпанчимни қайтар ўзимга,  
Йўлимга нур сочсин, у қуёш талъати..

Т о ш к е н т.

## Тўхтамурад БАҲРОМОВ

### ТЕНГДОШИМГА

Қадамим куррамизнинг ҳар қутбига етади,  
Хоҳиш бўлса бас.  
Нигоҳим денгизларнинг туб-тубига етади,  
Хоҳиш бўлса бас.

Юлдузларни забт билан кафтда тута оламан,  
Истасам агар.  
Қуёшга етмоқ аҳдим, зумда ета оламан,  
Истасам агар.

Мақсадга томон шитоб бормоқдаман, йўл равон,  
Дўстим, ҳамроҳ бўл.  
Яккалар ёлғиз ўзи орзуга етган қачон?  
Дўстим, ҳамроҳ бўл.

Нур деб туғилган эдим, нурга талпиниб ўсдим,  
Юр, нур тутайлик.  
Ерни чулғайлик нурга, дадил юр, дўстим,  
Юр, нур тутайлик.

Т о ш к е н т.

**ЧУҚҚИ**

Нечун чўққи устида шўхчан  
Умид каби ялтираган нур —  
Одамзодга энг гўзал, энг шан,  
Манзил каби бўлиб кўринур?

Нимадир у — инсон зотини  
Юксаликка чорлаган сеҳр?

— Елғизликнинг мангу тахтими  
Ё азалий заминга меҳр?

Чўққи — е-р-кўк бирлашган олам,  
Кузатмоқ хуш яқин-йироқни,  
Юлдузларга қўл чўзиб одам,  
Тавоф айлар она тупроқни...

**Қ ў қ о н**

Авазбек **ДАЛИЕВ**

**ХУР ҚИЗЛАР ХОНАТЛАС КИЙГАНДА**

Кўзларга лолазор кўринур дунё,  
Табиат, ҳаво ҳам бўлур мусаффо,  
Кўкда ҳам камалак бўлармиш пайдо,  
Борлиқ ҳам сайқал-ла чалармиш наво,  
Хур қизлар хонатлас кийганда гўё.

Нур берар кўзларга олов рангидан,  
Олганми рангини субҳи тонгидан,  
Гар юрса товланар ранги янгидан,  
Лол қолур ҳуснига бу азим дунё,  
Хур қизлар хонатлас кийганда гўё.

Сойларнинг шалола зилол сувидай,  
Қирларнинг лолазор алвон нуридай,  
Ё нафис у тонгнинг шабнам дуридай,  
Қалбимга дур бўлиб киради дунё,  
Хур қизлар хонатлас кийганда гўё.

Товланар минг рангда мисли чаманзор,  
Ранглардан гулдаста қилганми дилдор,  
Кўнглини нақадар этади хумор,  
Барча дил ёшлигин қилади иншо,  
Хур қизлар хонатлас кийганда гўё.

**А н д и ж о н.**

**ҚАЛБИМ ИЧРА**

**Олқор ДАМИНОВ**

— Қалбинг ичра не бор?— дединг,  
— Нозик-нозик ҳислар бор.  
— Қалбинг ичра не бор?— дединг,  
— Хўшбўй-хўшбўй ислар бор.

— Қалбинг ичра не бор?— дединг,  
— Лолазор — ул гўзал бор.  
— Қалбинг ичра не бор?— дединг,  
— Она-Ер бор, дўстлар бор.

\* \* \*

Қучоқлашиб ўсади шохлар  
Ва кўшилиб оқар ирмоқлар.  
Фақат бизни, биргина бизни  
Гурур деган нарса қийноқлар.

На мен сенга этурман парво,  
На сен менга қилурсан шафқат.  
Икки мағрур аро овора —  
«Жони тошдан яралган» тоқат...

**Т о ш к е н т**

**Ҳамидулла ИСМАТОВ**

**ПОЛИГОНДА**

Қир-адирда полалар гилам,  
Сархуш еллар майин эсади.  
Шундай ажиб сеп ёймиш кўклам,  
Она ернинг кўксин безатиб.

Бу гулларни эзгилаб янчиб,  
Вазмин танклар ўтиб кетдилар.

Эндигина улар юз очиб,  
Маъсум бўлиб кулган эдилар,

Қолган гуллар аламга тўлиб,  
Бош тебратар сокин елларда.  
Энди олам ўзгача бўлиб  
Туюларди ушбу гулларга...



## ХУШ ЭНДИ

[Кекса чўпоннинг тоғ билан хайрлашуви]

Қўйлар боқиб кездим адир-қирингни,  
Мендан ўзга яхши билмас сирингни,  
Омонлашиб чиқдим қўймай бирингни,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Ўйлаб кўрсам гул ёшлигим сўнибди,  
Азиз бошга қиров келиб кўнибди,  
Чўпонинг ҳам кексаликка кўнибди.  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Кексайганда ташлаб кетдим сизларни,  
Соғинаман қўйлар юрган изларни,  
Сиз, тоғлар ҳам унутмангиз бизларни,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Дўмбирадан куй таратиб қўй боқдим.  
Меҳнатимдан элу юртимга ёқдим,  
Таёқ билан писталарингдан қоқдим,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Қўмсаганман келмас ўтган кунларим,  
Сендан бошқа ким тушунар имларим.

Кетиб қолсам бунда чиқмас унларим,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Таёғим турмаган жойлар қолмади.  
Отарим юрмаган сойлар қолмади,  
Мен чалиб кўрмаган найлар қолмади,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Қўйлар учун бўриларман олишдим,  
Яйлов учун чўпонларман солишдим,  
Тошқин селдан чўлиқларман нолишдим,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Меҳнатимдан топдим шарафу шонлар,  
Кўксимга тақилди олий Нишонлар,  
Қўйнингда яйради гулдайин танлар,  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди.

Отарни топширдим ўғлим Чорига,  
Ишончим оқлаган йигит норига,  
Шукрона қиламан шунинг борига...  
Яхши чоғлар ўтган тоғлар, хўш энди...

Сурхондарё.

Жўрабек НАЖИМОВ

## ТАҚДИРИНГНИ ЎЗИНГ ЯРАТ...

Сокинлик қўйнида хаёлинг чалкаш,  
Кимгадир қалб сирин очгинг келади.  
Бу тонгги сабо ҳам йўқлаб бир нафас,  
Юрагингга таскин бермоқ бўлади.

Паришон кўнгилни юпатиб гоҳо,  
Хаёлан сўзлашиб сиринг айтасан.  
Боғлар аро яна кезурсан танҳо,  
Лекин яна маъюс изга қайтасан.

Интилиб яшарсан умидинг билан  
Зотан, қалбингни-да истаги шулдир.  
Биламан, умрбод севасан дилдан,  
Муҳаббат қудрати — сўнмас қолдуздор.

О, дўстим, бунчалар бўлмагин ғамгин,  
Умидни узмагил, тушқунликни от!  
Фақат тақдирингни ўзинг яратгин  
Ва бўлсин қалбингда ирода, сабот.

Ўш.

**ОНАЖОН**

Бизни мурғак болалиқдан учирма қуш қилгунча,  
Сочингизга оқ ҳам тушди, меҳрибоним онажон  
Дилкашинам, кўнглингиз оқ сеҳргармисиз шунча,  
Бердингиз-ку ақл-идрок, ўтли сурур, ҳаяжон.

Етти фарзанд, етти ташвиш, етти шодлик ўстириб,  
Онам, адл қаддингиз ҳам адллингиз йўқотган.  
Сизнинг тиниқ ўйларингиз чувалатиб тўздирик,  
Бугун яна кўзларингиз ўйчан, хаёлга ботган.

Дейсиз, шукур, болаларим топиб кетди йўлини,  
Она зоти куюнувчан бўлармикан азалдан.  
Бизсиз бир дам ёрқин нур ҳам ёритолмас йўлингиз, —  
Сағал озиб ё тўлишсак қолмас сергак назардан.

Сизга боқиб ҳаёт нима, мазмунини ўргандик,  
Эрка ҳаёт ташвишию шодлигига боқдик жим.  
«Кўрай кўзда денгиз аксин ҳар мушкулга қара тик»,  
Дея бизга ўргатгансиз, жоним қадар суюқлим.

Бугун бахт ва омад излаб олисга йўл олдик биз,  
Муқаддас шул қўлларингиз юзингизга тортилур.  
«Босган изинг оқ бўлсин» деб пичирлайди лабингиз,  
Сўнгра дейсиз: «Болажоним, уйга тез-тез келиб тур».

Юлдузлардек пок, беғубор сизнинг ҳар бир аллангиз,  
Борлиқ тўлар маъсумалик оҳангига лиммо-лим.  
Онам бу дам алла айтар бахтдан, қулоқ солингиз,  
У қуёшдек мангу, ёрқин — қулоқ осган дунё жим...

Чиноз.

Бахшулла РАЖАБОВ

**АПРЕЛЬ**

Ниҳолларнинг орзуси новдаларга чирмашди,  
Боғ-бўстонлар кўйлаги зумрад, ҳарир, нопармон.  
Мажнунтоллар сочига ошиқ кўзлар тирмашди,  
Жийда гулин ҳидидан энтикади қиз-жувон.

Момик орға сочилди бобо деҳқон умиди,  
Ернинг яшил рангини бошга кўтарди чигит.  
Далалардан анқиди ғўза ҳиди, гул ҳиди,  
Кекса деҳқон юраги жўш урди — мисли йигит.

Кўзичоқлар ноласи чечакларга урилди,  
Майсаларда мавжланар ризқ деган соҳир ҳаёт.  
Чўпонларнинг хаёли бир чеккага сурилди,  
Орзуларга қоришган ташвишлар қоқди қанот.

Баҳор қалбим жомига қўшиқ бўлиб қуйилди  
Нурга ташна нигоҳим қамраётир оламни.  
Ранглар қўшиқ сатрига бўёқ бўлиб қуйилди,  
Бугун сармаст ҳисларга кўмгум қалбу қаламни!

Бу х о р о.

## ПОЙГА

Жиловдорим, тилсиз отман,  
 Ичим куяр, билмассан.  
 Осмон эди бошинг сенинг,  
 Энди эса кулмассан...  
 Ёт юртларда йигит қалбинг  
 Армонларга тўлади.  
 Чавандозим, бу пойгада  
 Ўзга ғолиб бўлади...  
 Сабил қолсин пойга бермай,  
 Касод бўлсин бозори...  
 Гул юзлини умид этиб  
 Чекар бўлдинг озорин.  
 Қамчиларинг бошда ўйнар,  
 Ширин жоним оларсан.  
 Ожизмасман, лек сардорим,  
 Бугун ортда қоларсан...  
 Ҳамла қилсам чанг ютади,  
 Олдимдаги тўриқ от.  
 Ғолибликка қўймас, нетай,  
 Қалбимдаги садоқат...  
 Ёлвормагин, ортиқ қўйиб  
 Номусингни ўртага.  
 Шу номус деб кетмоқдаман,  
 Тилсизингни ўртама.  
 Чополмасман, кечаги тун,  
 Оёқларим боғлайди...  
 Пойга эмас, ўша оқшом  
 Юрагингни доғлайди...  
 Кўз ўнгимдан кетмас нари,  
 Ой чиққан чоғ осмона.

Кириб келди, кўр бўлгур-ай,  
 Қулиб-кулиб мастона.  
 Кейин борди олдимдаги  
 Қора тўриқ ёнига.  
 Маликани қилмишлари  
 Ташна этар қонимга...  
 Эгам, тунда кўрганларим —  
 Кўрсанг, ўзинг билардинг...  
 Тўриқ отнинг туёқларин —  
 Упиб, ёлин силарди.  
 Айтгин, ўзинг, эгажоним,  
 Энди қандоқ учарман.  
 Энди қандоқ бу пойгада  
 Ғалабалар кучарман...  
 Қай кўз билан боқай, ахир,  
 Тўриқ отнинг кўзига...  
 Жиловдорим, қандоқ босай,  
 Оёғимни юзингга...  
 Кўрсатмасман маликага  
 Биз туғилган Ватанни.  
 Сочларини силар ўзга  
 Ўлдир мани, сўй мани.  
 Майли, хор қил, ҳайдаб юбор,  
 Аламингга чидолмай.  
 Бошқа отлар қолаверар  
 Чангимга ҳам етолмай...  
 Не қилсанг ҳам жиловдорим,  
 Сенга содиқ зотдирман.  
 Тулпорларнинг тулпориман,  
 Мен ҳақиқий отдирман...

Тошкент.

Набижон СОЛИЕВ

## ҚУШИҚ ТОПСАМ...

Ҳузурингга учиб боргайман,  
 Юлдузларни қучиб боргайман,  
 Бўрон каби кўчиб боргайман,  
 Қўшиқ топсам сенга муносиб.

Дардларимни жо этай унга,  
 Умидимни беркитай унга,  
 Қалбдан олиб ўт тутай унга,  
 Қўшиқ топсам сенга муносиб.

Йироқларга етсин парвози.  
 Еру кўкни тутсин овози,  
 Сени қучиб, маст этсин сози,  
 Қўшиқ топсам сенга муносиб.

Унда мендан армон кетарди,  
 Туманлардай тарқаб кетарди,  
 Висолингга имкон этарди,  
 Қўшиқ топсам сенга муносиб.

Наманган.

ЕЗ

**[Болаларга]**

Тағин келди ёз,  
Гўзал ҳар томон  
Шундай дамларда  
Яйрар танда жон.

Сойлар тўла сув —  
Тиниқ ва зилол.  
Бу сувлардан сен  
Қониб ичиб ол.

Бу чоғ қушлар ҳам  
Салқинни излар.  
Қорли тоғларга  
Интиқмиз бизлар.

Ҳаммамиз, хурсанд,  
Шодланамиз боз.  
Ёзимиз шундоқ,—  
Утар ҳар йил сози!..

Ленинобод.

**Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ**

**ИСТАК**

Имкони бўлсайди шўх болаликка,  
Тағин қайтмоқ учун қилгум ихтиёр.  
Ахир, у дамдаги қалби покликка,  
Энди етишмоққа илинжим бисёр.  
Болага бегона барча ғам-ташвиш,  
Нопоклик, қаллоблик бутунлайн ёт.  
Оламга боқаркан болакай сархуш,  
Тиниқ ўйларидай, тиниқдир ҳаёт.  
Масрур болаликнинг ширин онига,  
Ҳеч кимса, ҳеч қачон қайтолмаса ҳам,—  
Етуклик чоғида, бор имконида,  
Бола қалби билан яшаса одам...  
Сурхондарё.

ПАХТАЗОР ҰЙЛАРИ

Мавжлар зарбасига беролмай бардош,  
Денгизда чайқалган кема сингари:  
Гоҳ сокин, гоҳ майин ўйнайди ювош  
Кўзнинг оғушида дарахт барглари.  
Дарахт баргларидек титрайди тинмай,  
Пайкалда бўй чўзиб турган ғўзалар.  
Йўқ, булар аслида жуда эринмай  
Ғўзага айланган оддий туйғулар,  
Қолдирмоқчи каби ўзларидан из,  
Марварид маржонлар тақишган атай.  
Гўёки, бу ерда сонсиз-саноқсиз,  
Оппоқ капалаклар учар пайдар-пай.  
«Оқ олтин» ишқида тўлғанар дунё  
Агрегат чайқалар, тинмас қари-ёш.  
Ҳаттоки, эртaroқ чиқайин дея,  
Хирмонлар ортига ёнбошлар қуёш.  
Далалар бағрида олмоқда нафас,  
Ҳали битилмаган қувноқ куйларим.  
Йўқ, булар шунчаки хаёллар эмас,  
Пахтазор ўйлари — менинг ўйларим.

Б о ё в у т.

У с м о н ж о н Ш У К У Р О В

\* \* \*

Қуёш порлар шабнамда,  
Япроққа бағрин қўйиб.  
Қойилман бағрни ўтдан —  
Кетмаганига куйиб,  
Мен қойилман япроқнинг  
Бағрининг кенглигига.  
Қуёшни кўтаролган  
Қудратин чўнглигига!

А н д и ж о н.

**САЙЁҲ**

Регистон саҳнида бир сайёҳ кезар,  
 Ҳорғин кўзларида йилтирайди ёш.  
 Олис хотиралар бағрини эзар,  
 Олис хотиралар кўтармоқда бош.  
 Йигирманчи аср. Йигирманчи йил.  
 Кўзига қон тўлган баёнлар, ана,  
 Сўнги бор қурурлар бунда тантана,  
 Сўнги бор қилурлар базм ва сайил.

Қалами бўз яқтак, қалампир дўппи,  
 Хизматда чарх урар содда ўспирин.  
 Хўжасин таклифин ўйлади, кўнди,—  
 Тонг билан ҳорижга қочар яширин.  
 ...Лаънат сенга у дам алданган ақл.  
 Лаънат сенга у дам сўлга оққан бош.  
 Регистон саҳнида бир сайёҳ кезар  
 Ҳорғин кўзларида йилтирайди ёш.

Ленинобод.

**Дилбар ҲАЙДАРОВА**

**ДУГОНАМГА**

Эртақларга айландимми, малагим,  
 Бемехр деб сайландимми, малагим,  
 Мактубларга жойландимми, малагим,  
 Соғинчларга бойландимми, малагим,—  
 Бир бор бўлиб, бир йўқ бўлиб Сиз учун.

Орзулардан шартта кечиб бўлмаса,  
 Қушлар мисол сизга учиб бўлмаса,  
 Соғинганда сизни қучиб бўлмаса,  
 Бу ҳижронни майдай ичиб бўлмаса,—  
 Бир зор бўлиб, бир зўр бўлиб Сиз учун.

Қорлар босди йўлимизни фасли ишқ,  
 Бойчечакдай бўйлаб ётар фасли ишқ,  
 Қанотларин ёзган мисол бир оққуш,  
 Юрагимда туйғуларим ҳур қўшиқ,—  
 Баҳор ўзим, наҳор ўзим Сиз учун.

Эртақлардан чиқиб ўзим оҳиста,  
 Эртақ ёзган қўлни тутай, моҳитоб,  
 Йўлларида довдиратар ох, истак,  
 Соғинчларим сизга тўкай, моҳитоб,—  
 Муродларга-мақсадларга етган кун.

Наманган.





## УСТОЗЛАР — ШОГИРДЛАРГА



Миртемир. «Шеърлар».

Рассом Б. Ш т и н.



## ТАЛАНТ ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг Ёш ёзувчилар билан ишлаш Совети раиси, шоир **Эркин ВОҲИДОВ** билан танқидчи **Умарали НОРМАТОВ** суҳбати

**ТАНҚИДЧИ. КПСС XXV съездида:** «Чинакам талант кам учрайди. Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир»,— дейилди; ёш авлоднинг миллий адабий бойликлар яратишдаги ролига катта баҳо берилди; Л. И. Брежневнинг съезда қилган докладыда: «Ижодкор зиёлиларимизнинг ёш авлоди ҳаёт кучоғига тобора дадил кириб келаётганидан хурсандимиз»,— деган сўзлар бор. Ёш талантлар тарбияси ҳақида катта ғамхўрлик қилинапти. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори бу масалага бутун жамоатчилик эътиборини жалб этди.

Ҳаммага аёнки, бадиий талант туғма бўлади, агар одамда бадиий ижодкорлик хислатлари бўлмаса, уни тарбия, ўқитиш йўли билан ҳосил этиш асло мумкин эмас. Бироқ шу туғма талантнинг, кишидаги истеъдод қирраларининг очилишида теварак-атрофдагиларнинг, муҳит, шароитнинг роли жуда катта. Партия масаланинг худди шу томонига жамоатчилик эътиборини тортаётганлиги тасодифий эмас. Адабий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган деб бўлмайди. Айтайлик, боладаги ашулачилик қобилиятини аниқлаш нисбатан осон, унинг овози бор ёки йўқлигини кўпчилик ажрата олади. Телевизорда ўтказилган «Куйланг, ёш хонандалар!» конкурсида ёшларнинг ижрочилик қобилиятини баҳолаш тингловчилар оммаси ихтиёрига ҳавола этилди ва табиийки, кўпчилик баҳо беришда янглишмади. Сўз санъатига лаёқатни-чи? Унга оммавий тарзда объектив баҳо бериш мушкул. Мактаблардаги адабиёт ўқитувчилари орасида ҳам истеъдодга тўғри баҳо бера оладиганлар сийрак учрайди. Хўш, амалда бу иш билан ким шуғулланапти?

Менимча, шу мураккаблик туфайли баъзан бу борада чинакам истеъдодлар очилмай қолиб кетади, баъзан эса, бошқа тўғри раҳнамо бўлмаслиги туфайли киши узоқ вақт ўз йўлини тополмай довдираб юради, ачинарли жойи шундаки, айримлар

шунчаки бир ҳавас билан адашиб адабиёт даргоҳига кириб қолади-ю, бир умр унда «ўртача» ёки «ёш ижодкор» бўлиб қолаверади. Бу ҳол адабиётнинг сифати соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатади, ўртамиёна асарларнинг кўпплаб пайдо бўлишига замин ҳозирлайди...

**ШОИР.** Фузулийда шундай бир мисра бор: «Навбахор ўлгач тикандан барги гул изҳор ўлур». Давримиз шундай даврки, ҳар бир ёш қўлига соз олгиси, қалам тебратгиси келади. Партиямиз, халқимиз эса ҳар бир яхши ниятли қалб эгасини ардоқлайди, меҳрибонлик кўрсатади. Бу айтмася ҳам ҳамма биладиган ҳақиқат.

Энди гап ўша соз ёки қалам тутгувчининг иқтисодию лаёқатида.

Эсимда бор: эски маҳалламизда катта-кон бир туп тут бўлар эди. Биздан бир-икки ёш каттароқ Ғани деган бола ҳар куни эрталаб ўша туп устига чиқиб ашула айтарди. Аслида унинг айтадигани ашула ҳам эмас, ғайритабиий бир қийқирик, томоғига дон тикилган хўрознинг қичқирғига ўхшаган бир нарса эди. Овози янги раста бўлган бу ўспириннинг «нола»си кўпчиликнинг ғашига терса ҳам, қизиғи, ҳеч ким: «Ҳе, бас қил, ўчир овозингни»— демас эди. Аксинча, ўтган-кетган: «Яшанг, ҳофиз! Жуфт бўлсин!»— деб қўйишарди. Унга сари ҳалиги бола ашулани баландроқ пардаларга кўтарар, овози бамисоли ойнада тирноқ юргандек ғийқиллаб жонга тўгар эди.

Ғанивойга ҳамма эҳтиром билан «Дўст!» дейишига бир сабаб бор эди. Уша сабаб бўлмаса-ку, маҳалламиздаги чапани йигитлар унинг овозини ўчириб қўйишар эди. Сабаб шуки, Ғанивой маҳалламиздаги эътиборли бир одамнинг ўғли эди. Бунинг устига у чиқиб ашула айтадиган туп жуда баланд, ундан бутун маҳалла кўринар эди. Ғанивой кимнинг ҳовлисида нима гап бўл-япти, ҳаммасини кўриб турар, ҳаммининг сиридан воқиф эди. «Дўст, яшанг!» демак кўринг-чи: бирор сирингизни ашулага қўшиб айтиб юборса— қип-қизил шарман-

далик. Яна Бунинг устига Ганивой ҳар гал ашула айтгани тутга чиққанда кўйинини кесак билан тўлдириб чиқар эди. Қурғур ўзи ҳам ёмон мерган эди-да. Не-не шляпаларни учирмаган, не-не саллаларни чуватмаган.

Хуллас, ана шу юқорида кизр этилган сабабларга кўра Ганивойга ҳамма: «Балли» деган, ҳатто «Энди ҳали ёш-да, тағинам овози очилмаган, худо хоҳласа, Шаллапин ўзимизнинг маҳалладан чиқади», деб ҳам айтишган. Лекин ундан Шаллапин тугул ўзимизнинг баъзи ҳофизлар қатори ҳам ашула чиқмади.

Нима демоқчиман? Айтмоқчиман-ки, ашулачининг ҳам, шоирнинг ҳам, умуман, санъаткорнинг катта-кичиги, ёш-қариси бўлмайди. Ёш талант улғайиб катта талант бўлади, ёш қофиябоз улғайиб катта қофиябоз бўлади. Ҳамма гап уларни ёшлигида фарқлай олиш, талантни тарбиялаш, қофиябозга «қўй, акаси, одамларнинг ғашига теяпсан», деб айта олишда. Бу гапни айта оладиган одамнинг уйда чўчидиган сири, бошида омонат шляпаса бўлмаслиги керак. Бундай одам — танқидчи.

ТАНҚИДЧИ. Сиз-ку, болалик хотираларингизни эслаяпсиз. Яқинда ҳузуригма республикамизнинг олис бир районидан қалин папка қўлтиқлаган йигит келиб, асари ҳақида маслаҳат беришимни илтимос қилди. Бу ўртоқ каттагина ҳаётий тажрибага эга, олиёй ўқув юртини тугатган, ўрта мактабда жамиятшуносликдан дарс берган, армия хизматини ўтаб қайтган, кўп асар ўқиган, суҳбатда маълум бўлишича, адабиётга ҳавас қўйиб, кўпдан бери қалам тебратди. Бадий ижод билан астойдил шуғилланиш ниятида у мактабдаги ишни ҳам ташлабди, мана энди кечаю кундуз тинмай ёзар экан, ҳозирга қадар бир неча романни тахт қилиб қўйибди. Қўлғезмаларини адабиётдан хабардор жўраларига кўрсатган, барчаси унга, кўнгил учун бўлса керак, далда беришаверган. Лекин унинг кўп йиллик заҳматлари рўёбга чиққани йўқ, машқларидан бирор сатри ҳам дунё юзини кўрган эмас. Унинг етти қиссадан иборат «романи» билан танишиб қикдим. Йигитнинг шунчаки кўрган-кечирганларидан иборат бу нарса бадииятдан ниҳоятда йироқ эди. Мен унга ётиги билан бор гапни айтдим, «асар»нинг икки-уч саҳифасини ўқиб унинг нуқсонларини тушунтирган бўлдим. Катта умид билан келган йигитни ўқситиб қўймадиммикан, деган ҳижолатда эдим, аксинча у қувонч тўла кўзлари билан менга юракдан «рахмат» деди. Ҳозиргача ҳеч ким ҳақиқатни дангал айтмаганидан афсусланди. Қишлоғига борибоқ ишга қайтишга, бўш вақтлари кичик жанрларда машқ қи-

либ кўришга ваъда қилди. Орадан бир ой ўтиб ҳикоя юборибди. Буниси анча дуруст, лекин ҳозирча матбуотга тавсия этиш учун эрта. Мен шу ҳақда ёзиб юборган эдим яна жавоб келди, қизиғи шундаки, бу сафар у асар юбормабди, ҳикоя устида ишлаётганлигини айтибди, энг муҳими: «Авал менга асар ёзиш жуда осон туюлар эди, ижоднинг бу қадар мушкул эканлигини энди билипман»,— дебди.

ШОИР. Яхшиямки, кечикиброқ бўлса ҳам ҳақ гап айтилибди, айтилмаганда, эҳтимол, бу аянчли саргузашт умр бўйи давом этармиди... Улуғлардан кимдир айтган экан, «таланти одамларни суяш керак, талантсиз бунга муҳтож эмас, у ўзига йўлни топиб олади». Шу нуқтаи назардан қарасак ҳам, ёш талантлар ёрдамга муҳтож. Сиз ҳақсиз, адабий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган, деб бўлмайди. Мен бу ҳақда республика ёзувчиларининг сўнги съездида ҳам гапирган эдим. Такрор бўлса ҳам айтаман. Музыкага-ку, болани мурғак ёшидан ўргатадилар, саккиз яшарини ҳам кечикибди, дейдилар. Нега энди шоир тарбиясини газетга шеър олиб борганда бошлаш керак? Навоийнинг, Пушкин ва Лермонтовларнинг болалигини эсланг. Улар мурғак ёшдан адабий муҳит ичида бўлганлар. Қайси улуғ шоир ҳаёт йўлига назар солган, жуда ёшлигидан шеър ёзган, жуда ёшлигидан катта шоирларнинг назарига тушган.

Тарихни varaқлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Устоз Ғайратий озгина муддат раҳбарлик қилган «Ёш қаламкаш»лар тўғарагидан Хайриддин, Юсуф, Тўлқин, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Сайёр, қолаверса каминалари каби бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Биз тўғаракка борганимизда олтинчи-еттинчи синф ўқувчилари эдик. Билимдон устоз йўл-йўриқлари билан ўша вақтларда қилган машқларимиз маҳорат йўлидаги илк қадамлар бўлди.

Боланинг биринчи қадамини назорат қилиш керак. Оёқни қийишқ босишга ўргангандан кейин уни тўғрилаш қийин бўлади. Ҳозир мактаблар, пионер саройлари қошида юзлаб, минглаб адабий тўғараклар бор. Уларнинг қайси бирига атоқли шоир раҳнамолик қиляпти?

ТАНҚИДЧИ. Баҳсимиз талант тарбияси устида кетаётган экан, бир оз чекиниш қилиб, талант табиати, бадий талантнинг энг сеҳрли нуқтаси саналмиш илҳом онлари хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Бир қатор ёзувчи-ижодкорлар билан суҳбатлашганда шунга иқроқ бўлдимки, адибларнинг аксарияти бадий ижодда ихтиёрсиз ҳолатларнинг интуиция-

нинг ролини алоҳида бўрттириб кўрсатадилар; бадий ижод сирли, сеҳрли жараён, буни ҳеч ким инкор этолмайди; лекин мен бадий ижод бошдан-оёқ стихияли эканига унчалик ишонмайман, беихтиёр туғиладиган илҳомнинг, интуициянинг бениҳоя катта мавқени инкор этмаган ҳолда, у айна пайтда онгли жараён. Шунга кўра ёзувчи-шоир учун бадий ижоднинг қонуниятларини, маҳорат сирларини, ўзгалар тажрибасини пухта билиш фақат фойда келтиради. Утмишдаги ва ҳозирги кундаги улкан ижодкорларнинг тажрибаси буни тўла тасдиқлайди.

**ШОИР.** Мен илҳом деб аталган ҳолатнинг табиаи ҳақида кўп ўйлаганман. Бу ғайриоддий ноёб ҳолат. Шоир илҳом дақиқаларидагина ҳақиқий шоир бўлади. Бошқа вақтда у ўзгаларга ўхшаб фикр қилувчи оддий одам. Шоир илҳом онларида битган сатрларидан кейин ўзи ҳайратланиши мумкин.

**Зўр карвон йўлида етим бўтадек  
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.  
Энг кичик заррадан Юпитергача  
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш.**

Бу сатрларни битган вақтда Ғафур Ғулломнинг вужуди кафтдаги симобдек қалқиб турганини тасаввур қилса бўлади. Бунақа шеърларни шунчаки ўтириб, мана энди шеър ёзмаган, деб ёзиб бўлмайди. Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам илҳом ҳолатининг сеҳрли эканига ишонгим келади. Лекин бу ҳолат осмонга боқиб кутиб ўлтириш билан келмайди. «Фауст»да айтилганидек:

**Шеърй кайфиятни тек кутган шоир  
Умр сўнгигача кўтиши мумкин.**

Илҳом узлуксиз изланиш, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш натижасидир. Шу маънода у онгли жараён. Талантнинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат, деган сўзни мен шундай тушунаман. Илҳом туйғуларининг шоир қалбидан тошиши, шоир хаёлида туғилган шеърй ниятнинг етилиши ва вужудни ларзага солишидир. Фикр ва туйғулар эса изланишдан дунёга келади.

Илҳомсиз ҳам асар ёзиш мумкинми? Мумкин. Лекин бу жуда оғир меҳнат — ёзиш ҳам, ўқиш ҳам. Илҳомсиз ёзилган асар севгисиз олинган бўсадай совуқ бўлади.

**ТАНҚИДЧИ.** Мен шундай ёзувчиларни биламанки, улар чиндан ҳам ноёб истеъдод эгаси, афсуски, уларда профессионал билим, донишмандлик етишмайди. Агар ўша ноёб истеъдодга юксак профессионаллик, билимдонлик қўшилса борми, у яратган асар қанақа юксакликка кўтарилиши мумкин эди!

**ШОИР.** Ёзувчи бўлиш учун жуда кўп, беқиёс кўп хислатлар бир шахсда мужассам бўлмоғи керак. Истеъдод, билим, меҳнат-севарлик, замон ва макон туйғуси, закиятлик, қатъият, руҳан ва жисман поклик, адолат туйғуси, курашчанлик, фидойилик, ҳайратлиниш ва ёнабилиш қобилияти ва ўнлаб бошқа фазилатлар... Шунинг учун ҳам ҳақиқий ёзувчи ҳамма замонларда кам бўлган, шундай маъмур юртда ҳам жуда кам.

Профессионал билимдонлик эса ана шу фазилатларнинг бири бўлиши керак, фақат бири. Бари бир истеъдод бирламчи, қолган ҳамма фазилатлар, шу жумладан профессионал билимдонлик ҳам иккиламчи.

Профессионал билимдонликни иккиламчи деганим — уни иккинчи даражали нарса деганим эмас. Адабиётда жиндай қаламини синанган, бари-икки асарини китобхона маъқул қилган ҳар бир шахс ўзига савол бериши керак: «Адабиёт менга ҳунарми ёки ҳаваскорликми?» Шу масалани узил-кесил ҳал қилиб олмагунча у ҳаваскор бўлиб қолаверади. Бундай одам адабиётга астойдил кирмайди, чиқиб ҳам кетмайди. Мен адабиётда ҳаваскорлик эмас, профессионаллик тарафдориман. Адабиёт ёзувчининг эрмаги эмас, ҳунари, яшаш тарзи, оши ҳалоли бўлса дейман. Чунки адабиётнинг оммавийлигини оммавий ёзувчилик деб тушунамаслик зарур.

**ТАНҚИДЧИ.** Тўғри, истеъдодсиз киши сўз санъатининг қонуниятларини қанчалик чуқур билгани билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Биз адабиётшунос-танқидчилар буни эътироф этамиз-у, профессионал билимдонлик туфайли таланти ёзувчи нималарга эришганини етарли равишда кўрсатиб бераётимиз. Марказий Комитет қарориде ёшларга профессионал тарбия бериш, уларнинг профессионал маҳоратини, Ватаниннинг ва жаҳон маданияти тажрибасини ўзлаштириши учун зарур чоралар кўриш лозимлиги таъкидланади. Шу мақсадда 30-йилларда машҳур бўлган «Литературная учеба» журналининг яна чиқарили бошлашни мақсадга мувофиқ деб топилди.

**ШОИР.** Бу ўз вақтида айтилган зарур гап, ниҳоятда муҳим тадбир... Ўз-ўзини танқид яхши хислат. Танқиднинг «етарли равишда кўрсатиб бераётган» ишлари анчагина бор. Танқидчиларимиз машҳур лулаларини йўқатиб қўйганга ўхшайдилар. Бадий асарни сўзма-сўз жумлама-жумла таҳлил қилиш, шоир ёки ёзувчининг заргарлик хислатини ўрганиш ва назорат қилиш етишмаяпти.

**ТАНҚИДЧИ.** Бир вақтлар адабий асарни форма томонидан текширишни биринчи

шана кўни қоллари бўлган, би ҳақли равишда қорланган. Койинги пайтларда сўз санъатини комплекс тарзда — ҳам ширин, ҳам мўлҳум компонентларини бир бутун ҳолда текшириш одат тусига кира ботилади. Бироқ бу ҳол шакл масалаларини маълумдан, асар контекстидан ажралмаган ҳолда алоҳида текширишга монелик қилмастлиги керак. Қаранг, ҳозирги шеърятимиз ҳақида кўплаб мақолалар чиқяпти, лекин шеърятнинг шаклий томонлари ҳақида бирорта ҳам махсус жиддий мақола-ни кўрганимиз йўқ. Шеърнинг ички тўқимаси, тузилиши, ҳиссий оҳанги, ритми, қофияланиш тартиби, шеърда маъно ва мантиқ йўналиши, бир сўз билан айтганда, шеърини асар поэтикаси, ундаги мутаносиблик қонуниятни конкрет равишда таҳлил этилмаяпти. Шуниси ачинарлики, энг яхши шеърини асарларимизда ҳам поэтик яхлитлик, мутаносиблик жиҳатидан қандайдир қусур топилди. Бу ҳолатни кўпинча биз «одатдаги қолиплардан, схемалардан қочиш» деб талқин этамиз. Эҳтимол, меъдага теккан, оригиналликка, новаторликка, ҳаётийликка монелик қиладиган схемалардан қочиш табиийдир. Аммо ана шу широр остида мутаносиблик қонуниятларидан чекиниш бадийликдан чекиниш демакдир. Чунки табиатнинг, ҳаётнинг ўзи ақл бовар қилмас даражада мутаносиблик қонуниятини асосига қурилган. Табиатнинг ажойиб мўъжизаси саналмиш сўз санъати эса бу қонуниятдан четда турулмайди.

ШОИР. Биз бадий адабиётни сўз санъати деймиз. Улуғ ёзувчиларимизнинг, шoirларимизнинг сатрларидан санъат намунаси сифатида баҳра оламиз. Лекин ҳозирги замон асарларини шу жиҳатдан кам ўрганамиз, кам кузатамиз. Ҳаттоки, бунга икинчи даражали масала деб қараймиз. Нагижда кўпгина ёш шoir ва ёзувчиларда, яшириб нима қиламиз, катталарда ҳам ўзига талабчанлик туйғуси камайиб кетяпти. Газета ва журналларда босилаётган, китоб бўлиб чиқаётган шеърини оқимдан хотирда қоладиган, биз билан яшайдиган мисралар кам кўринапти.

Гап яна айланиб аввалги масалага — талантни ёшлиқдан тарбиялаш, ёшлиқдан заргарликка ўрганиш, қўнт ва чидамни сингдириш масаласига қайтяпти. Мен вазифа тақозоси билан ҳам кўп шеърини китоб кўлёмаларини кўраман, кўп ёш шoirлар билан суҳбатлашаман. Булар ичида шубҳасиз талант эгаси бўлганлари ҳам талайгина. Лекин бу талант эгаларининг ичида шеър техникасининг ибтидий талабларига ҳам риоя қилмайдиганлар бор. Шеърда ҳаяжон бор, шавқ бор, лекин шеърини маданият йўқ. Шoir шеърни бир масала

билан бошлаб, тамоман бошқа масала билан тугатади, сўзларни ўзи тушунган маънода, ўзига мақбул бўлган инверцияларда, ўзи тасаввур қилган уйғунлик қоидаги асосида ишлата беради. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», — деб шуни айтсалар керак.

Мен бир нарсга ажабланиман: рассомлик мактаби бор, музыка мактаби бор, раққосалик, киночилик, актёрлик — ҳуллас ҳамма санъат турларининг мактаби ва олий ўқув юрти бор. Нега энди шoirликнинг, ёзувчиликнинг мактаби йўқ? Биргина Москвадаги Горький номи адабиёт институтидан ўзга ёзувчига профессионал билим берувчи мўътабар даргоҳ борми? Бундай даргоҳ республика адабиёт институти бўлиши керак. Бу мўътабар даргоҳ талантилари адабиёт тўғрақларида бошланғич маълумот олишлари, профессионал ёзувчилар назорати остида таҳсил кўришлари лозим. Бу бўлиши керак бўлган, вақти билан бўладиган иш. Ҳозирча бу вазифани танқидчилар «бажариб туришига» тўғри келади. Ёш ёзувчини «суяги қотмасдан» бадий мантиққа, ички мусиқа туйғусига, ритм ва қофия санъатига ва бошқа битмас-туганмас бадийлик қонунларига ўргатмоқ танқидчиликнинг вазифасига киради.

ТАНҚИДЧИ. Мана энди суҳбатимиз энг қалтис ва мураккаб муаммога келиб тақалаяпти. Сўз ўзгалар тажрибасини ўрганиш, адабий ворислик, анъаналарга муносабат устида бораётир. Сизнинг традицион жанр — аруздаги асарларингиз теvaroғида қизғин баҳслар бўлди. Баҳслар ҳамон давом этипти. Шунга қарамай, Сиз арузда ижод этишни тўхтатганингиз йўқ. Айни пайтда, Сиз классик ғазалиёт билан жиддий шуғилланаётирсиз — телевидениедаги «Ғазал оқшомини»ни бошқариб бораётирсиз. Сиздаги ғазалга шайдоликнинг боисини билсак бўладими?

ШОИР. Мен ғазалга мурожаат қилиб кўп мақтов ҳам эшитдим, «калтак» ҳам едим. Мақташ кимга ёқмайди-ю, калтакланиш кимга алам қилмайди? «Ёшлик девони» баҳона бўлиб аруз вази, ғазалчилик атрофида кўп ширин-шакар ва аччиқ-чучук гаплар бўлди. Мен бу гапларга аралашмадим. Сабаб: биринчидан, мен «манфаатдор шахс» сифатида бу масалага объект муносабат билдирилмас эдим, иккинчидан, арузни ижод билан ҳимоя қилолмаган одам уни сўз билан ҳимоя қилолмаслигини билардим, учинчидан, аруз вази томонидан туриб, уни ҳимоя қилишга ўзимда маънавий ҳунқў сезмадим. Баҳс қизиган пайтда энг зўр ва ҳақ гапни Жамол Камол айтди: «Арузда яхши шеър ёзмаган бўлса Эркин Воҳидов айбдор — аруз эмас!»

Адолатли гап. Шоирдан вазни ҳимоя қилиш керак!

Энди ўша савол: нега мен арузга қўл урдим?

Инқилоб йиллари салонлар шеърларига қарши, танланган, олий табақа учун ёзилган шеърятга қарши ишчи-деҳқон шеърятти, саводсиз ва чаласавод халқ оммаси учун битилган содда, тушунарли шеърят — Демьян Бедний, Ҳамза, Айнийларнинг шеърятти вужудга келди ва миллионларни адабиёт майдониға, маданиятга тортди. Уша улуғ ишинг натижасини бугун кўриб турибмиз: «Ҳой-ҳой отамиз, тошни кесар болтамиз»ни ўқиб шеърят билан танишган халқ бугун Навоий ва Бедилни шарҳ қиладиган, «Фауст» ва «Илоҳий комедия»ларни ёд биладиган даражаға етди. Бугун содда, жўн шеърятга эмас, юксак ҳислар, нозик санъатлар, «тагдор» мисралар билан тўлган шеърятга талаб пайдо бўлди.

Солиштиринг:

**Қирқ центнердан олдинг  
ҳар гектар ердан  
Юртимиз миннатдор  
сендек мард эрдан.  
(номаълум шоир)**

**Мени мен истаган ўз сўҳбатига  
аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сўҳбатин  
кўнглим писанд этмас.**

[Навоий]

Бу икки мисра ўша гектаридан қирқ центнердан ҳосил кўтарган мардга ўқилса, аминманки, унга кейингиси маъқул бўлади. Чунки кейинги мисраларда чинакам бадиият бор, инсон қалбининг ҳолати бор. Уни ўқиганда ҳар ким ундан ўз ҳолатига мос туйғу топади. Юқоридаги мисол аруз билан бармоқни эмас, бадийликни солиштириш учун келтирилди. Арузда ҳам жуда жўн, бармоқда ҳам жуда юксак шеърлар яратиш мумкин. Бунга мисоллар кўп.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар «содда», «равон», «тушунарли» деган тушунчалар бадийликнинг муҳим шарти саналар эди. Эндликда «мураккаблик» ҳам бадийликнинг муҳим фазилатларидан бири бўлиб бормоқда. Демак, Сизнингча, арузга мойиллик шеърятимиздаги шу тенденциянинг бир кўриниши экан-да.

ШОИР. Мен арузга мурожаат қилганда бир неча мақсадни кўзда тутган эдим:

Биринчидан, ўзимни янгилаш — одатий фикрлаш услубидан, одатий вазн ва қофиялардан узоқлашиш;

иккинчидан, классик шеърят мактабини ўрганиш, шеърга куюқ ранглар бериш, образли фикрлаш, санжоб мисралар тузиш санъатига яқинлашиш;

учинчидан, шеърятдаги буюк соддалик йўлида шоир дастлаб оддийликдан мураккабликка қараб юради. Мақсадим — шу босқичга қадам қўйиш ҳам эди;

тўртинчидан, ҳозирги ёшлар классик шеърятимиздан бир оз узоқлашиб қолдилар. Навоий, Бобир, Огаҳийларнинг фақат номини биладиган ёшлар кам эмас. Маданий мерос эса катта бойлигимиз. Бу бойликни ташлаб юборишга ҳаққимиз йўқ, фақат мерос бўлгани, асрлар давомида яратилгани учунгина эмас — бугунги фозил инсонга хизмат қилиши мумкин бўлгани учун. Арава юз йиллар хизмат қилган... лекин аруз арава эмас.

Халқнинг дидига ишонишимиз керак. Ҳазал халққа манзур бўляпти. Албатта, яхшиси. «Ҳазал оқшоми» телекўрсатувини келаётган сон-саноксиз хатлар буни тасдиқлаб турибди.

Бу гаплардан, мен арузни етакчи вазини даражасига етказиш керак, демоқчи эмасман. Узим ҳам фақатгина Ҳазал ёзаётганим йўқ. «Бу ҳам керак» деган сўз бизга етарли. Ортиқчасига даъво қилмаймиз.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг ана шу эзгу ниятларингиз ўз самарасини берди. «Ёшлик девони» туфайли аруз яна одамларнинг оғзига тушди, элнинг кўнглидан жой олди, ёшлар эса арузнинг нима эканлигини англай бошлади. «Ёшлик девони» гўё арузнинг янги ҳаёти бошланаётганлигидан бир далолат. Шундай бўлса-да, бу жанрнинг ҳозирги ривожини билан боғлиқ айрим муаммолар ҳали узил-кесил бартараф этилган деб бўлмайди. Сўз санъатида прогресс ҳодисаси бор. Вақтлар ўтиши билан баъзи адабий шакллар ўз умрини тугатади ёки иккинчи планга ўтиб қолади. Октябрдан кейин қадимги классик дostonчилик аъло-наси айтарли кўринмади, Ҳазал, маснавий, рубоий эса етакчилик даъво қилмаса-да, умр кечириб келяпти.

ШОИР. Нимаки яшаётган экан, дөмла, у керак; демак у хизмат қилляпти. Сиз айтамоқчи, «умр кечириб келаётгани» йўқ. Ҳамма гап истеъдодда. Истеъдод нафаси бор жойда ҳаёт бор.

ТАНҚИДЧИ. Ижодкор жанр шакли орқали фикрлайди. Қадимги Ҳазал шакли Сизга бугунги кишиларимизнинг кайфиятини реал ифода этишга, бугунги кишилар тилидан гапиришга монелик қилган томонларини ҳеч ҳис этганмисиз?

ШОИР. Бу саволингизга бир Ҳазал билан жавоб бераман:

Фурсатинг етмайди, доим,  
ҳеч қачон етган эмас.  
Меҳнатинг битмайди доим,  
ҳеч қачон битган эмас.  
Чин замондек бепойндир  
Кўксинг ичра орзу,  
Фурсату орзуни қувлаб  
Ҳеч киши етган эмас.  
Интилар, борлиқни инсон  
Баркамол этмоқ учун,  
Не ажаб, инсонни борлиқ  
Баркамол этган эмас.  
Менда на борлиқ ҳаёли,  
Менда на йўқликка ғам,  
Манглайимга чунки шеърдан  
Ўзга зар битган эмас.  
Бақт келур, меҳнат битар,  
Бўлғуси фурсат бемалол,  
Чунки у дунёга ҳеч ким  
Иш олиб кетган эмас.

Бу ғазал бугунги кишиларнинг кайфиятини ифода қиладими? Ҳозирги тилда ёзилганми? Ғазалда айтилган фикрларга қўшилиш ё қўшилмаслик — иккинчи масала.

**ТАНҚИДЧИ.** Яшириб нима қиламиз, шу ғазалдаги фикрлаш тарзингизда ҳам анъанавийлик устунроқ...

Сизнинг ғазаларингизни бармоқдаги шеърларингиз билан қиёс қилганда ғалати бир ҳодисага дуч келганман: ғазалларда традицион образлар кўп, шеърый нутқ ҳам, ундаги фикр ҳам бир оз китобийроқ; айтилик, «келади» ўрнига атайи «келур», «бўлади» ўрнига «бўлур», «билан» ўрнига «бирлан» дейсиз. Бармоқдаги шеърларингизда, масалан, «Ҳозирги ёшлар»да бирорта ҳам бунақа традицион образ, китобийлик йўқ, ҳаммаси бошдан-оёқ ҳаётий, табиий.

Ёки:

**Сенга бахтдан тахт тиларман,  
толедин бошингга тож.  
Мулки ҳуснингга омонлик,  
тожи тахтингга ривож.**

деб бошланадиган ғазални эслайлик. Илк мисралардаёқ бугунги одамлар тилида, муомалада учрамайдиган традицион образлар қалашиб келади. Мен аминманки, шу фикр, шу туйғу бармоқ ёки сарбаст шаклига солинса тамомила бошқача, ҳаётийроқ, табиийроқ образлар қалашиб келган бўларди...

Шу ҳам маълум даражада арузнинг чекланганлигини тасдиқламасмикан?

**ШОИР.** Йўқ, бу «чекланганлик» аломати эмас; буну ўзига хослик белгиси, дейилса

тўғрироқ бўлар. Адабиётшунослик шеърый нутқнинг жўн, оғзаки нутқдан фарқ қилишини (вазндан қатъи назар) эътироф қилади. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом «Менинг оғам рус бўлур» дейди. Бу шеър бармоқда ёзилган. «Билан» ўрнига «бирла», «бориб» ўрнига «борароқ» ва жуда кўп келишик қўшимчаларининг қисқартирилган формаси бармоқда ҳам, арузда ҳам ишлатилиб келади. Бу — бир. Иккинчидан, ҳар бир адабий жанрнинг ўз хусусияти бўлганидек, ҳар бир вазннинг ҳам ўз табиати, баён усули бор.

**ТАНҚИДЧИ.** Шеърый нутқнинг оғзаки нутқдан фарқ қилиши табиий ҳодиса. Бироқ арузнинг бармоққа, сарбаст шаклига кўра безакдорликка мойиллиги ҳам рад этиб бўлмайдиган факт. Сиз айтган арузнинг ўша «ўз табиати, баён усули» ҳам сўзларга, жонли сўзлашув нормаларига кўпроқ ўзгартириш киритишни тақозо этади.

**ШОИР.** Биз реалистлармиз, бироқ романтик кайфият реалистлар учун ёт эмас. Аруз, хусусан, ғазал шахсан менга романтик кайфиятларни ифода этиш учун жуда қулай восита. Романтик кайфиятлар пайтида, табиийки, киши жиндай заминдан юқорироқ кўтарилади, образли қилиб сўзлашга, баландроқ пардаларда қуйлашга мойилроқ бўлади. Эҳтимол, ғазалда кўтаринки, традицион образларнинг ўз-ўзидан қалашиб келиши шундандир. Бадиий фикр ўзининг шакли билан туғилади. Боя сиз тилга олган ғазалдаги поэтик фикрни, кайфиятни мен бармоқда ёки сарбастда беролмас, «ҳаётийроқ», «табиийроқ» образлар билан ифодалай олмас эдим.

**ТАНҚИДЧИ.** Шеъриятимизнинг яқин кечмишида характерли ҳодисани кузатиш мумкин. Ойбек билан Мақсуд Шайхзода классик шеъриятимизни жуда чуқур билганлар, умр бўйи уни тадқиқ ва тарғиб этганлар. Мақсуд Шайхзоданинг Навоий поэтикасига доир кузатишлари адабий жамоатчиликка маълум. Лекин Ойбек ва Мақсуд Шайхзодалар шеъриятида классик адабиёт анъаналаридан кўра рус ва жаҳон реалистик поэзияси тажрибаларига мойиллик кўчлироқ. Классик шеър санъатларини жуда пухта билган, нозик ҳис этган Мақсуд Шайхзода ижодида айтарли бу хил санъаткор учрамайди, учраганда ҳам тамомила бошқача реалистик асосда қайта ишланган ҳолда намоён бўлади. Бундай хусусият Ғафур Ғулом шеърларида яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Сизнинг бармоқдаги асарларингизда ҳам шундай. Бундан чиқадиган хулоса шунки, аруз классик шеърятнинг поэтик анъаналарини бевосита давом эттиришга ундаса, бармоқ

ва сарбаст уларни ижодий, реалистик асосда қайта ўзлаштиришга йўл очади...

**ШОИР.** Ижодий ўрганиш, анъаналарни давом эттириш хилма-хил кўринишда содир бўлади, уларни бир қолипга солиш мумкин эмас, «Ёшлар ҳақида ўйлар» мақолангизда ўзингиз ҳам шу хусусда гапиргансиз. Мен гарчи бу ерда «аруз ҳимоячиси» сифатида кўринаётган бўлсам ҳам, аслида шеъриятда хилма-хиллик, услубий ранг-баранглик тарафдориман, қаламкаш дўстларимнинг, ёшларнинг ижодий, услубий изланишларини, янги тажрибаларини синчиклаб кузатиб бораман.

**ТАНҚИДЧИ.** Ёшларнинг изланишлари масаласини яхши эслатдингиз. Шеъриятга, шеъриятдаги ижодий-услубий изланишларга юксак маданият, нозик дид, катта билимдонлик, бағри кенглик билан муносабатда бўлиш бугунги соғлом адабий мухитнинг муҳим аломатларидан бири. Янги шеърий шакллар қидираётган шоирларни шошма-шошарлик билан «формалистлар»га чиқариб қўйиш ёки, аксинча, традицион шаклларни бугунги шеъриятга хизмат эттириш учун интилаётганларни «консерватизм»да айблаш ҳоллари секин-аста барҳам топиб бормоқда.

Ёдингизда бўлса керак, бундан бир неча йил бурун Союзимизда поэзия муҳокамасига бағишланган, ўзингиз раислик қилган бир йиғилишда шеъриятдаги экспериментлар ҳақида жиддий баҳс бўлган эди. Шунда, таажубки, анча таниқли бир шоир ёшларнинг, аниқроғи, Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов каби истеъдодли қаламкашларни тажрибаларига эътироз билдирган, ҳатто уларни «традицияларни инкор этиш», «отасини танимаслик» деб атаган эди...

**ШОИР.** Шунақа воқеалар бўлган, лекин улар орқада қолиб кетди. Худди ўша гапни айтган шоир дўстимизнинг ўзи ҳам бугунги кунда ўша ёшларнинг изланишларига баъзида ҳавас билан қараётир. Тажриба шуни кўрсатаётирки, партия шунга даъват этаётирки, биз ижодий изланишларга эътибор бериб ва эҳтиёткорлик билан ёндошмоғимиз лозим. Токи изланаётган ёшларни боягидек кескин сўзлар билан чўчитиб қўймайлик. Ижод ўз табиати билан эксперимент тажриба демакдир. Ахир ҳар қандай улкан кашфиёт тажрибадан бошланади-ку! Чингиз Айтматовнинг «Дружба народов» журналидаги суҳбатида айтган «адабиёт ўзининг экспериментал цехига ёки, агар хоҳласангиз, қандайдир эшелонлаштирилган отрядига эга бўлиши керак» деган гапларига тўла қўшиламан.

**ТАНҚИДЧИ.** Дадил айтиш мумкинки, ёшлар шеъриятида шаклий изланишларга

интилиш кучли. Бироқ бу интилиш аввало миллий анъаналарга, биринчи навбатда, совет даври ўзбек шеърияти тажрибаларига таянган ҳолда боряпти, айна пайтда, ёш шоирларимиз рус ва қардош халқлар, жаҳон прогрессив адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишга, замон синовларидан ўтган ёки ўтаётган мақбул янгича усулларни ўзбек шеъриятига татбиқ этишга интилаётирлар. Ёшларнинг шеърий тўпламларида классик адабиётимизнинг ғазал, мухаммас, рубоий, туюқ каби шеърий шакллари, хилма-хил поэтик санъатларини ҳам, ғарб, ҳаттоки, ҳозирги япон шеъриятининг сонет, романс, элегия, танка (бешлик) сингари турларини ҳам, халқ оғзаки ижоди усулларини ҳам, бармоқ вазнининг ранг-баранг ҳижоларини ҳам, сарбаст ва оқ шеър формаларини ҳам, сарбаст вазнининг ўзимизда — Ҳамза, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон шеърларида шаклланган кўринишларини ҳам, шу билан баробар Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Гарсиа Лорка ёки Андрей Вознесенский сингари ижодкорлар қаламига хос бўёқ ва ритмига таъсирини ҳам кўриш мумкин.

**ШОИР.** Эксперимент, тажриба деганда нуқулгина миллий шеъриятга аввал кўринмаган шакллар, ифодаларни олиб кириш деб тушуниш бир ёқламалик бўлади, маъжуд традицияларни янгилаш, бойитиш, унинг янги имкониятларини қидириб топиш ҳам экспериментнинг бир кўринишидир.

**ТАНҚИДЧИ.** Худди шу фикрингизни ёшларнинг бугунги тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоевлар кўпроқ анъанавий шеърий шаклларда — Октябрдан кейин ёзма шеъриятнинг етакчи вазни бўлиб қолган бармоқда ва халқ оғзаки ижоди шаклларида, қисман арузда қалам тебратаётирлар. Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Ҳалима Худойбердиевалар эса ўзбек шеърияти учун нисбатан ёш бўлган сарбаст шаклида, сарбаст вазнининг ҳам авваллари бизда одат тусига кирамаган янгича ўзини хос кўринишларида ижод этаётирлар.

М. Жалилнинг «Сени ўйлаб» тўплами шундай сатрлар билан бошланади.

**Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим юракдаги саволларимни.  
Аммо, топиб юпансин, деб қўйиб**

**юбордим -  
Тоғ бургути каби ўжар хаёлларимни...**

Дарҳақиқат, шоир бутун китоб давомида ўзини шу қадар эркин тутиб қуйлайдики, унинг сўзлаш тарзини халқ бахшиларининг қуйлаш усулига қиёс қилиш мумкин. Унинг бармоқдаги, аруздаги мисраларидан

ҳам, ҳатто сочмаларидан ҳам халқ қўшиқларининг садоси эшитилиб туради. Шоирнинг «Сўзсиз қўшиқ» деган бир шеъри бор, унда талқин этилишича, йигит қўшиқ айтяпти, қўшиқда катта фикр, кучли туйғулар мужассам-у, аммо қўшиқнинг сўзи йўқ... Авторнинг ўз шеърларида ҳам қисман шу ҳолат мавжуд; сизни аввало мисралардаги мусиқийлик, куй қанотига жо этилган фикр ва туйғулар асир этади. Маъруф Жалил шеърлари беихтиёр рус шоири Кольцов тажрибаларини ёдга туширади. Шуниси муҳимки, ёш шоирнинг фольклор анъаналари руҳида битилган мисраларида шу куннинг нафаси уфуриб туради, лирик қаҳрамон бугунги кун даражасида туриб, фан-техника революцияси даври кишиси савиясига мос фикр юртади.

Абдулла Шер шеърлари ўзининг изчил реализм, конкрет заминга, кундалик ҳаётга яқинлиги, воқеабандлиги билан қисман Ойбек, қисман Миртемир анъаналарини эслатади. У қишлоқ манзараларини, деҳқон меҳнатини қаламга олганда, юмористик лавҳалар чизганда кўпроқ Миртемирга, лирик кайфиятлар тасвири, ҳаёт фалсафаси таҳлили пайтида эса Ойбекка эргашаётгандай бўлади. Бироқ бу анъаналар доирасида ёш шоирнинг шаклланиб келаётган нигоҳини, ўзига хос овозини пайқаб олиш мумкин. Хусусан, «Баҳор айбдор», «Уруш», «Шоир», «Қуёв» каби шеърларида ёш автор бармоқ вазнининг ҳозирча бизда кенг расм бўлмаган имкониятларидан яхши фойдаланган, традицион шеърий ритмиканинг янги оттенкаларини яхши топа олган.

ШОИР. Қаранг, иккала автор ҳам «традициялар доирасида» изланаётир, уларнинг бирида романтизм устувор, иккинчисида изчил реализм. Лекин иккаласи ҳам биз учун бирдек азиз, мароқли.

ТАНҚИДЧИ. Рауф Парфи ўзбек шеърлигида ҳеч кимникига ўхшамаган овоз билан куйлай бошлаган эди; у ҳар бир шеърда одамнинг мураккаб руҳий дунёсидаги бирон конкрет ҳолатни тугиб олиб суратга туширишга, ҳолатларни тимсоллар орқали, ҳаракатдаги деталлар орқали ифодалашга тирishaди. Рауф Парфининг дастлаб нима ҳақида сўзлаш эмас, балки қай тарзда сўзлаш, аниқроғи шеърий шакл масаласи кўпроқ қизиқтирар эди, кейинги «Тасвир», «Акс садо» тўпламлари эса эндиликда унинг шеърларнинг мавзу-мундарижаси устида ҳам жиддий бош қотираётганлигидан далолат бериб турибди. Тўпламдаги лирик қаҳрамон фақат ўзига хос овозга эга оригинал куйчигина эмас, айна пайтда ўз авлоди, тарих, замон ва келажак ҳақида, жаҳон тақдири ҳақида фикр юритувчи,

астойдил қайғурувчи гражданин тарзида кўринади. «Энг узоқ ёзилган таржиман ҳолими», «Луис Моран», «Вьетнам ҳақида қўшиқ» сингари публицистик шеърлар шундан далолат беради.

Муҳаммадали Қўшмоқовнинг изланишлари бир қараганда Рауф Парфи шеърларини эслатса-да, аммо миллий заминга яқинлиги билан улардан ажралиб туради. Муҳаммадали Қўшмоқов ўзбек шеърлиги учун янгилик бўлган шеърий шаклларида она юрт қиёфасини, халқимиз ҳаётининг бетакрор тароватини гавдантиришга интилади, унинг шеърларида «қуёшни ёқалаб, тушган ҳовлилар»ни, жангда шахид бўлган тоға, «сурати осийлиқ беҳи ҳиди анқиган хоналар»ни, «далаларга кетган тупроқли йўлда трактордан қолган яп-янги излар»ни, «иккита тутга омонат, бир неча дақиқага арқон-ла тортилган беланчақлар»ни, қисқаси, бугунги ўзбек қишлоғининг шу каби таниш лавҳаларини, бетакрор ифодасини кўрамыз. Ёш шоир иккинчи томондан, янгича поэтик усулларни миллий шакллар, айниқса халқ оғзаки ижоди мотивлари билан қўшишга уриняпти. У «Боғда булбул чаҳ-чаҳлар» шеърда халқ лапарларига, «Боғда сайр этади расида қизлар» мисраси билан бошланадиган яна бир шеърда бойчечак қўшиги усулига мурожаат этади, «Тоҳирнинг сўнги қўшиғи», шунингдек, «Қўшиқ», «Мунисхон гирияси», «Осмонда осмон йўқ, қора кўз» сингари машқларида бу фазилат янада кучлироқ намоён бўлаётир.

ШОИР. Муҳаммадалининг изланишларидаги кам-кўстлардан ҳам кўз юммаслик керак.

ТАНҚИДЧИ. Очиғини айтиш керак, Муҳаммадали Қўшмоқовнинг қатор шеърларида ҳозирча янгича шакл билан фольклор усули бир-бири билан қовушмайроқ турибди, бироқ, «Қўшиқ» шеърлигида муваффақият ёш шоир изланишлари истиқболлига катта умид уйғотади. «Қўшиқ»да лирик қаҳрамон — фидойи ошқини кайфиятлари қандайдир янгича — кутилмаган ташбеҳлар, фавқулодда қабарик образлар орқали ифода қилинади, айна пайтда, улар худди халқ қўшиқлари каби янграйди:

**Мен гугуртдек ўз-ўзимни ўтга чоғлайман,  
Хабъларим гирдоби-ла йўлим боғлайман;  
Қулоғимда янграй бошлар нечун жонбаста,  
Уша азиз, беҳаловат навоки, хаста:  
«Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар  
қўйнимда,  
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда»**

Ниҳоят, икки оғиз сўз Ҳалима Худойбердиева ҳақида. Шоиранинг «Оқ олмалар»,



«Чаман» тўпламларига кирган шеърлари, гарчи бармоқ ўлчовида тартиб берилган бўлса-да, мен уларни бемалол сарбаст вазни намуналари деб атай оламан. Чунки унинг фикр, туйғулари ҳар қадамда бармоқ ҳижолари оқимини бузиб, тошиб туради. Шоира шеърлари орқали ўзбек шеъриятида сарбаст вазнининг ёш гражданин аёл овози пардаларида янграган янги бир кўриниши туйлаётгандек туюлади.

ШОИР. «Шоирнинг ўзи қанақа бўлса, услуби ҳам шунанга бўлади» деган нақл бор. Биз назарда тутган ёш шоирлар гражданин сифатида эндигина шаклланиб кел-япти. Шубҳасизки, улар улғаяди, ўрганади, изланади, бой ҳаётий тажриба тўплайди, шу жараёнда улар ижоди ҳам тўлишиб, услуби, поэтик овози сайқал топиб боради. Мен ёшлар шеърияти шаклий жиҳатдан ранг-баранг бўлиши билан баробар, улардаги ижтимоий мотивларнинг, гражданилик туйғуларининг янада бардам, жангдор янграшини истар эдим.

ТАНҚИДЧИ. Яна ўз ижодингизга, ижодингиз билан боғлиқ бир масалага қайтсак. Сиз кўпдан бери оригинал ижодни шеърий таржима билан қўшиб олиб борасиз. Михаил Светлов, Расул Гамзатов, хусусан Сергей Есениндан қилган таржималарингиз адабий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлди. Сўнгги йилларда «Фауст» таржимаси устида жиддий иш олиб бордингиз. Расул Гамзатов республикамизда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари Ёзувчилар Союзидан ўтказилган учрашувда «Илоҳий комедия» билан «Фауст»нинг ўзбек тилига таржима қилинишини катта тарихий ҳодиса деб ата-

ди. Бунга шак-шубҳа йўқ. Биринчи, Сенин яқин ҳамкасаба дўстларингизни бошқа бир нарса ташвишга соляпти — айни кундан кунга тўлиб-тошган, ишлаб, оригинал асарлар яратиб қоладиган бир пайтда буювчи илҳом, ижодий саховатни таржималар билан этиб қўяётганлигингиздан улар андак бир сусланяптилар. Таржима, хусусан, шеърий таржима шоирнинг оригинал ижодига муносиб қилиши мумкинлигини жуда кўп ункан шоирлар эътироф этганлар...

ШОИР. Худди аруз устида бўлгани каби таржималарим тўғрисида кўп мақолалар билан бирга таъналар ҳам эшитдим. Таржимага «вақт исроф қилишим» учун ҳатто шеъриятимизнинг энг зўрак шахматкашларидан бири дашном берди. Ўзининг айтсам, бу менга бир оз малол келди. Шахсан мен бадиий таржимага, унинг миллий-маданий тараққиётдаги болаҳон қадри қимматидан ташқари, Марказий Комитет қароридан айрилган «профессионални мақоратни чуқур ўзлаштириб олиш»нинг, «Илтан ва жаҳон маданиятини ўрганишни» беқийёс воситаси деб биламан. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётларидаги бундан сиймолар тажрибаси ҳақида ўзининг энг ёрқин тадқиқотлар ҳам шоир ёки ёзувчига бевосита таржима билан машғул бўлишда олган сабоғу билимлардан ортиқроқ нарсаси беролмайди. Ахир, шоҳ асарни таржима қилаётганда, озгина бўлса-да, руҳини унинг автори даражасига кўтариласан ёки ўзини автор ролига кирасан, Данте, Шекспир, Гёте, Толстой, Чехов, Есенин бўлиб келирсан. Нақадар масъулиятли ва марказий машғулот!

# «ЁШЛИК» КАЛЕНДАРИ

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

М. АМИНОВА

ТошДУ доценти

Ҳамза — ёшларнинг ғамхўр устози

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ўзбек маданиятини ривожлантиришда ўзининг кўп қиррали ижодий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам у ўзбек совет адабиёти тарихида фахрли ўрин эгаллайди.

Ҳамзанинг ёш авлодга катта умиди унинг революциядан аввалги давр ижодий ва ижтимоий фаолиятидаёқ, аниқ сезилди. Демократ, маърифатпарвар, тараққийпарвар ғояли Ҳамза 1914 йилларда янги типдаги мактаб очиб, болаларни, биринчи навбатда камбағалларнинг болаларини ўқитади. У камбағал ўқувчиларнинг нормал ўқишини таъминлаш ва уларга моддий ёрдам бериш мақсадида «Ёрдам жамияти» тузади. Бу жамият ўқитувчиларнинг ўзаро йиққан маблағлари асосида бир оз фаолиятини бошлаган бўлса ҳам, кўп ўтмай тарқалиб кетади. Ҳ. Ҳ. Ниёзий 1914 йилда «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталарида ва «Ойна» журналарида босилган хабар ва очеркларига, шеър ва мақолаларида кенг халқ оммасини маърифатли қилишда мактабнинг муҳим ролини оммага тушунтирди. У «Садойи Фарғона» газетасининг 1914 йил 17 сентябрь сонидан босилган бир мақоласида «Фақир болаларни ўқитув вазифаси»ни кўтаради...

Ҳ. Ҳ. Ниёзий бадий асарларнинг халқни, айниқса, ёшларни тарбиялашдаги ролига катта аҳамият беради. У болалар адабиётининг вазифаси катта ижтимоий масалалар ҳақида содда, аниқ, тушунарли формада маълумот беришдан иборат деб тушунади ва амалда шунинг ижобий намунасини кўрсатиб, бир қанча педагогик асарлар яратади.

Ҳамза ёшлар адабиётининг бадиятига, айниқса тилига, унинг ёш ўқувчиларга тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият беради ва ўша даврдаги адабиёт дарсликлари-ни кўзда тутиб, «Ёш талабаларимизга баъзи луғатларнинг мавҳумини тушуниш оғирлиқ қилиб турганлиги шояд башқа ҳар бир муаллимларга-да тажриба бўлгандир»,—

деб ёзади. Шунинг учун ҳам у болалар адабиётининг содда ва тушунарли бўлиши учун курашди.

Чор Россиясининг цензураси асабига теккан, гулдек ижодининг ғижимланганидан дарғазаб шоир 1917 йил февраль революциясини, подшо ҳукуматининг йиқитилишини, подшо цензурасининг йўқ бўлишини хурсандчилик билан кутиб олди. Шу йили нашр этилган «Сафсар гул» тўпламини «Ёдгори хуррият» деб атади. Шу даврда Қўқон муаллимлар жамияти ўз матбуот органига эга бўлишга қарор қилди ва бу ишни бошқариш Ҳ. Ҳ. Ниёзийга топширилди. Ҳамза журнални ташкил қилади ва унга «Кенгаш» деб ном беради ва ўз муҳаррирлигида биринчи сонини чиқаради. Шу сонда Ҳамзанинг бир мақоласи ва «Кенгаш» сарлавҳали шеъри босилган бўлиб, буларда журналнинг ижтимоий программаси ва таърифи босилган эди.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий ҳар бир халқнинг келажиги ёшлар эканлиги ҳақидаги фикрни таъкидлаб, журнал ҳам шу ёшларга илғор ғояларни етказувчи таржимон, эскиликка қарши чиқувчи куч бўлиши кераклигини уқтиради:

**Ёшларни элга таржимони бўл,  
Суйғули реза ҳам калони бўл,  
Сўзда бир қаҳрамони сони бўл,  
Барча бидъатни қил фано, «Кенгаш».**

Кўп ўтмай журнал ноширлари билан Ҳ. Ҳ. Ниёзий орасида келишмовчилик келиб чиқади ва у журналдан кетади. Ана шу даврда Ҳамза буржуа ҳукуматининг туб моҳиятини, унда сўз ва ижод эркинлиги йўқлигини тушунади. 1917 йил июнь ойида буржуа ҳукумати билан алоқани тамомлаб узиб, Ҳамза большевик агитаторлар қаторига ўтади ва Улуғ Октябрь социалистик революциясини зўр мамнуният билан кутиб олади. «Октябрь революцияси ҳамма соҳада бизларга жуда кўп моддий ва маънавий хазиналар бағишлади»,— дейди Ҳамза.

«1917 йилда, Октябрь революциясининг биринчи кунларидаёқ,— деб эслайди академик Т. Н. Қори Ниёзий,— Фарғона шаҳрида биринчи ўзбек совет мактаби ташкил этиш бахтига муяссар бўлган эдим. Ҳамза мана шу мактабда 1918 йилда бир неча ойлар ўқитувчилик вазифасида ишлаган эди...

Мактабимизнинг бир неча традициялари бўлиб, шулардан бири турли воқеалар муносабати билан мактаб атрофидаги аҳолини мактабга тўплаб, улар орасида маълум иш олиб боришдан иборат эди. Бундай вақтларда Ҳамзанинг роли катта бўлиб, у оташин нутқлар билан сўзга чиқар ва бунинг натижасида мактаб кундан-кунга болалар билан тўлиб борар эди.

Кундузлари болаларнинг тарбияси, жамоат ишлари билан машғул бўлган Ҳамза кечалари оташин революцион шеърлар ёзиб чиқар эди».

Ҳамзанинг санъаткор ёшларга оталарча ғамхўрлиги унинг сиймосини янада гўзалроқ қилиб кўрсатади.

У ҳақиқий санъаткор сифатида ўзбек театрининг ғоявий-бадий юксалишида бадий ҳаваскорлик тўғрақларининг катта аҳамиятга эга эканлигини тўғри тушунди ва уларга яқиндан ёрдам берди.

Ҳамза Ҳакимзода 1922—1923 йилларида «Биринчи мусулмон болалар уйи»нинг муdiri бўлиб, сўнг 1924 йилда Қорақанли ёгонининг Хўжайли шаҳрида интерна муdiri бўлиб ишлайди.

1927 йилда Ҳамза Ҳакимзода Фарғона областининг Аввал қишлоғида ҳам ўқитувчилик қилди, қишлоқда саводсизликни тугатиш курсларини ташкил этди, бадиий ҳаваскорлик труппалари тузди, комсомол ячейкасининг ишига ёрдам берди.

1928 йилда эса Шохимардон қишлоғида катта жамоат ишлари олиб борди: батрак ва камбағал деҳқонларни уюштириб, қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этишда, мактаб қуришда актив иштирок этди.

В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатишда ташаббускор бўлди, саводсизликни тугатиш курси ташкил этиб, ўзи ўқитувчи бўлиб ишлади.

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ҳақиқатан ҳам ёшларга ғамхўр эканлигини биз унинг «Қизил гул» тўпламига киритилган шеърдаги «Ниҳон суйгандан шеър ёзар ёшларга» мисрасидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий совет ёшларининг ғамхўри отаси эди. «Биз,— деб ёзган эди у,— Октябрь ичидаги болаларни Октябрь фарзанди ҳисоб этамиз».

## Ҳ А М З А

### ҚАЛАМ

Қорадир гарчи изи, нури ҳақиқатдир ўзи,  
Чунки босган ерида зулматни зиё қилди қалам.

Яъни майдона ҳар иш келди қалам хосияти,  
Хосили ҳар мақсаду ҳар муддао қилди қалам.

Тоғ-тош, саҳрою чўлларни гулистон айлабон,  
Шаҳарлар, ободлиқлар, ҳуш ҳаво қилди қалам.

Ҳар оғурлар енгил ўлди, ҳар қийин осон ўлуб,  
Ҳар машаққатга ўзин мушкул кушо қилди қалам.

Ҳар адабсиза адаб, фикр ила дониш ўргатуб,  
Эл ичида обрўсин ҳуб расо қилди қалам...

Дунёда бўлган ҳама асрори қилди ошкор,  
Ҳар ўлук танларга гуё жон ато қилди қалам.

Сидқи дил бирла қўлига ким ани тутса агар,  
Мақсадига еткузуб кўнглин ризо қилди қалам,

Кимни бир матлаб била тутса ани бешубҳа ул.  
Истамиш ҳар орзуга ошно қилди қалам.

Ҳеч кишини меҳнатини зарра зойиё қўймади,  
Ҳарна ваъда қилди аҳдига вафо қилди қалам.

Ҳисса: ўғлон, мақсадинг не бўлса тутгайсан қалам,  
Чунки жумла ҳожатин бори раво қилди қалам.

1914 йил.

## БОҒЛАРДА ГУЛ

Боғларда гул очилмас то ёз кўрмагунча,  
Парвона жисми куймас то ўзни урмагунча.

Расволиғ этди Мажнун, Лайлига етди охир,  
Етмас эди бўлиб ул девона юрмагунча.

Кесмасди тоғ бағрин Фарҳод зори Ширин,  
Йўхлаб келиб гаҳида ҳолини сўрмагунча.

Йиғлаб ётарди Вомиқ остонага кўюб бош,  
Ҳаргиз кўтармас эрди Узрони кўрмагунча.

Тоҳир юрурди беҳуд, ҳеч ким сўзин эшитмай,  
Овоз бермас эрди Зухро чақирмагунча.


Юсуфни ҳеч Зулайҳо кўлга ололмас эрди,  
Улгунча орқасидан қувлаб югурмагунча.

Ошиқ элининг ишқин дарёси мавж урмас,  
Маъшуқи гоҳи шундоғ эҳсон оширмагунча.


Сабр айлаёлмас эмди зарра Ниҳоний харгиз,  
Шаҳду шакар тилингдан бир бор сўрмагунча.

1911 йил.





«ЁШЛИҚ» ТАБАССУМИ



# Маъруф МУДАРРИС



Наманганда туғилган. Фарғона Давлат педагогика институтининг тил-адабиёт факультетини тамомлаган. Ҳозир Марғилонда ўқитувчилик қилмоқда. Унинг ҳажвий шеър, ҳикоя, интермедиялари республика матбуотида тез-тез кўриниб туради, «Табассум» радиожурналида эшиттириб борилади.

## КАМИНАНИНГ МУСОБАҚАДОШЛАРИ

Пахта йиғим-терими олдидан ўтказилган йиғилишда колхозимиз агрономи каминага сўз бериб, киноя қилиб қолди:

— Юнусали, аввало сизни курсни тугаллаб, «зангори кема» капитанлари қаторидан жой олганлигингиз билан табриклаймиз!

— Қуллуқ, қуллуқ!

— Хўш, буёғи қандоқ бўлади? Қанча пахта териш ниятидалару ким билан социалистик мусобақа ўйнайдилар?

Ҳамма менга қаради. Ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётгандек, бир зум эсанкираб қолдим. Кейин ўзимни қўлга олиб, жиддий гапирдим:

— Уртоқлар, мен хотиним билан мусобақа ўйнайман!

Шундай деганим заҳоти баралла кулги кўтарилди.

— Кулинг-а, кулинг,— дейман ичимда. Ростини айтсам, оламда кулгидан ширин, кулгидан аччиқ нарса йўқлигига энди ишондим. Хаёлимга ўтган йили бўлган воқеа келди...

...Айни куз пайти эди. Пахта терими қизиб, шаҳарликлар ҳам ҳашарга келишганда биз сингари соя-салқинда юрганларга ҳузур-ҳаловот қолмади.

Раиснинг даккиси, бригадирнинг ўпкагинаси, хотинларнинг таънаси жондан ўтиб, эркаклар ҳам аста этак тутиб, теримга отландик. Қилтириқ, Қилтомоқ, Хуррак, Семиз лақабли туртовлан қадам ранжида қилганимизда теримчиларнинг ғайратига-

ғайрат кўшилиб кетди. Бир вақт қарасак, ҳамма этак-этак пахта кўтариб чиқяпти, бизнинг терганимиз эса сира кўпаймайди.

— Пахта деган мана бундоқ бўпти,— деб қолди Хуррак ошнаимиз.

— Буни териб адо қилиб бўлмайди. Яхши-си, бирпас мизғиб олайлик.

— Биринчи куниёқ шармандамиз чиқмасин,— деб гапга аралашди Қилтомоқ,— ҳеч бўлмаса тушликкача бир этакдан тўлдирайлик.

Қилтириқ гапни илиб кетди:

— Умуман, ўртоқлар, иш чатоқ. Пахта териш учун ё ғайрат керак, ё техника! Бизда эса ҳар иккиси ҳам йўқ. Шундоқ бўлгандай кейин каллани ишлатиш керак, каллани.

— Хўш, нима қилайлик,— дедим, тер босган кўзимни артиб.— Хотинларнинг пахтасини ўғирлаймизми?

— Бе, қаёқдаги гапни қиласан! Буларга тегиб кўр, ҳа, кунингни кўрасан. Пахтани кўпайтиришнинг битта йўли бор. Ана, кўрдиларингми, ўша «зангори кема»нинг капитани, адашмасам, Зулайҳо, Зулайҳо ким? Семиз ошнаимизнинг хотини.

— Э, кўп валдирама.

— Ўзинг валдирама! Хотин киши эрининг измидан чиқмайди. Сен бориб, секин уни ширинсуханлик билан гапга сол. Пайт топиб, машинасини бир зумгина тўхтатиб, бункерни очиб берса, бир этакдан пахта оламиз-у, олам гулистон.

Оғайнлар унинг гапига қойил қолишди.

— Офарин! Фикри-зикринга балли-е, Қилтириқ. Шу калланг билан оёқ ости бўлиб юрганингни қара-я! — дейишди уни мақташиб.

Ниҳоят иш ўнгидан келса, ошналар

яримтага эрийдиган бўлишди-ю, мен ғўза ичидан эмаклаб, хотинимнинг олдига жўнадим.

Пахтазорда машинасини гумбурлатиб келаётган хотиним йўлида товукдек писиб ўтирган каминани куриб, ажабланди.

— Ий-е, эржон, сизмисиз, нима қилиб ўтирибсиз?

— Бир илтижо билан келдим.

— Илтижо?

— Ҳа энди, илтижо деса ҳам, илтимос деса ҳам бўлаверади.

— Гапиринг тезроқ, ишдан қўяяпсиз.

— Илтимос шуки, тушликка яқин бункерни очиб, бир-икки этак пахтагандан берсанг.

— Бўлмайди, жиноятга бошламанг мени.

— Э, нимаси жиноят, уйимга олиб кетармидим!

Зулайхонинг хаёлига бир нарса келди-ю, майин жилмайиб деди:

— Шерингиз ҳам бордир?

— Ҳа, албатта. Тўртовлонмиз.

— Тўртовлон тугал бўлса, тумандагини ундирар денг!

Кулдим.

— Йўқ, йўқ, бункердаги ундирар.

— Яхши, бирпасдан кейин келинлар.

— Балли, хотинжон, жоним сенга қурбон, хўп ажойибсан-да, ўзи.

Севинганимдан озгим қулоғимда, ошнарларимнинг олдига қандай етиб келганимни билмайман. Улар ҳам роса хурсанд бўлишди. Шундай қилиб, пана жойда топган-тутганимизни еб-ичиб ўтирдик. Хурракбой озгина мизғиб ҳам олди.

Кун тиккага яқинлашганда тўртовлон эмаклаб, машина теримига ажратилган пахтазорга ўтдик. Зулайҳо машинани тўхта-тиб, кулди:

— Ҳо, теримчи шоввозлар! Бункерни очяпман, тез-тез қимирланглар!

Тўртовлон уриниб, тирмашиб, бункер ичига кирдиг-у, пахтани этақларимизга жойлай бошладик. Шу пайт «шарақ» этганини биламиз. Қарасак, бункер ёпиқ, чайқалиб хирмон томон кетяпмиз.

— Ҳой хотин, ҳой дейман, эсингни едингми? Тўхта, дейман, ҳой, шарманда қилсанг уч талоқ қўяман!

Зулайҳо дод-войимизга сира қулоқ солмади. Хирмонга етгандагина машинани тўхта-тиб, бункерни очди-ю, пахта билан бирга бизни ҳам тўкиб юборди:

Одамлар тушликка чиқишган экан: кулган ҳам кулди, кулмаган ҳам кулди.

Ана шунақа. Нима ҳам дердим, айб ўзимда!

Мана энди пахта териш қанақа бўлишини биздан кўрсин, ҳа...

## ДАЧА ҲАВОСИ

Қурилишда шофёр бўлиб ишлайман. Мундоқ ўйлаб қарасам, номи қурилиш материали бўлса — ҳаммаси қўлимдан ўтаркан. «Бундай қўлайликдан фойдаланиш керак», деган хаёлга бордим-у, дача қуришга қарор қилдим. Ахир, саратон жазирамашида соя-салқиндаги дачага бориб, ҳордиқ чиқаришга нима етсин!

Кумуштоғ ёнбағридаги дача қуришга рухсат берилган жойларни кўзлаб юраддим. Душанба куни цемент ташиётиб, бир машинасини «чап»га бурдим. Назаримда ҳеч ким сезмади. Катта қурилишга бир-икки машина цемент-пемент денгиздан томчидек гап-да? Урганган кўнгил ўртанса қўймас деб, бежиз айтилмаган экан. Эртасига тушлик маҳали бир машина ғиштни ўмардим. Бу гал ҳам ишни ҳамирдан қил суғургандек силлиқ битказдим, деб ўйлагандим, бўлмади, прораб чақириб, гапга тутди:

— Хўш, Темирхўжа, аталадан суяк чиқдими-э, қилиқ чиқариб қолдилар?

— Қилиқ? Қанақа қилиқ?

— Узингизни гўлликка солманг, ернинг тагида илон қимирлаганини биламан. Очиғини айтинг-чи, кечаги цементни, бугунги ғиштни қаерда гўмдон қилдилар? Пулини арра қиламизми-а?

Парпи прорабининг муғамбирона жилмайиб туришига қараб, уни алдашга кўзим етмади, очиғини айтиб, жон сақлашга ҳаракат қилдим.

— Кечирасиз, мени шайтон йўлдан оздирди. Ҳавас экан-да, дача қурмоқчи бўлиб...

— Э, шунақа денг? Бу бошқа гап-бошқа гап! Шундоқ деб, бир оғиз шипшитиб қўймайсизми?

— Қандоқ бўларкин, дедим-да. Парпи ака.

— Вой сиз-е, сиз шундай олижаноб ишга қўл урасизу биз қўлламаймизми? Қўлламаймиз, ёрдамлашамиз! Жой қалай, яхшими?

— О, жаннат дейсиз,— дедим яхши гапдан озгим қулоғимга етиб,— бир томон Кумуштоғ, бир томон арчазор, боғ, булоқ сувлари шарқираб оқаётган, кўмрилар сайраётган...

— Офарин-офарин! Дидлик йигитсиз-да! Энди гапнинг пўскалласи шуки, ишни жадаллатинг, куз ёнгарчилигида аросатда қолманг. Кам-кўст бўлса, бажонидил, айтаверинг, тортинманг.

— Раҳмат! Яхшилингизни сира унутмайман!

— Хўш, келишдик-а, яна нима керак?



— Эллик-олтмишта шифер, тахта, рейка дегандек.

— Ишчи кучидан ҳамми?

— Йўғ-е, бошлиқ билиб қолиб, тано-бимизни тортиб қолмасин.

— Хайр, майли, шанба, якшанба кунлари ёр-биродарларингиздан фойдаланарсиз. «Ҳашарга» десангиз борми, ҳамма етиб келади. Гап шу ерда қолсин, укаҳон, дача битганда бир «ювамиз»да.

— Э, албатта, қўй сўяман, қўй!

Парпи прораб қурилиш материаллини кўз қорачиғидек асрайди, битта ғиштни ҳам ўмартирмайди, дейишарди. Дача хусусидаги суҳбатимиздан кейин тили бошқаю дили бошқа, муғамбир экан, деган фикрга бордим. Ишқилиб, тузоғига илиниб қолмай-да, дея бошлаган ишимни тугаллаш учун жон-жаҳдим билан киришдим. Қурилиш материалларининг «текин»лиги туфайли дачани ўйлаганимдан кўра мухташамроқ, дабдабалироқ қилишга эришдим. Интилганга толе ёр, деганларидек, орзиқиб кутилган кунга ҳам етиб келдим.

Парпи прорабни, ҳашарга келган ёр-биродарларни дачани «ювиш»га таклиф қилдим. Хотиним Қорахол билан елиб-югуриб, дастурхон ноз-неъматларини тайёрладик. Бир вақт автобусда тенг-тўшлар «Қутлуғ бўлсин»га келиб қолишди. Севин-

ганимдан бошим осмонга етиб, пешвоз чиққан эдимки, бошлиғимиз Расул Шавклович ҳам машинадан тушиб келяпти. Бир сесканиб, терлаб олдим. Аммо бошлиқнинг чарақлаб турган чехрасини кўриб, кўксимга туфладим.

Хайрият-хайрият, бошлиқ хурсанд, демак, ҳеч нарсадан хабари йўқ.

Ниҳоят, меҳмонлар дачани томоша қилишгандан сўнг, зиёфатга ўтиришди. Булоқ сувда совитилган шампан виноларини, беш юлдузлик коньякларни бирин-кетин оғанимиздан кейин сўзни Парпи прораб олди:

— Қимматли қурувчи ўртоқлар,— деди у ўрнидан туриб,— ушбу оромгоҳга шаҳримиздаги барча ташкилотлар дача, яъни дала уй қуришди. Биз эса қурувчи бўла туриб, ўз имкониятимиздан фойдаланмай келаётгандик. Моҳир меҳнатсевар, ғоят ишбилармон шофёримиз Темирхўжа шахсий ташаббус кўрсатиб, ушбу даргоҳда азамат қурувчиларимиз учун дача қурди. Рухсат берасизлар, шу муносабат билан қурилиш-монтаж бошқармасининг «Раҳматнома»сини ўқиб эшиттираман...

Парпи прораб қироат билан ўқишга тушди. Ҳамманинг нигоҳида ғалати жил-майишни кўриб, анграйиб қолдим...

□

---

## Музаффар ТУРСУНОВ

---



1942 йили туғилган. Бухоро Давлат педагогика институтида, сўнгра Тошкент Олий партия мактабида таҳсил олган. У ҳозир Бухоро область, Свердлов район «Коммунизм тонги» газетасида муҳаррир.

---

### ЖУЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР...

[Насрий масал]

Оқ товуқ курк бўлди. У тўпидан ажралиб юрар, ҳар хил овозлар чиқариб, ўз тилида нималардир аён қиларди.

Ниҳоят тўртта йирик-йирик тухум устига қанотларини ёйиб, ҳурпайиб ўтиргач, товукнинг товуши, мастлардек юриши тинди.

Вақти етиб, тухумлар жўжа очди. Ҳар бири салкам мусичадек йирик-йирик жўжалар. Она товуқ ҳар куни шерикларига керилагани-керилаган.

— Қаранглар, кўриб қўйинглар, мана буларни жўжа дейдилар!

Сенлар ҳам бола очасан, қип-қизил гўшт, сичқоннинг боласидан ҳам кичик.

Товуқлар мақтанчоқ она товуққа кулиб қўйишарди.

Орадан кунлар ўтди. Бир куни она товуқ

болаларини чақириб-чорлаб кўчага чиқишди. Дарвоза олдидан ҳайқириб анҳор оқарди. Ёпирай, икки оқ жўжа ўзини сувга тап-тап отиб, ҳов наридан лўп-лўп этиб чиқишди.

— Чиқ, шамоллайсан, лойга ботиб қоласан,— деб қақағларди она товуқ.

— Ғақ-ғақ,— деб сувга шўнғиб чиқаётган жўжалар жуда хурсанд эдилар. Улар ҳатто она товуқнинг гапига сира парво қилмасдилар.

Жаҳлга минган она товуқ қолган болаларига насиҳат қилмоқчи бўлиб орқасига ўгирилган эди — чипорлари ҳам йўқ. Зир югуриб, уларни куркалар орасидан топди. Чипорлар ҳам мақтанчоқ «она»ларига сира парво қилмай бамайлихотир юрардилар...

Мақтанчоқ кишиларга: «Жўжани кузда санайдилар», деган гап ҳам шундан қолган дейишади...

□

## Собиржон ЮСУФАЛИЕВ



Самарқандда туғилган, болалиги Жанубий Қозоғистоннинг Қорабулоқ қишлоғида ўтган. У Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб, ҳозир Чимкент области Сайрам районидаги «Меҳнат байроғи» газетасида ишламоқда.

### ЭЪТИРОЗ БИЛДИРМАСА...

Бошлиғимиз ҳузурига биринчи марта илтимос билан кираётганлигим учунми, кабинетининг эшигини секингина чертдим, юрагим бетламайроқ ичкарига кирдим.

Директор креслога ястаниб, журналдаги расмларни берилиб томоша қилаётган экан. Йўталиб қўйдим.

— Ий-я, келинг, Аҳмаджон,— деди у журнални қўлидан қўймай.

— Ассаломалайкум...— дедим тутилини-қираб.

— Ҳўш, қалай? Ишларингиз жойида-ми?— деди у.

— Дуруст, раҳмат. Бизда қандай ишлар бўларди. Қоровулчилик... — Гапни нимадан бошлашни билмай, анча вақт доврираб турдим.

— Бир нима сўрамоқчимисиз?— деб сабрсизланди каттақонимиз.

— Иш, ҳалиги... пастдаги магазиндан шифоньёр олгандим. Шунга машина керак эди. Биронтасига ўн минутга рухсат берсангиз.

— Жуда яхши-да,— деди у.— Машинамиз кўп, шу ерда ишлайсиз. Майли, сизга бермай кимга берамиз машинани. Ҳозир муовинимга чиқинг, тушунтиринг. Бундай масалаларни ўша ҳал қилади. Ўзим рухсат этардим-ку, лекин тунов кунги мажлисда машиналардан директорнинг ўзи фойдаланаверади, ҳеч кимга маслаҳат солмайди, деган гаплар бўлди...

Муовиннинг кабинетига йўл олдим. Муовин нимадандир хурсанд ўтирган экан, менинг ҳам кайфиятим кўтарилиб кетди.

— Ҳасан ака,— деб гап бошладим.—

Магазиндан шифоньеримни оборишга машина керак эди.

— Ҳмм. Машина давлатники. Ҳар ҳолда директор билан...

— Гаплашдим,— дея унинг гапини илиб олдим.— У киши сизга юбордилар.

— Майли, розиман,— деди муовин.— Бироқ хўжалик ишлари бўйича директор ёрдамчисига учрашинг. Агар у қаршилиқ қилмаса...

У сўзини тугатмасданоқ ташқарига отилдим. Хўжалик ишлари бўйича ёрдамчи ўз хонасида қоғоз титкилаб ўтирган экан. Ёрдамчи мени тинглади, гапларимни қувватлади. Ҳатто шифоньерни уйга етказиб олишимга ишонтирди-да, охирида:

— Мабодо местком раиси йўқ демаса, ишингизни битириволасиз,— деди.— Ҳар ҳолда келишиб ишлаганингиз тузук.— Местком раисини анча қидиришга тўғри келди. Ноумид — шайтон, излаган топаркан: ахйри уни чойхонада топдим. Муддаомни қайта боддан тушунтирдим.

— Барча рози,— дедим.— Энди ҳамма гап сизда қолди.

— Ташвиш тортманг. Ишим битди, деяверинг.

Мен ҳам тўлқинланиб кетдим.

Лекин местком раисининг охириги гапи ҳали тугамаган экан:

— Ҳозир тўғри гараж мудирига бориб, мақсадингизни айтинг!

Илож қанча, оёғимни қўлимга олиб, тўғри гаражга чопдим. Қани энди мудирни топа қолсам. Омадани анчадан кейин юришди. Уни гараж бостирмасида улфат-

лари билан «қиттай-қиттай» отаётганида ушлаб олдим.

Куйиб-пишиб муддаомни баён этганимдан сўнг, мудирдан ширакайф овоз чиқди:

— Нима қиласиз ши-ши-фон-нерни?

Кетиш-кетмаслигимни билмай серрайиб қолдим.

— Майли,— деди мудир менга ачингандек бўлиб,— биттасидан сўраниб кўринг, агар хўп деса...

Шу пайт гаражга битта машина кириб

келди. Пешвоз чиқдим. Шофёр мени тинглагач:

— Жон деб борардим-у, лекин, ака, машина яхши тортмаяпти,— деди. Кейин машина ойнасини артаётган Эрматга ялиндим. У тушликка кетяпти, нариги машинанинг бензини тугабди.

Ишим битмаслигига кўзим етиб, гараждан чиқдим. Қарасам... Ишонасизми, йўқми: саккизинчида ўқийдиган Солижон жияним шифоньерни аравага солиб кетяпти!..



## НАИРАНГБОЗ ШОФЁР

Поликлиникага ёрдам учун юборилган машинанинг шофёри бир ой мобайнида бош врачнинг олдига кириб: «Холам ўлиб қолди», эртасига «амаким қаттиқ касал», индинига «тоғамнинг ўғли ўлиб қолди»,— деган баҳоналар билан машинани олиб кетаверди. Кунлардан бир кун бош врач шофёрни кабинетига чақирди-да:

— Ука, бугундан бошлаб бошлиғингга айт, сени бошқа поликлиникага юборсин,— деди.

— Нега?

— Агар яна бир ой бирга ишласак, бутун авлод-аждодингдан ажраб қоласан...

## УЧ НУСХА

Бошлиқ ўз ёрдамчисига интизом ҳақида ўн минутлик доклад ёзиб беришни буюрди:

— Соат саккиздан кеч қолмасин,— деди у.

Бошлиқ тайёр докладни ўн минут эмас, ўттиз минут чўзиб ўқиди.

Эртасига у ёрдамчисини чақириб деди:

— Доклад учун раҳмат, лекин нега ўн минутлик десам, ўттиз минутлик доклад ёздингиз?

— Кечирасиз, мен билмай қўлингизга докладнинг учала нусхасини бериб юборибман.

## ТУЛКИ ҲИЙЛАСИ

Қорни оч тулки дарахтда ўтирган хўрозни кўриб, уни бир алдамоқчи бўлибди:

— Ҳой хўроз, пастга туш. Эшитмадингми, бугун радиода эълон қилинди. Бундан буён ҳайвон ва паррандалар бир-бирлари билан дўст бўлишди ва бир-бирларига ҳужум қилишмайди. Бу ҳақда газеталарда ҳам ёзишди, телевизорда ҳам айтишди.

Шунда хўроз узоқларга қараб тикилиб қолибди. Тулки безовталаниб сўрабди:

— Қаерга қараётирсан?

— Узоқдан биз томонга катта ит келаётир,— деб жавоб берибди хўроз.

Буни эшитиб тулки секин кета бошлабди. Бундан ҳайрон бўлган хўроз сўрабди:

— Тулки, қаерга кетаётирсан?

Йўлида давом эта туриб, тулки дебди:

— Бу ит газета ўқимаса, радио эшитмаса, телевизор кўрмаса, янги эълондан хабарсиз, менга ҳужум қилиб қолиши мумкин.

## ҲҶКИЗНИНГ СИРИ

Ҳўкизини устига духоба ёпиб, янги арқонга боғлаб бозордан ўтиб кетаётган одамдан сўрашибди:

— Биродар, нега ҳўкизингизни бунчалик ясагансиз. Уни сотасизми?

— Йўқ, мен ҳеч қачон у ҳўкизини сотмайман. Чунки унда зўр хислат бор.

— Қандай хислат экан?— қизиқиб сўрашди, уни ўраб олган одамлар.

— Бу ҳўкиз доим маҳалламиздаги ҳоч қаерда ишламайдиган, ичкиликка муккаси дан кетиб, барчани тинчлигини бузадиган одамларни сузиб, уларни қувиб юради.

Шунда бирданга бир неча киши ундан илтимос қила бошлади:

— Сотмасангиз, ҳеч бўлмаса ҳўкизингизни бизнинг маҳаллага бир-икки кунга бериб туринг.

## БОҒЧАГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Уч яшар қизини боғчага жойлаштириш ҳақида путёвка олиб келишни айтавериб чарчаган аёл эрига дебди:

— Шу бугун охириг кунни, агар олиб келмасангиз, уйга киргизмайман.

— Унда уйга қизим тўрт яшар бўлганди кирар эканман-да,— жавоб берибди эри.

Алишер АЮПОВ ва Жамолiddин  
РАҶИМОВлар тўплаган.

Г 84

Ёшлик: Шеърлар. Ҳикоялар. Очерклар: Аль-  
манах. (Редкол.: О. Ёқубов ва бошқ.).—Т.:  
«Ёш гвардия» 1979.

Вып. 7. 120 б.

Ёшлик. Альманах. Вып. 7.

ББК 84Уз

Уз

На узбекском языке

КОЛЛЕКТИВ

ЁШЛИК — 7



Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1979

Тўплаб, нашрга тайёрловчи Тўлқин  
Редакторлар М. Мирзаев, А. Аъзамов  
Рассом Э. Валиев  
Расмлар редактори А. Ғуломов  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 436

Босмахонага берилди 2.07.1979 й. Босишга рухсат  
этилди 11.12.1979 й. Формати 70×90<sup>1/16</sup>. № 1  
босма қоғозга «Журнальная рубленая» гарни-  
турада юқори босма усулида босилди. Босма ли-  
сти 7,50. Шартли босма листи 8,77. Нашр ли-  
сти 8,93. Тиражи 30000. Шартнома 56—79. Баҳо-  
си 70 т. Р—13931. Зак. № 1309.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-  
дия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий  
кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.  
«Правда Востока» кўчаси, 26.

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти 1979 йилда  
қуйидаги китобларни нашр этди:**

**Н. КАРИМОВ «Ҳамид Олимжон».**

**П. ҚОДИРОВ «Яйра институтга кирмоқчи».**

**А. КУПРИН «Олтин кўзли билагузук».**

**Н. РАҲИМОВ «Коммунизмни ўрганамиз».**

**О. ИБРАГИМОВА, М. ХОЛМУРОТОВА «Бугун сбор».**